

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК фанидан

Маърузалар матни

(5120100- ФИЛОЛОГИЯ (ТИЛЛАР БЎЙИЧА))

ТОШКЕНТ-2014

Умумий тилшунослик фани бўйича маърузалар матни филология (тиллар бўйича) таълим йўналиши ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Маджидова Р.У. – *Умумий тилшунослик кафедраси мудири,*
филология фанлари номзоди, доцент

Султонова Ш.М. – *Умумий тилшунослик кафедраси ўқитувчиси*

**1-МАЪРУЗА: КИРИШ. КУРСНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.
ТИЛ ЭНГ МУҲИМ АЛОҚА ВОСИТАСИ.
ТИЛ – ИЖТИМОЙ ҲОДИСА. ТИЛНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ.
ТИЛЛАРНИНГ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Режа:

1. Тилшунослик фани предмети ва унинг асосий масаласи.
2. Тилшуносликнинг фан сифатида шаклланиши.
3. Тилшуносликнинг асосий тармоқлари.
4. Тил – ижтимоий ҳодиса.
5. Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
6. Тилшунослик фанининг вазифаси ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Мақсад: *Тилшунослик фанининг предмети ва билиш усуллари, унинг ривожланиш тарихи, бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш*

Тилшунослик муайян ва умумий тилшунослик соҳаларидан иборат. Маълум бир тилнинг луғат таркиби, фонетик системаси ва грамматик қурилиши шунингдек, тарихий тараққиёт йўлларини ўрганишга асослаган муайян тилшунослик бир тилни ўрганиш билан чекланса, умумий тилшунослик ундан фарқланган ҳолда, умуман тилнинг келиб чиқиши, ижтимоий моҳиятини, жамиятдаги ўрни, вазифасини, тараққиёт йўлларини, тил билан тафаккурнинг бир-бирига узвийлигини, барча тилларнинг ўзаро муносабатини ўрганади ҳамда тилларни текшириш усуллариининг яратади. Умумий тилшунослик айрим тилларни, бир гуруҳ тилларни ўрганиш, текшириш натижасида аниқланган тил ҳодисаларини, тил далилларини умумлаштириб, умумий хулосалар чиқаради ва худди шу асосда тил қонуниятларини аниқлаб беради.

Биз ўрганаётган Тилшуносликка кириш курси эса, тилнинг бошқа ҳодисалар ичида тутган ўрни, тузилиши ва тилнинг тараққий этиш қонуниятлари ҳақидаги, умуман, тил хусусидаги фаннинг асосий тушунчаларини ўрганишда. Бу курснинг яна бир муҳим вазифаси шундан иборатки, тилшунослик фанида қўлланиладиган терминлар, тушунчалар тизими билан таништиради. Шунинг учун бу курс умумий тилшуносликнинг дастлабки босқичи бўлиб, умуман мураккаб тил ҳодисаларини туғри тушунишга, маълум бир тил ҳамда, қардош тиллар гуруҳини бир-бирига

солиштириб, маълум тил ҳодисаларини, луғат тартибини, фонетик тизими ва грамматик қурилишини илмий асосда чуқур ўрганишга учун назарий ва амалий жиҳатдан замин яратиб беради.

Тилшунослик тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тил ва тафаккур, тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар, тилнинг жамиятдаги ўрни, ички тузилиши - тилнинг таснифи, уни таҳлил этиш усуллари ва шу каби масалаларни ўрганадиган фандир.

Тилни тилшуносликдан ташқари, фалсафа, мантиқ каби бошқа фанлар ҳам ўрганади. Маълумки, тафаккурда дахлдор масалалар мантиқ илмининг мавзусидир. Шу туфайли мантиқчилар тафаккур қонуниятлари билан бирга, фикрнинг тилда акс этишини ўрганмасликларни мумкин эмас. Ундан ташқари, тил ва тафаккур бир-бири билан узвий боғланган. Бири иккинчисисиз яшай олмайдиган ҳодисадир. Тафаккур тилда яшайди, ҳар қандай нутқ асосида эса тафаккур ётади. Мантиқ тилни ана шу йўналишда ўрганади.

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан боғлиқлиги туфайли тил состиологлар томонидан ҳам ўрганилди.

Маълумки, жамият тарихий тараққиёти жараёнида содир бўлган воқеа ва ҳодисалар тилда акс этмай қолмайди. Шунга кўра, тарихчилар тил тарихига, тилшунослик эса, ўз навбатида, тарих фанига мурожаат қиладилар. Демак, тилшунослар тилга оид масалаларни ҳал этишда этнография, психология, антропология, математика, география, физика ва бошқа фанларга оид материаллар ва хулосалардан фойдаланадилар.

Тил фақат тилшунослик эмас, балки бошқа фанлар учун ҳам ўрганиш соҳаси сифатида намоён бўлади. Бу соҳадан ҳар бир фан ўз мавзусини ажратиб олади. Ўрганиш соҳасини ажратиб олиш нуқтаи назаридан тилшуносликни икки турга ажратилиши қатор адабиётларни кўрсатиб ўтилади:

- 1.Макролингвистика (катта тилшунослик)
- 2.Микролингвистика (кичик тилшунослик)

Макролингвистика тилни бошқа фанлар билан кўшиб ўрганади. У тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши бошқичлари қонунлари тилнинг ижтимоий моҳияти, унинг тафаккур билан муносабатини, тил ва бошқа сигнал системалари орасидаги ўхшашлик ва фарқларни, тилнинг тарқалиши каби масалаларни ўз ичига олади.

Микролингвистика эса, тилнинг фақат ички-фонетик, лексик ва грамматик тузилишини ўрганиши билан характерланади.

1. Экстроллингвистика тилни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиб состиолингвистика ва менталингвистикани ўзидабирлаштиради. Состиолингвистика тилнинг табиати ва ижтимоий функсиясини, менталингвистика эса тил ва тафаккур, тилнинг мазмун томонини ўрганади.

2. Интраллингвистика тилнинг ички системасини, унинг бирликлари ва категориялари, тилнинг яруслари ҳамда уларнинг структурасини ўрганади. Фонология лексикология ва грамматика интраллингвистиканинг асосий бўлимлари ҳисобланади.

3. Компаративистика қиёсий-тарихий тилшунослик сифатида Ҳинд - европа тилларининг фонетикаси ва морфологиясини қиёсий ўрганиш асосида пайдо бўлди. Қиёсий тилшуносликда ареал лингвистика, типологиялар ҳам ўрганилади.

Олимлар ўртасида тилга турлича тарифлар берилиши кўзга ташланмоқда:

"Тил тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуидир"(Ф.Де Соссюр).

"Тил - одам онгининг иштирокисиз, унинг ташқи дунёга нисбатан бўлган механик ҳаракатидир» (Л.Блумфилд).

"Тил фикрни ифода қилишга мўлжалланган, талаффуз қилинадиган, чегараланган товушлар мажмуидир" (Б.Гроссе).

Ушбу фикрлар тилнинг у ёки бу томонини таърифлаш учун хизмат қилади, бироқ уларда тилнинг ижтимоий моҳияти масаласи эътироф этилмайди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш зарурки, тил ижтимоий жиҳатдан шунчаки алоқа воситаси бўлиб қолмай, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда кўринади:

Тил фикр ва ҳиссиётларни ифода қилувчи восита, инсон уни барча фаолиятида қўллайди. Бошқа алоқа воситалари ишлатилиш кўлами чекланган (масалан, кўча ҳаракати белгилари асосан ҳайдовчиларга хизмат қилади, бошқа ерда ишлатилмайди).

Тил қуруқ ахборотнинг ўзинигина бир шахсдан иккинчи шахсга етказмасдан, балки гапирувчининг бу ахборотга муносабатини, унинг ҳоҳиш-истаги ва баҳоси, руҳий ҳолатини акс эттиради.

Тилдан бошқа ҳамма сигнал системалари сунъийдир, улар одамлар томонидан яратилади ва шароитга кўра ўзгартирилиши мумкин. Сунъий воситаларнинг яратилишида одамларнинг ҳаммаси эмас, балки мазкур соҳаси яхши билувчи кичик бир гуруҳ иштирок этади. Тил эса одамларнинг истақ-хоҳишларига богълиқ бўлмайди, уни жамият аъзолари ўз ихтиёрлари билан

ўзгартира олмайди. Тил асрлар давомида жамиятга хизмат килади, уларнинг эҳтиёжларини тўла-тўқис бажаради, гарчанд тил ўзгарувчан ҳодиса бўлса-да, у фақат ўзининг ички обоектив қонунлари асосида ривожланади. Шу билан бирга, жамият бўлмаса, тил бўлмайди, жамият тилни кундалик ҳаётда қўлламаса, тил ривожланмайди. Демак, тил ва жамият доимо бир-бирини тақозо этади. Бошқа сигнал системалари тилга нисбатан иккиламчи, унга қўшимча восита сифатида намоён бўлади ҳамда уни тўлдиради.

Юқоридагилардан кўринадики, тил ўзига хос ишоралар системаси, яъни семиологик система тарзида жамиятдаги энг муҳим алоқа курали, жамият тафаккурининг тараққий этишини таъмин этувчи, авлоддан - авлодга маданий-тарихий анъаналарни етказувчи восита вазифасини бажаради.

Муайян бир даврга келиб, ёзувнинг яратилиши билан алоқа воситаси бўлган тиллар ёзувда акс этган. Кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиёти давомида жамиятининг асосий алоқа воситаси саналган тил ва унинг хусусиятлари борасида ҳар хил қарашлар вужудга келга. Маълум тоифа олимлар тилни ҳайвон, ўсимлик каби жонли нарсаларга ўхшатиб, тилни ҳайвон, ўсимлик каби табиатдаги тирик организм деб тушунганлар. Унинг фикрича, тил тирик организм сингари, табиат қонунларига итоат қилган ҳолда тугъилади, ўсади ва тараққий қилади, сўнг эскириб, ўлади.

Маълумки, XIX асрда Ч.Дарвин таълимоти вужудга келиши билан бу назария қатор фанларга ўз таъсирини ўтказа бошлади. Албатта, тилшунос олимлар ҳам бу назария таъсирида тилни табиий восита сифатидагина эътироф этдилар (Мюллер, Шлейхер - немис тилшунослари).

Ушбу назария тарафдорлари Дарвин таълимотини тилшуносликка буришга интидилар. Физиологик жиъатдан тил умуртқа ҳайвонларга хос бўлган оғъиз бўшлиғида жойлашган серҳаракат бир қисм. Бироқ ҳайвон тили таом билиш, овқатланиш учунгина керак бўлса, кишиларда тил шу хусусиятлардан ташқари, кишиларнинг жамиятдаги алоқасини таъминлайди, яъни коммуникатив ижтимоий вазифа бажаради.

Инсоннинг табиий-биологик хусусиятлари кишилиқ жамиятидан ташқари, жамиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда, масалан, янги тугъилган гўдак ҳаётининг такомилли (нафас олиши, кўриши, овқат ейиши, аста-секин юриб кетиши ва ҳоказолар) табиат қонунларига мувофиқ ҳолда тараққий этаверади, ўсаверади. Аммо тил бундай табиий ҳодиса эмас. Кишининг сўзлаши, фикрлай билиш учун жамият, кишилиқ жамиятининг бўлиши шарт, жумладан, ҳайвонлар (бўрилар) орасида ўсган бола).

Шуни эътироф қилиш зарурки, кишининг табиий-биологик хусусиятлари наслдан-наслга ўтиши мумкин, бироқ боланинг тили - сўзлаш хусусияти наслдан-наслга ўтмайди, ўзбеклар орасида яшаган немис боласи ўзбек тилида сўзлайди. Унинг юз кўриниши табиий ҳолати ўзбекларникига ўхшамаслиги аниқ, ёки аксинча бўлиши мумкин.

Кўринадики, тил табиий-биологик ҳодиса бўлмай, кишилиқ жамиятининг энг муҳим алоқа воситаси сифатида жамиятга хизмат қилувчи синфга богълиқ бўлмаган ижтимоий ҳодисадир. Шунга кўра хусусида шундай дейиш мумкин:

а) тил муайян жамиятда шаклланади, тараққий этади ва шу жамият учун хизмат қилади;

б) тил табиий-биологик эмас, ижтимоий ҳодисадир;

в) тил кишиларнинг табиий-ирқий белгиларига алоқадор бўлмайди;

г) тил жамиятнинг маълум бир гуруҳи томонидан эмас, балки бутун жамият аъзолари томонидан яратилган ижтимоий ҳодиса саналади.

Тил маълум бир табақа, гуруҳлар учун хизмат қилмайди, жамият аъзолари учун баравар хизмат қилади.

Тил орқали ифода эттирилаётган маълум фикр тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқада эканлигини намоён этади. Киши ўз фикр истагини тил орқали юзага чиқаради, бироқ фикр юрита олмайдиган киши сўзлай ҳам олмайди (албатта даража, савия бошқа масала).

Тафаккур билан тилнинг муносабати ўзига хос жараён дир. Ҳар қандай фикр муайян моддий қолипга тушмагунча, яъни сўз, гап орқали ифода этилмагунча юзага чиқмайди. Тил фикрнинг воқеланиши, намоён қилинишидир. Фикр сўзлар шаклланади, тилда ўзининг ифодасини топади. Шундай қилиб, сўз фикрни мужассамлаштиради, моддий шаклга солиб уни юзага чиқаради. Фикр мазмуни эса сўзлар воситаси билан таркибий қисмларга ажралади. Онгимизда пайдо бўладиган фикрнинг моҳиятини, мазмунини ташкил этадиган ҳар қандай идрок ёки тасаввур ҳам фақат сўзлар воситаси билангина воқеаланади.

Тил фақат кишиларга хос бўлгани каби, тафаккур ҳам фақат кишиларга хос бўлади. Тил ва тафаккур бир-бири билан чамбарчас богълиқ бўлиб. Тил тафаккурсиз, тафаккур тилсиз мавжуд бўла олмайди. Бироқ, тил ва тафаккур бошқа-бошқа ходисалар бўлиб, тафаккур ташқи моддий оламнинг кишилар миясида акс этишининг энг юксак шаклидир. Тил эса тафаккурни, фикрни муайян бир шаклга солади ва сўзлар орқали, гаплар воситасида ифодаланиши билан фарқланади.

Шунингдек, тил ва тафаккур бошқа-бошқа фан соҳаси сифатида ажратилади: тил лингвистиканинг, тафаккур логиканинг ўрганиш обьектидир. Уларнинг ўзаро тенг эмасликларини барча одамларнинг бир хилда фикр юрита олмасликлари билан ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Худди шу фикрнинг исботи тарзида жамият аъзоларининг турли гуруҳлари мисолида уларнинг фикр юритиш, шунга кўра, сўзлаш даражасини бир-биридан фарқлаш мумкин:

Касб-хунар нуқтаи назаридан - ишчи ва сотувчи, медик ва қурувчи, олим ва шоир тарзида;

ёш нуқтаи назардан - ёшлар, болалар, кексалар;

жинс нуқтаи назаридан - аёл ёки эркек;

яшаш жойи нуқтаи назаридан – шаҳар ёки қишлоқ кишиси ва бошқалар.

Шуни ҳам эотиروف этиш лозимки, соқовлар нутқи ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўзаро боғловчи восита имо-ишоралардир.

Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида асосий фаразлар

Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида асосий фаразлардан бири товушга тақлид.

Бу фараз қадимги Юнонистонда – Демокрит ва Платон даврида ўртага ташланган бўлиб, унга кўра ибтидоий одамлар ё онгли, ё онгсиз тарзда турли-туман товушлар, яъни ҳайвонларнинг бақириқлари, қушларнинг сайраши, шамол ва шаршараларнинг овозлари ва ҳоказоларга тақлид қилишга ҳаракат қилишган. Ибтидоий одамлар дастлаб айрим товушларни, кейинчалик бу товушларни бир-бирига қўшиб талаффуз қилишни ўрганишган: бу товуш ва товуш бирикмалари сўз ясашга асос бўлган, деган фикр илгари сурилади. Ҳар бир тилда табиат товушларига тақлид қилиш йўли билан пайдо бўлган сўзлар, масалан, рус тилида кукушка, гавкат, шипет (шипение), ўзбек тилида - қарға, шаршара, каклик, чумчуқ, миёв, миёвламақ)нинг мавжудлиги бундай фаразга асос қилиб олинган. Аммо бу сўзлар тилдаги сўзларнинг жуда камчилигини ташкил этади. Табиатда товуш чиқармайдиган нарсаларнинг сони товуш чиқарадиганларга нисбатан кўп. Шундай бўлгач, товуш чиқармайдиган нарсаларга ном қаердан олиб кўйилган, деган табиий савол туғилади. Товушга тақлид қилиш фарази тўғри бўлса, унда ибтидоий жамиятда яшаган қабилалар тилида бундай усулда ясалган сўзларнинг сони фан ва техникаси ривожланган халқлар тилидагига нисбатан кўпроқ бўлиши керак. Лекин сўнгги йилларда Австралия ва

Жанубий Америкада топилган, ибтидоий тузумни бошидан кечираётган кабилалар тилида ўтказилган тажрибалар, бу тилларда товушга тақлид қилиш йўли билан ясалган сўзлар ривожланган тиллардагига нисбатан бирмунча камлигини кўрсатди. Ундан ташқари, табиатдаги бақириқ-чақириқ, шовқин-суронларга тақлид қилиш учун нутқ органларининг ўта ривожланган бўлиши зарурлиги ҳам аниқланган. Демак, товушга тақлид фарази тилнинг пайдо бўлиши масаласини узил-кесил ҳал қилолмайди.

Маълумки, тил билан тафаккур бир вақтда пайдо бўлади. Шундай экан, юқоридаги фаразни илгари сурган файласуфлар ва тилшуносларнинг фикри тил билан тафаккур бирлигига зиддир, чунки фарозда дастлабки тақлидий товушларни ибтидоий одамлар бэихтиёр «изҳор қилишган» дейилади. Бундай ҳолда тил тафаккурдан аввал пайдо бўлган деган нотўғри хулоса юзага келиши мумкин.

Ундовлар фарази. Тилнинг пайдо бўлишига доир иккинчи кенг тарқалган фикр ундовлар фаразидир. Бу фароз ҳам қадимий бўлиб, унинг асосида ҳам ҳайвонларнинг бақириқ-чақириқлари ётади. Бу фароз асосчиларининг фикрича, ибтидоий одамлар ҳайвонларнинг бақириқ-чақириқларини ўрганиб, улар орқали ўзларининг ички кечинмалари, ғам-аламларини ифодалашган: оҳ, уҳ каби ундов сўзлар бунга мисол қилиб кўрсатилади. Тилдаги бошқа сўзлар эса, ана шундай сўзларнинг бирикувидан келиб чиққан, деб тушунтирилади. Таниқли франстуз олими Жан Жак Руссо (XVIII аср) ҳам шу фикрни қувватлаган.

Дунёдаги барча тилларда бундай birlikлар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ҳар хил сўз туркумлари ясаши мумкин: (ўзбек тилида уфламоқ ва рус тилида охат, ухат;). Лекин бу сўзларнинг миқдори шу қадар камки, тилдек мураккаб ҳодиса ана шу йўл билан пайдо бўлган, дейиш бу масалани жуда соддалаштириб юборган бўлур эди.

Маълумки, тилнинг асосий вазифаси одамлар орасида фикр алмашинувини таъминлашдир. Бинобарин, мазкур фаразни қабул қилиш тилнинг асосий вазифасини, тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини рад этишга олиб келади. Ички кечинмаларни изҳор қилиш доимо ҳам жамиятнинг бўлишини тақозо қилмайди. Ваҳоланки, тилнинг яшаши ва ривожланиши жамият билан узвий боғлиқ: жамият бор жойдагина тил бор, тил бор жойда жамият бор.

Меҳнат чақириқлари фарази. Бу фаразни илгари сурган олимларнинг фикрича, тил одамлар жамоа бўлиб меҳнат қилаётганларида меҳнатни ташкил қилишда фойдаланилган товушлар асосида пайдо бўлган.

Ҳозирги замон олимларининг далолат беришича, тилнинг пайдо бўлишида меҳнат чақириқларининг ҳеч қандай дахли йўқ, чунки у на одамлар орасида алоқа воситаси вазифасини бажаради, на нарса ва Ҳодисаларнинг номини атайди ва на ҳис-ҳаяжонни ифодалайди. Бу фараз Ҳам тилнинг келиб чиқиш сабабларини, тилнинг пайдо бўлишини жамиятнинг пайдо бўлиши, сўзлаш ва фикр юритиш қобилиятига эга бўлган инсониятнинг пайдо бўлиши билан узвий равишда боғлай олмайди.

Ижтимоий келишув фарози. Бу фараз XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, уни илгари сурувчи олимлар баъзида бир-бирига зид хулосаларга келишган, уларнинг тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги асосий фикрлари бир хил. Қисқа қилиб айтганда, бу фаразга нарсаларни қандай аташни одамлар ўзаро келишиб олишган. Кўриниб турибдики, бошқа фаразларга қараганда бу энг оддий ва осон танқид қилиниши мумкин, чунки бирор нарса тўғрисида келишиб олиш учун, табиийки, келишув воситаси, яъни тил керак. Бинобарин, бу фараз тилнинг пайдо бўлишини эмас, балки тил ривожланишининг бир йўналишини тушунтириши мумкин. Ҳозирги вақтда у ёки бу фанга тааллуқли сўз ва атамалар ўзаро келишиб олинади. Лекин буни тилнинг пайдо бўлишига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Юқорида қайд этилган фаразлар айрим-айрим олинганда тилнинг пайдо бўлиши жараёнини тўла-тўқис тушунтириб бермасада, уларнинг ҳар бирида маълум даражада ҳақиқат бор, яъни бу фикрларнинг ҳар қайсиси тилнинг пайдо бўлиши ҳодисасига ўз ҳиссасини қўшган. Аввал айтилганидек, тил - ижтимоий ҳодиса, одамлар жамиятларга уюшган вақтдан бошлаб, бир-бирларига ниманидир айтиш эҳтиёжи туғилган. Тилнинг пайдо бўлиши тафаккур билан бир вақтда содир бўлган. Инсониятга хос бўлган бу икки ҳодиса бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисисиз яшай олмайди. Тилнинг асосида тафаккур ётади, тафаккур эса ўз навбатида тил орқали намоён бўлади, ривожланади. Тилнинг такомиллашишининг гарови эса-тафаккурдир.

Тилларнинг шаклланиши ва ривожланиши

Қабила ва уруғ тиллари. Ижтимоий форматсиялар ва тил. Кишилар ибтидоий жамиятнинг дастлабки даврларида тўда-тўда, яъни уруғ бўлиб яшаганлар. Уруғ кишилар жамиятининг энг кичик, оддий ҳамда қадимий уюшмасидир.

Бир нечта қардош уруғлар қабилани ташкил қилган. Бундай уюшмаларнинг ҳар бирининг ўз тили, ўз алоқа воситаси бўлган.

Маълумки, жонли мавжудот кўпайиш хусусиятига эга. Вақт ўтиши билан қабила аъзолари кўпайиб, кенгроқ ҳудудга тарқала бошлайди. Бошқа жойларга кўчиб кетган қариндош қабилалар маълум ижтимоий-иқтисодий шароитларда бир тилнинг турли шеваларида сўзлашувчи қабилаларнинг уюшмасига – қабила иттифоқларига бирлашади. Қабила иттифоқларининг умумий тили бўлиб, айрим қабила тиллари қабила иттифоқи тилига нисбатан шева ҳолатини эгаллайди.

Қардош қабилалар иттифоқи вақти келиб халқни ташкил қилади. Кишилиқ жамиятининг бу уюшмасининг асосий белгилари: умумий тил, умумий ҳудуд, маданият ва маънавий тахлитнинг умумийлигидир.

Халқнинг асосий белгиларидан бири бўлган миллий тил бир- биридан фарқ қилувчи шеваларни ўзаро яқинлаштирувчи, етакчи, иқтисодий ва маданий марказ тили сифатида намоён бўлади.

Шевалар, миллий тиллар уруғчилик давридан бошлаб сон жиҳатдан кўпайиб боради. Аввал бир қабила иттифоқига кирган тилларда марказдан узоқлашган сари, шевага хос фарқ орта боради ва охир натижада бу фарқ янги тил пайдо бўлишига олиб келиши мумкин; сон ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади. Янгидан янги шева ва тилларнинг пайдо бўлишида икки омил: вақт ва масофа ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир: вақт ўтган сайин, масофа кенгая бориши, янги шева ва тиллар пайдо бўлишига олиб келади.

Фарқланиш ва мужассамлашув. Шеваларнинг сони кўпайиши ва улар асосида янгидан янги тилларнинг вужудга келишини тилшуносликда фарқланиш тушунчаси билан белгилашади. Шундай қилиб, фарқланиш деганда тилларни шеваларга парчаланиши тушунилади, бир тилга мансуб шеваларнинг миқдорини ортиб бориши англашилади.

Тилнинг шевадан фарқи шуки, тил бутун бир халққа хизмат қилади, шева эса халқнинг бир гуруҳигагина тааллуқлидир. Шу сабабдан тил кўп функцияли, ҳамма учун умумий алоқа воситаси, яъни инвариант воситадир, шева эса, вазифа нуқтайи назардан чегараланган бўлиб, тилнинг бир вариантини ташкил этади.

Халқ тили ёзма-адабий тил кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин, лекин унинг ҳамма тилларни бирлаштириш қобилияти бу даврда анча ожиз ва таъсир кучи кам бўлади.

Жамиятнинг муайян тарихий шароитида халқлар тараққий қилиб, миллат бўлади. Миллатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун, албатта, кўп сонли одамлар орасидаги иқтисодий муносабат бўлиши зарур. Миллатнинг асосий белгилари: умумий ҳудуд, умумий тил, умумий маданият

ва маънавий бирликдир. Шу белгиларни ўзида мужассамлаштирган кишилар уюшмасини миллат дейиш мумкин. Бундай уюшманинг тилини биз миллий тил деб атаёмиз.

Тил бирлиги ва унинг эркин ривожланиши миллатнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий тил ўз адабий ёзув шаклига эга бўлади. Миллий тилнинг бу шакли мазкур миллатнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир шеvasи учун умумийдир. Ҳар бир миллатнинг маданий мероси ана шу тилда ўз аксини топади.

Ҳар бир тил турли ривожланиш даврини бошидан кечиради. Бирорта тил пайдо бўлганидан бошлаб то ҳозиргача фақат ўз-ўзича ривожланиб келаяпти дейиш мумкин эмас. Маълумки, тил инсон билан боғлиқ. Тил ўз-ўзидан ривожланмайди; фақат жамият тилдан фойдалангани учунгина у ривожланади: ўзгариб туради. Демак, тилнинг ривожланиш тарихи, жамият тарихи билан узвий боғланган.

Субстрат ва суперстрат ҳодисаси. Тил тараққиётида кўшни халқлар ўртасидаги турли муносабатлар, савдо-сотик ва маданий алоқалар, урушлар ўз таъсирини қолдиради. Бундай ҳодисалар баъзи тилларда кўпроқ, баъзиларида эса камроқ акс этади. Масалан, ҳозирги замон инглиз тили луғат бойлигининг фақат 30 фоизга яқини соф инглиз тилига оид, қолганлари роман ва шарқ тилларидан кирган сўзлардир. Тилларнинг бундай муносабатлари тиллар ҳамкорлиги дейилади. Тиллар ҳамкорлигида тилларнинг чатишувига одатда катта аҳамият берилади. Баъзи олимларнинг фикрича, ҳар қандай ҳамкорлик ҳам тиллар чатишувига кирвермайди. Масалан, бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлаштирилиши тиллар чатишувига кирмайди, чунки ўзлаштирилган сўзлар тилнинг грамматик кўринишига ўз таъсирини ўтказмайди: араб тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган сўзлар бунга яхши мисол бўла олади.

Франсиянинг XI асрда Британия оролини босиб олиши ва франсуз тили билан англосаксон тиллари орасидаги алоқа чатишувига энг яхши мисолдир. Маълумки, бу ерда ғолиблар тили бўлмиш франсуз тили билан мағлублар тили – англосаксон тиллари орасида узоқ вақт давом этган урушдан кейин, ғолиблар ўз тилини йўқотиб, англосаксон тилини қабул қилишларига тўғри келди. Шунини ҳам айтиш керакки, англосаксон тили ҳам франсуз тилидан баъзи элементларни қабул қилди. Чатишув содир бўлганда субстрат ва суперстрат (бу сўзлар латинча бўлиб, биринчиси таг қатлам, иккинчиси эса, устки қатлам деган маъноларни англатади) ҳодисалари тўғрисида гап юритиш мумкин.

Ҳар иккала тушунча мағлуб тилнинг ғолиб тилдаги элементларидир. Агар мағлуб тилнинг элементлари ғолиб тилнинг фонетик, грамматик тузилишини бузиб, унга фаол таъсир қилган бўлса, унда субстрат суперстрат Ҳодисалари рўй беради. Бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлаштириш субстратга кирмайди. Субстрат юз берганда келгиндилар тили маҳаллий тилни сиқиб чиқаради ва ишлатилишдан чиқиб кетаётган тил келгиндилар тилига сезиларли таъсир кўрсатади.

Суперстрат ҳодисасида эса, келгиндилар тили маҳаллий тил билан курашиб, унга сезиларли даражада таъсир ўтказади, лекин уни сиқиб чиқармайди. Бунга Британия оролини нормандлар томонидан босиб олиниши ва норманд тилининг инглиз тилига ўтказган таъсири энг яхши мисол бўла олади.

Шуни қайд қилиш керакки, тилдаги ўзгаришлар кескин, тўсатдан содир бўлмайди: тилда инқилоб бўлмайди, тилдаги ўзгаришлар аста-секин, эволюцион йўл билан амалга ошади. Шу билан бирга тил тараққиётида турғунлик ҳам бўлмайди, у доимо ривожланишдадир.

Миллий тиллар тараққиёти. Юқорида айтганимиздек, миллий тилларнинг пайдо бўлиши миллатнинг пайдо бўлиши билан узвий боғланган. Миллат ва миллий тилларнинг пайдо бўлиши турли халқларда турлича амалга ошади. Бу ижтимоий тузумга ҳам боғлиқ бўлиб, ҳамма ерда бир вақтда содир бўлавермайди.

Миллий тиллар уч йўл билан пайдо бўлиши мумкин.

Биринчиси миллий тил пайдо бўлганга қадар мавжуд бўлган бирор бир шевага миллий тил мақомини бериш. Бунга ҳозирги замон франстуз тили яхши мисол бўла олади.

Франстуз миллий тилининг асосида Париж ва унинг атрофида кенг тарқалган Ил-де-Франс шеваси ётади. 1539 йилда Франсискининг буйруғи билан бу шева Франсиянинг ягона давлат тили деб эълон қилинди. Иккинчиси чатишув орқали бўлиб, унга инглиз тили қулай мисолдир. Инглиз тили асосан уч даврни бошидан ўтказган: биринчи давр қадим замонлардан то XI асгача бўлган давр. Бу даврда англлар, сакслар ва ютлар Британияни босиб олиб, маҳаллий келт (ҳозирги шотландлар, ирландлар ва уелсларнинг қадимий аجدодлари) қабилаларини Британ ярим оролига ҳайдаб, ўзлари Британия оролига ҳукмрон бўлиб олган даврдир. Бу даврнинг IX-X асрларида англосакслар ва данияликлар орасида урушлар бўлиб ўтади ва бу урушда данияликлар енгиб, англосаксларга қўшилиб, чатишиб кетадилар.

Иккинчи давр XI-XV асрларни ўз ичига олади. Бу вақт ичида нормандлар Британияни босиб олиб, ҳукмронликни ўз қўлларига оладилар. Улар франсуз тилида, англосакслар – герман тилида гаплашардилар. Бу икки тил орасида узоқ вақт кураш бўлиб, оқибатда маҳаллий тил энгиб чиқди, лекин франсуз тилига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, инглиз тили тарихида содир бўлган «унлиларнинг буюк силжиши» франсуз тили суперстрати билан тушунтирилади.

Учинчи давр XVI асрнинг охири, Шекспир ижодининг бошланиши билан боғланган. Бу англосаксон тили орасидаги чатишув жараёни тугаб, миллий тилнинг барпо бўлиш даврига тўғри келади.

Учинчи йўл билан, яъни шеваларнинг мужассамлашуви орқали миллий тилнинг ҳосил бўлишига рус миллий тилининг шаклланишини мисол қилиб келтириш мумкин.

XVI-XVII асрда Москва давлатининг пайдо бўлиши билан бир вақтда Москва диалекти асосида рус миллий тили шакллана бошлайди. Маълумки, Москва ўша вақтда шимол ва жануб диалектларининг туташадиган маркази эди.

Миллий тилларнинг шаклланишида бадиий сўз усталари, ёзувчи ва шоирларнинг ҳиссаси жуда каттадир. Жумладан, ўзбек тилининг шаклланишида Алишер Навоий, рус миллий тилининг тараққиётида А.С. Пушкин, янги грузин тили учун – Шота Руставели, немис тили учун – Мартин Лютер, инглиз тилининг ривожланишида В.Шекспир ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Назорат саволлари:

1. Тилшунослик фани нималарни ўрганади?
2. «Тилшуносликка кириш» курсининг вазифаси нималардан иборат?
3. «Умумий тилшунослик» курси ўз олдида қандай масалаларни қўяди?
4. «Умумий тилшунослик» ва «Тилшуносликка кириш» фанларининг ўрганиш объекти хусусида гапиринг. Улар орасидаги фарқни тушунтириб беринг.
5. Нима учун тил ижтимоий ҳодиса сифатида белгиланади?
6. Тилга хос қайси хусусиятларни биласиз?
7. Тил ва тафаккур орасида қандай боғлиқликлар мавжуд?
8. Тилни тилшуносликдан ташқари яна қайси фанлар ўрганади?
9. Тилни бошқа фанлар учун ҳам ўрганиш соҳаси сифатида олиб,

I Макролингвистика

II Микролингвистика атамаларини шарҳлаб беринг.

10. Тил жамиятда алоқа воситаси ҳисобланади. Булардан ташқари яна қандай вазифаларни бажаради.

Таянч ибора ва тушунчалар (госсарий)

1. Пресуппозистия ва импликация
2. Тема ва рема
3. Матн
4. Синтактик бутунлик
5. Эпиграфик
6. Сфрагистик
7. Нумизматик
8. Палеографик
9. Хат боши
10. Дискурс

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 2008.
2. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1992.
3. А. Содиқов, А. Абдуазизов, Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1981.
4. А.А. Реформатский. Введение в языковедение. Москва, 2008.
5. Б.Н. Головин. Введение в языкознание. М., 1979.
6. В.И. Кодухов. Введение в языкознание. М., 1979.
7. В.И. Кодухов. Общее языкознание. М., 2009.
8. Л.Н. Чурилина. Актуальные проблемы современной лингвистики. М., 2009.
9. Н.С. Шарафутдинова. Теория и история лингвистической науки. М., 2007.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-савол. Тилшунослик фани предмети ва унинг асосий масаласи

1-илова

Тилшунослик – тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тил ва тафаккур, тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар, тилнинг жамиятдаги ўрни, тилнинг ички тузилиши, тилнинг таснифи, тилни таҳлил қилиш усулларини ўрганадиган фан

Макролингвистика (катта тилшунослик) – тилнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёт қонунлари, тилнинг ижтимоий моҳиятини: унинг тафаккур билан муносабатини, тил ва бошқа сигнал системалари орасидаги ўхшашлик ва фарқларни, тилнинг тарқалиши, янги тил масалалари каби муаммоларни ўрганади

Микролингвистика (кичик тилшунослик) – тилнинг фақат ички, яъни фонетик, лексик ва грамматик тузилишини ўз ичига олади

Тилшуносликнинг асосий масаласи

2-илова

Тилшунослик фанининг асосий масалаларидан бири тилнинг ушбу фаннинг предмети сифатидаги таърифидир. Маълумки, табиий инсон тили фақат тилшуносликда эмас, балки яна бир қатор фанлар томонидан ўрганиладиган мураккаб объект бўлиб, ҳар бир фаннинг тилга берган таърифи ҳам турлича бўлиши мумкин. Ҳаттоки, тилшунослик фанининг ўзида ҳам тилнинг ягона таърифи йўқ. Тилнинг таърифи масаласи тилшунослик фани тарихида энг муҳим масалалардан бири бўлиб, фан тарихида турлича талқин қилинган ва ҳозирги кунда ҳам турли илмий мактаблар ва оқимлар орасида кескин баҳсларга сабаб бўлмоқда


2-савол. Тилшуносликнинг фан сифатида шаклланиши

3-илова

- Тилшунослик фанининг предметини, тилнинг табиатини ва моҳиятини ҳар хил тушуниш, фан тараққиёти тарихида турли илмий мактаблар ва оқимларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. **Натурализм, психологизм, структурализм ва бошқалар.**
- Тилшуносликнинг нутқ фаолиятининг турли аспектларини ўрганадиган янги тармоқлари, жумладан, **социолингвистика, психолингвистика, этнолингвистика ва бошқа турлари шаклланди.**
- Ҳозирги вақтда тилшунослик фанининг доираси тобора кенгайиб бормоқда ва фаннинг янгидан янги (**этнолингвистика, психолингвистика, антропологик лингвистика, генератив лингвистика, амалий лингвистика, когнитив лингвистика каби**) тармоқлари шаклланмоқда

3-савол. Тилшуносликнинг асосий тармоқлари

4-илова



4-савол. Тил – ижтимоий ҳодиса


5-илова

Инсон тилини жамият яратади ва у жамиятга хизмат қилади. Жамият бўлмаса, тил бўлмайди. Демак, тил ижтимоий ҳодисадир. Шундай экан, тилни ўрганадиган ижтимоий фанлар қаторига киради ва ўрганадиган предметининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги туфайли бошқа ижтимоий ҳодисаларни таништирадиган фанлардан фарқланиб туради.

- Тил табиий ҳодиса эмас;
- Тилнинг пайдо бўлиши учун кишилик жамияти бўлиши шарт.
- Тил-нутқ муҳити боланинг чақалоқлигида яратилиши ва чақалоққа бир томонлама тил таъсири ўтказиш муҳим ҳал қилувчи аҳамиятга эга;
- Тил ва тафаккур бир вақтда пайдо бўлади, бирга ривожланади, бири иккинчисисиз яшай олмайди

5-савол: Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

6-илова



6-савол: Тилшунослик фанининг вазифаси ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

7-илова

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан боғлиқлиги туфайли тил социологлар томонидан ҳам ўрганилади. Шунга кўра, тарихчилар тил тарихига, тилшунослар эса ўз навбатида тарих фанига мурожаат қиладилар. Демак, тилшунослар тилга оид масалаларни ҳал қилишда этнография, психология, антропология, математика, география, физика ва бошқа фанларга оид материаллар ва хулосалардан фойдаланадилар

2-МАЪРУЗА: ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ.
ФОНЕМА ТУШУНЧАСИ. ФОНЕТИК ҲОДИСАЛАР: КОМБИНАТОР
ВА ПОЗИСТИОН ЎЗГАРИШЛАР. ФОНЕМА ВАРИАНТЛАРИ.
НУТҚНИНГ ФОНЕТИК ЖИҲАТДАН БЎЛИНИШИ

Режа:

1. Фонетика ва фонология
2. Фонема тушунчаси
3. Фонетик ҳодисалар: комбинатор ва позистсион ўзгаришлар
4. Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлиниши
5. Нутқ органи ва артикулясия базаси
6. Нутқ товушлари таснифи

Мақсад: *Фонетика ва фонология бўлимларининг ўрганиш объекти бўлган фонема ва фон ҳақида тушунчага эга бўлиш, шунингдек, фонетик ўзгаришларни ажрата олишга ўргатиш*

Фонетика (грекча “фоне” - товуш сўзидан олинган) тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, тилдаги товушларни ўрганувчи соҳадир.

Фонетика бирор тилдаги нутқ товушларини, унли ва ундошларни, уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши қонуниятларини, умуман, инсон товушларини (антрофонетикани) ўрганади. Фонетика нутқ аппарати, бўғин ва уларнинг тузилишини текширади, шунингдек, адабий талаффуз нормаларини, товушлар ўзгаришларини, урғу, интонация ва унинг турларини ҳам ўрганади.

Фонетика тилшуносликнинг орфография, орфоэпия, фонология, лексикология, грамматика, диалектология ва бошқа соҳалари билан бевосита алоқадордир.

Сўнги тадқиқотларнинг кўрсатишича, фонетика физика, физиология, медистина каби фанлар билан ҳам яқин муносабатдадир.

Нутқ товушлари тарихий, қиёсий, тавсифий, ҳозирги ҳолатига кўра ҳамда турли сабаблар воситасида ўрганилиши мумкин. Шунга кўра, фонетика 1) умумий фонетика, 2) тарихий фонетика, 3) қиёсий фонетика, 4) чоғиштирма фонетика, 5) тавсифий фонетика, 6) экспериментал фонетика каби қисмларга бўлинади.

1. Умумий фонетика. Бунда умуман инсон товушларининг бошқа товушлардан фарқи, уларнинг кўринишлари, дунё тилларида унли ва ундош товушлар тизими, тилларда уларнинг миқдори ҳақидамаълумот берилади.

Умумий фонетикада қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларнинг фонетика системаси ўрганилади.

2. Тарихий фонетика. Бунда конкрет бир тилнинг товушлар системасини тарихий нуқтаи назардан текширилади. Бирор тилнинг товуш системасидаги тараққиёт ва ўзгаришлари; айрим товушларнинг истеомолдан чиқиши, янги товушларнинг юзага келиши ёки товушларининг бошқа товушларга айланиши, унинг тарихий сабаблари ўрганилади. Масалан: ҳозирги ўзбек тилидаги сўзлар таркибида қўлланувчи “й” товуши VIII-XI да қўлланувчи асарлардан “з” товуши ҳолида қўлланилган. Бу товушлар сўзларда XIV асрдан кейин “й” товушига айланган. Ўиёсланг: адзақ-адоқ-аёқ; базрам-байрам; қазғу-қайғу каби.

3. Сиёсий фонетика. Бунда бир қанча қариндош бўлмаган тилларнинг товушлар системаси бир-бирига қиёсланади: масалан, рус ва ўзбек, ўзбек ва тожик, инглиз ва рус, немис ва ўзбек каби тиллардаги товушлар қиёсланиб, улардаги охшаш ва ноохшаш томонлар солиштирилади.

4. Чоғиштирма фонетика. Чоғиштирма фонетика қариндош бўлган, бир оилага мансуб тилларнинг фонетикасини бир-бирига чоғиштиради, солиштиради, таққсолайди. Шу йўл билан улар ўртасидаги охшаш ва ноохшаш томонларни ўрганади.

5. Тавсифий фонетика. Бунда бирор конкрет тил товуш составининг ҳозирги ҳолати, унлилар, ундошлар, уларга хос белгилар, товуш ўзгаришлари ўрганилади.

6. Экспериментал фонетикада нутқ товушлари махсус замонавий асбоблар ёрдамида экспериментал йўл билан ўрганилади. Шу йўл билан унлилардаги чўзиқлик, қисқалик, ундошлардаги портлаш ва сирғалиш хусусиятлари жуда аниқ белгиланади.

Фонетик жиҳатдан нутқ тўрт таркибий қисм: жумла, такт, бўғин ва товушга ажралади. Грамматика ҳам нутқни таркибий бўлақларга ажратади: гап, сўз бирикмаси (фраза), сўз ва морфемаларга ажралади. Ҳар икки ҳолат сон жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, сифат жиҳатидан улар бир-бирига мос келмайди.

Фраза нутқнинг энг катта фонетик бирлиги бўлиб, икки томондан пауза билан чегараланади, ўзига хос ооангга эга бўлади.

Масалан, Гулнор чолнинг чиқиб кетишини кутиб, деворга қисилган холда турди. (О.) Шипи паст, деворлари юпка, торгина дўконхона, ҳар вақтдагидек ивирсиқ. (О.). Биринчи гапда 2 та фраза борлиги аниқ. Учинчи гапда неча фраза борлигини айтиш қийин. Чунки нутқда фразани ажратиш

кўп инча субъектив сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин. Тез гапирувчилар бу фразани иккига, секин гапирувчилар эса тўрт фразага ажратишлари мумкин. Шундай экан, фонетик бирлик бўлган жумла ва грамматик бирлик бўлган гап ҳар доим бир-бирига тўғри келмайди.

Фразалар тактлардан ташкил топган бўлади. Фразанинг икки кичик паузаси орасига жойлашган ва ягона урғу билан талаффуз қилинадиган бир ёки бир неча бўғиннинг йиғиндисига такт деб айтилади.

Фразада нечта урғу бўлса, шунча такт бўлади: Хаво булут эди. Гапда иккита урғули сўз бор: Хаво ва булут, учинчиси урғусиз. Демак, бу гап иккита тактдан иборат.

Одатда, урғу олмаган сўзлар урғу олган сўзларга бирикиб, дунё тилларида кўшимчалар сўздан олдин ёки сўздан кейин қошилиши мумкин. Сўздан олдин қошилса, проклитика сўздан сўнг қошилса, энклитик ҳодиса дейилади.

Такт бўғинлардан ташкил топади. Бўғин бир ёки бир неча товушдан иборат бўлиб, бир зарб билан талаффуз қилинадиган фонетик бирликдир. Масалан, мустақиллик сўзида тўрт бўғин бор, чунки тўрт зарб бор. Тактда нечта унли товуш бўлса, шунча бўғин бўлади. Лекин Баъзи тилларда сирғалувчи сонор товушлар ҳам бўғин ҳосил қилади.

Дунё тилларида бўғин тузилишига кўра бир хил эмас. Боғинлар ўз хусусиятларига қараб 4 хил бўлади: очик, ёпиқ, беркитилган ва беркитилмаган. Ундош билан тугаган бўғин ёпиқ бўғин, унли билан тугаган бўғин очик бўғин дейилади.

Ундош товуш билан бошланган бўғин беркитилган, унли билан бошлангани эса беркитилмаган бўғин дейилади. Ол-ма сўзининг биринчи бўғини беркитилмаган, иккинчиси эса беркитилган.

Маълум ки, сўз икки томонлама хусусияти билан характерланади. Сўздан ташқи товуш томон бўлиб, у сўзнинг материал қобиғи саналади; сўзнинг ички томони унинг маъно томонидир. Сўзнинг ҳар икки томони даврлар ўтиши билан ўзгаришга учраши мумкин. Профессор А./уломов фикрича, сўзнинг ташқи томонига нисбатан унинг ички - маъно томони тез ўзгаради. Бу ўзгариш турли сабаблар билан бўлади. Сўздаги товушлар ҳар бир тилда шу тилнинг қонун-қоидаларига биноан боғланади. Масалан, сув сўзидаги товушларни ўзгартириб бошқа сўз ҳосил қилиб бўлмайди.

Нутқ аппарати. Нутқ аппаратининг ишлаши натижасида нутқ товушлари ҳосил бўлади. Товушлар, одатда, бирор бошлиғда пайдо бўлади. Одамда учта бошлиқ: оғиз, бурун, бўғиз бошлиқлари бор.

Товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган барча нутқ органи йиғиндиси *нутқ аппарати* дейилади. Дунё тилларида нутқ аппаратининг тузилиши деярли бир хил. Тилшуносларнинг қайд қилишича, Африкадаги Бушменлар ва Готтонгет қабилаларининг нутқ аппарати ўзига хослиги билан қисман фарқ қилади. Уларда кўп роқ шовқинли, жарангли товушлар ҳосил бўлар экан.

Нутқ органида ҳосил бўлган товушлар дунё тилларида икки хилдир. Буни қуйида эсга оламиз.

Нутқ органига кокрак қафаси, опка, кекирдак, товуш найчалари, танглай, оғиз бушлиғи, жағ, тиш, лаб, бурун, тил ва бошқалар киради.

Нутқ органи ўз ҳаракат ва ҳолатига қараб иккига бўлинади:

1. Актив нутқ органи: тил, кичик тил, лаб ва пастки жағ киради.
2. Пассив нутқ органи: кекирдак, кокрак қафаси, юқори жағ, қаттиқ танглай, бурун, тиш киради.

Оғиз бушлиғи нутқ товушларини ҳосил қилишда асосий ролр ойнайди. У шакл ва Хажм жиҳатдан ҳар хил тусга кира олади. Оғиз бшлиғи товуш ҳосил қилишда резонаторлик вазифасини бажаради.

Тил оғиз бушлиғида энг ҳаракатчан нутқ органидир.

Муайян товушни ҳосил қилиш учун нутқ аппарати томонидан бажариладиган амал шу товушнинг артикулястияси деб аталади. Товуш артикулястияси уч босқичдан иборат бўлади. 1. Нутқ органининг бирор товушни ҳосил қилишга ҳаракатланиши. Бу босқич *экскурсия* дейилади. 2. Товушнинг ҳосил қилиниши: бу *лабор ёки вқдержка* дейилади. 3. Нутқ органининг асл ҳолига қайтиши. Бу простесс *рекурсия* дейилади.

Маълум тилга хос бўлган товушларни талаффузига мувофиқлашган нутқ органи *артикулястион база* дейилади. Тилларнинг артикулястион базалари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, русча товушларни ҳосил этишда нутқ аппарати бир тарзда ҳаракат қилса, ўзбекча товушларни ҳосил этишда бир қадар бошқача ҳаракат қилади.

Одатда, товуш ҳосил бўлиш кечимидаги хаво тебраниши *гст* (герст) билан олчанади. Бир гст товуш пайининг берилган зарбидан бир силкиниб қайтиши бўлиб, бу силкиниш хавонинг бир тебранишида акс этади. Инсон 16 гст дан 20 минг гст гача товушни эшитиш қобилятига эга. Ундан ортиқ гст ли товушлар ултра товуш бўлиб, уни инсон эшита олмайди.

Инсон оддий сўзлашувда 100 гст дан 40 гст гача баландликдаги товушни кўллайди. Инсоннинг энг паст товуши *бас* деб аталиб, 40 гст га, энг баланд товуши *сапрано* деб аталиб, 170 гст га эга бўлади.

Товуш пайларининг кўп ёки кам миқдорда тебраниши товуш пайларидаги имкониятга боғлиқдир. Товуш пайлари юқори бўлса, кўп тебраниш имкониятига эга бўлади. Унинг қалинлиги шу имкониятини чегаралайди. Одатда, аёллар ва болаларнинг товуш пайлари юпқа бўлиб, эркакларнинг товуш пайлари катта ёшидан қалинлашади. Шунинг учун эркакларнинг товуши йўғон ва паст, аёл ва болаларнинг товуши ингичка ва баланд эшитилади.

Товуш акустикаси. Нутқ товушлари нутқ органларининг ҳаракати натижасида ҳосил бўлади. Товушларнинг физик хусусияти акустикада ўрганилади. Акустикада товушнинг қуйидаги хусусиятлари фарқланади:

1. Товуш баландлиги.
2. Товуш кучи.
3. Товуш чўзиқлиги.

Товуш кучи нутқ органига ҳавонинг берган зарби билан олчанади. Аммо товуш кучи товуш баландлиги эмас. Кучли товуш паст бўлиши ҳам мумкин. Товуш кучи зарбдан ҳосил бўлган тебранишнинг ҳар бир силкинишидаги зарб йўналиши билан белгиланади. Уни физиклар тилида тебраниш амплитудаси дейилади. Тебраниш амплитудаси дестибел билан олчанади. Урғу тушган бўғин унлисида унинг бали юқори бўлади.

Товуш чўзиқлиги ўпкадан келган ҳавонинг нутқ органига урилиш давомийлиги билан ўлчанади, яъни товушга кетган вақт билан боғлиқ бўлади. Уни бир неча омиллар белгилайди. Нутқ тезлиги ортиқ бўлса, ундаги товушлар чўзиқлиги анча кам кечади. Урғули бўғинлар товуши бошқа бўғинлар товушига нисбатан анча чўзиқроқ бўлади. Сўзлардаги тоқ бўғинлар мутлақо урғусиз бўлгани учун қисқа, кўпинча редукстияга учраган (кучсизланган) ҳолда қайд этилади.

Товушнинг чўзиқлиги м/сек бирлиги билан ўлчанади.

Хуллас, фонетика тил сатҳида инсон товушларини, уларнинг хусусиятларини ўрганувчи соҳадир.

Таянч ибора ва тушунчалар (гlossарий)

1. Фонетиканинг бўлимлари
2. Нутқ товушларининг ҳосил бўлиши
3. Нутқ аппарати
4. Дунё тилларида фонемалар системаси
5. Фонеманинг товушдан фарқи
6. Фонема вариантлари

Мавзу бўйича йўналтирувчи саволлар

1. Нутқ аппарати нима?
2. Нутқ товушларининг бошқа товушлардан фарқи?
3. Артикулястия ва артикулястия базаси нима?
4. Унли ва ундошлар таснифи қандай белгилар асосида қилинади?
5. Фонема нима?
6. Фонеманинг вариантлари деганда нимани тушунаси?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 2008.
2. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1992.
3. А. Содиқов, А.Абдуазизов, Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1981.
4. А.А. Реформатский. Введение в языковедение. Москва, 2008.
5. Б.Н.Головин. Введение в языкознание. М., 1979.
6. В.И. Кодухов. Введение в языкознание. М., 1979.
7. В.И. Кодухов. Общее языкознание. М., 2009.
8. Л.Н.Чурилина. Актуальные проблемы современной лингвистики. М., 2009.
9. Н.С.Шарафутдинова. Теория и история лингвистической науки. М., 2007.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-савол. Фонетика ва фонология

1-илова

Фонетика қандай масалаларни ўрганади?

Фонетик жihatдан нутқ тўрт таркибий қисм: жумла, такт, бўғин ва товушга ажратилади. Фонетика ана шу тўрт birlikнинг тилда тутган ўрни, тури ва хусусиятларини ўрганади. Товушлар талаффузи нутқ органларига боғлиқлиги туфайли фонетика нутқ аппаратини ҳам ўрганишни назарда тутди. Фонетика, шунингдек, нутқнинг урғу, интонация ва шу каби бошқа таркибий қисмларини ҳам ўрганади

Фонология – маълум бир тилдаги фонемалар системасини, уларнинг фарқлаш белгиларини ўрганади

2-савол. Фонема тушунчаси

2-илова

Товушлар тил бирлиги сифатида ўрганилганда тил товушлари ёки фонемалар деб юритилади. **Фонема** энг кичик маъно англатмайдиган тил бирлигидир


3-савол. Фонетик ҳодисалар: комбинатор ва позицион ўзгаришлар

3-илова




4-савол: Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлиниши

4-илова



5-савол. Нутқ органлари ва артикуляция базаси

5-илова




6-илова

Артикуляция – товушнинг ҳосил бўлишида нутқ органларининг ҳаракати ва эгаллаган ўрни.

Артикуляция базаси – нутқ товушларини ҳосил қилишдаги артикуляция ҳаракатларининг йиғиндиси

6-савол. Нутқ товушлари таснифи

7-илова



3-МАЪРУЗА: ЛЕКСИКОЛОГИЯ. СЎЗ ЛИНГВИСТИК БЕЛГИ СИФАТИДА. ТИЛНИНГ ЛЕКСИК ҚАТЛАМЛАРИ. СЎЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИГА КЎРА ТУРЛАРИ. ФРАЗЕОЛОГИЯ

Режа:

1. Лексикология ва унинг бўлимлари
2. Сўз, нарса ва тушунча
3. Тилнинг лексик қатламлари
4. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари
5. Фразеологизмлар ва уларнинг турлари

Мақсад: *Лексикология ва унинг бўлимлари ҳамда тилнинг лексик қатламлари ва сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари тўғрисидаги билимлар ва тасаввурни шакллантириш*

Лексикология тилшуносликда тил луғат таркибининг бойлигини ўрганиш билан шуғулланадиган бўлимдир. Бу бўлим уаман ҳар бир тилнинг луғат таркиби шунингдек, сўзларнинг шакли ва маъно муносабатларига нисбатан турлари, сўзларнинг пайдо бўлиш йўллари каби қатор муаммоларни ўз ичига олади.

Тилнинг маъно ва мазмун томонини ўрганадиган соҳа эса семасиология деб аталади. Лексикология, тилдаги сўзларнинг ясалиши уларнинг келиб чиқиши ва амалда қўлланишини ўрганадиган фандир. Семасиология тилдаги барча birlikларни (сўз, сўз шакли, морфема, морфемика, сўз бирикмалари, гап, фразеологизмлар) маъно-мазмун томонидан тадқиқ қилади. Бу борада лексикологияга қараганда семасиологиянинг ўрганиш объекти кенгрокдир. Чунки семасиология тилнинг маъно-мазмун томонини анча чуқур ва атрофлича текшириб, тилдаги тушунча, тафаккур ва белги билан боғлиқ томонларини ҳам тадқиқ қилади.

Лексикология ва семасиологиянинг мақсади бир бўлиб, улар тилнинг маркази бўлган сўзни ўрганишга қаратилгандир. Лексикология ва семасиология билан узвий бўлган тилнинг луғатини тузиш тамойиллари ва ҳар хил соҳаларга тегишли соҳаларини ўрганувчи соҳага лексикография дейилади. Одатда, лексикография умумий ва ўқув лексикография қисмларга бўлинади. Умумий лексикография барча тиллар учун луғат тузиш назарий тамойиллари ва методларини чуқур ва атрофлича ёритиб беради. Ўқув лексикографияси эса педагогик ва методик қонун қоидалар нуктаи назаридан ёндашган ҳолда луғатлар тузиш масалаларини ўрганади. Ўз вазифаларининг мақсади ва мазмунига кўра ўқув луғатлари бир неча турларга бўлинади:

Изоҳли луғат, терминологик луғат, энстиклопедик луғат, икки тиллик луғат, морфем луғат, кўптиллик луғат, қисқартмалар луғати, этимологик луғат, омонимлар, синонимлар луғати ва ҳақозолар. Кейинги вақтларда “идеографик” ёки “тезаурус луғати” номи билан аталган луғатлар тузилди ва тузилмоқда. Бу луғатлар бирор тушунча доирасидаги сўзлар гуруҳини, яъни семантик майдонини сўзларнинг бир биридан фарқланиши белгилари ва ички боғланиш таркибини изоҳлаб беради.¹

Лексикология семасиология ва лексикографиялар тарихий – этимологик, қиёсий ва синхрон лингвистикаларнинг шакллари бўлади. Лексикология тилнинг луғат тартибини, семасиология тилдаги сўзларнинг маъно-мазмун томонини, лексикография уларнинг маълум метод ва тамойиллар асосида луғатга жойлашиш тартибларини ўрганиши билан бир бирига жуда яқиндир.

Лексикологиянинг ўзи семасиология, лексикография, ономасиология, этимология, фразеология, ономастика каби тилшунослик бўлимларини ўз ичига олади. Қуйида ана шу атамаларнинг тасниф ва таърифини аниқлаймиз.

1. Семасиология (семасиология, сигнификасия – маъно тўғрисидаги таълим) – инглизча *semasiologie*, немисча *semasiologia*, франсузча *semasiologie*, испанча *semasiologia*. 1. Тилшуносликнинг бўлими бўлиб, тил бирликларининг мазмунини ўрганади. 2. Тилшуносликда сўз ва ибораларнинг лексик маъносини ва уларнинг ўзгариш шароитини ўрганадиган бўлимдир. Демак, семасиология тил бирликларини маъно жиҳатдан ўрганади. Сўзнинг шакли деганда унинг таркибидаги товушлар. Сўзнинг маъноси деганда уни ташкил этувчи товушлар йиғиндисидан англашиладиган маъно назарда тушунилади. Семасиология тилнинг барча маъно англатувчи бирликларини ўрганади.

2. Лексикография – инглизча *lexicographic*. 1. луғат тузиш илми. 2. ҳар бир тил таснифи шаклида луғатлар тузиш. 3. ҳар бир тилга ёки таълим билимига тааллуқли луғатлар намунаси. Тил таркибидаги сўзларни маълум тартиб ва мақсад асосида (алфавит тартибида нутқда ишлатиш даражасига ва шу кабиларга кўра) ёзма равишда луғат тузиш билан боғлиқ кўплаб масалаларни ўз ичига олади, яъни тил таркибида сўзларни маълум тартиб ва мақсад асосида ёзма равишда тўплаб луғат тузиш масалаларини ўрганади.

3. Ономасиология (онаматиология) 1. семасиологиянинг бир қисми, бўлими бўлиб, предмет ва ибораларнинг тушунчаларни тилларнинг лексик ва фразеологик воситалари билан боғлиқ бўлган тамойил ва қонуниятларини ўрганади. 2. маънолар, номинастиялар, тушунчалар фарқ қилувчи маъно ва

¹ Ю.Н.Караулов. Общая и русская идеография. М., изд. «Наука», 1976, с.3-22.

сигнификация тўғрисидаги фан, яъни нарс ва ходисаларга ном бериш жараёнини ўрганади.

4. Этимология *etimologia* - 1. мустақил сўз ва морфемаларнинг келиб чиқиши ва тарихини ўрганадиган тилшуносликнинг бир бўлими, қисми унинг сўз этимологияси, “ёлғон” этимологияси, халқ этимологияси каби таркиблари мавжуддир. 2. тил бирликларининг тузилишини ўрганувчи таълимот. Шу муносабат билан бу атама билан тарихан боғланган. Этимон сўзнинг дастлабки шакли унинг аслий, ҳақиқий (ибтидоий) шакли, маъноси атамасини ҳам эътибордан чиқармаслик лозим.

Тилшуносликнинг сўзларнинг келиб чиқиш масалаларини ҳам шакли, ҳам маъно жиҳатдан ўрганадиган бир қисмидир.

5. Фразеология – инглизча *phraseologia* (*phrasislogia*). 1. тилшуносликнинг, сўзнинг лексик семантик бирикувини ўрганадиган бўлимдир. 2. ҳар бир бўлимнинг фразеологик бирлик фонди (заҳираси). 3. фразеологик бирликнинг (бирикувини) шакллари, турлари, хилларининг мажмуаси.

Фразеология тилнинг турғун бирликларини ўрганади.

6. Ономастика – ономасиология, ономаталогия. 1. тилшуносликнинг шахс номларини (исм, фамилия, шарифини ҳамда одамлар ва хайвонларнинг лақабини) ўрганиш деган бўлимдир. 2. шахсий номларнинг махсус лингвистик предметидир. 3. тилшуносликда атоқли отларни ўрганиш. 4. ономастика атоқли отларни ўрганадиган фан бўлиб, антропономика киши номларни ўрганадиган, этнонимика (миллатларнинг номлари)дан ташкил топган.

7. Топонимика. 1. маълум минтақанинг, географик номларнинг мажмуаси. 2. топономия, яъни жой номларини ўрганадиган лингвистик йўналиш.

8. Этнонимика антропомиканинг бир қисми, бўлими бўлиб элат халқларнинг номини ўрганади.

9. Терминология ишлаб чиқаришдаги маълум тармоқнинг, йўналишнинг, мутахассисликнинг атамалар мажмуаси бўлиб, лексикологиянинг махсус қатламини ташкил қилади. Терминология – атамашуносликнинг бир неча шакллари мавжуд: халқаро атамашунослик, илмий атамашунослик, грамматик атамашунослик, сиёсий, иқтисодий, публистик, математик ва бошқалар. Бу маънода ишлатиладиган атамалар ичида лингвистик ва лексик нуқтаи назардан қаралганда, алло-эпик терминологияси эътиборлидир. Бунда лингвистик терминологиядаги систематик қарама-қаршиликлар кўзга

ташланади. Чунки лексик тушунчадаги қарама-қаршилик алло атамаси атрофида гавдаланади, масалан: аллофон, алломорф, аллосема ва бошқалар.

ЛЕКСИК МАЪНО ВА УНИНГ КЕНГАЙИШИ ҲАМДА ТОРАЙИШИ

Тил ўз доирасидаги субъектив ва объектив қонун-қоидалар асосида ривожланади, тараққий этади ва бу жараён жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, жамиятнинг тараққиётига ҳам, ўз навбатида, тилнинг таъсири катта. Тилнинг луғат таркиби ҳам бундан мустасно эмас. Сўз маъносининг ривожланиши, сифат ва миқдор ўзгариши, улар маъноларининг кенгайиши ва торайиши, ҳатто сўзларнинг тилдан тушиб қолиши, яъни истеъмолдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Чунки сўзнинг лексик маъноси доим ўзгариб туради ва у бир неча сегментик, яъни майда маънолар – семалардан ташкил топади. Ана шу семалардан бирининг тушиб қолиши, ёки баъзи семаларни ривожлантириб янги маъноли шаклларга айланиши мумкин. Баъзи дастлабки айрим имолар нейтраллашиб, тушиб қолиши ҳам мумкин. Бунда жамият тарихи ва унинг тараққиёти алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳаёт ва унинг асосларидан бири бўлган тафаккурнинг интенсиф ривожланиб бориши фан ва техниканинг тараққиётига олиб келади. Натижада янгидан-янги табиий ҳодисалар моҳиятини билиш, ўзлаштириш, ҳаётга тадбиқ қилиш, техника янгиликларини кашф қилиш лозим бўлади ва у жамият тараққиётига олиб келади. Тил буларнинг барчасига ҳам алоҳида янги ном ярата олмайди, аммо уларни мавжуд истеъмолдаги сўзлар ёрдамида янги маънолар билан ифодалаш мумкин. Масалан: учмоқ сўзи аслида паррандалар ҳаракати билан боғланган. Аммо ҳозирги кунда унинг маъноси кенгайиб, варрак, самолёт, ернинг сунъий йўлдоши каби тушунчалар билан ҳам ифодаланадиган бўлди. Ёки майдон сўзи спорт майдони, Мустақиллик майдони, мардлар майдони, футбол, волейбол, баскетбол майдони ва бошқалар. Рус тилида крўло сўзининг маъноси крўло птистў – кушларга ҳос предмет, аммо бу сўзлар атрофида ҳозирги кунда крўло самолета, левое, правое крўло поля, правая, стентрольное крўло здания ва бошқалар.

Сўз лексик маъносининг кенгайиши натижасида кўп маъноли (полисемантик) сўзлар пайдо бўлади. Лексик маънонинг торайиши эса сўз маъноси кенгайишининг аксидир. Сўз маъносининг торайиши унинг қўлланиш чегараси, доирасини белгилайди. Кўпчилик тилшуносларнинг фикрича, сўз маъносининг торайиши деганда умумлаштирувчи сўзнинг айрим, хусусий маънони ифодалашга ўтиши тушунилади. Масалан: ош сўзи

илгари барча овқат турларини билдирадиган бўлса, ҳозирги кунда палов маъносини билдиради. Рус тилида хрусталь сўзи хрусталдан ишланган буюмларни, идишларни назарда тутилади, аслида эса бу сўз билан кристаллар ифодаланар эди.

Сўз маъноларининг кенгайиши ва пасайиши ҳодисалари луғат таркибининг доимо янгилаанишини таъминлайдиган воситалардан биридир.

Сўзларнинг кенгайиши ёки торайиши тўғрисида қуйидаги мисолни ҳам келтириш мумкин. Масалан: бахши сўзи аслида хитойча бўлиб, хитой тилида “пак-си” (ҳозирги хитой тилида бо-ши) шаклида бўлиб, туркий тилга мўғул тили воситасида ўзлаштирилган. Ушбу хитойча сўз япон тилидаги “hakase/hakusi” сўзлари учун ҳам манба бўлиб ҳисобланади. “Турк тилининг этимологик луғати”да бахши сўзи қуйидагича изоҳланади: “Хитойча пак-си ёки поси шаклида бўлиб, устоз, ёзувчи, котиб маъноларини англатади” ва шу шаклга асосланиб бахси-бакси сўзлари ишлатилади. Бу шакл қадимги турк тилида ишлатилиб, “тўй тантаналарини бошқарувчи кишига” нисбатан қўлланилган. Ҳозирги Осиё туркларининг тилида “п” товуши “б” билан ифодланади. Шунинг учун: по-си / бо-си, бакси / баски. Санскритда bhinsi, мўғилча baksī. “Древнетюркский словарь”да табиб ёки ҳокимларнинг отаси bakshi деб аталган. Отаси бахши туркий тилда “от” сўзига “амак” кўшимчасини кўшиш натижасида кўшиш натижасида ҳосил бўлган “отамак”, “ўтамоқ” – “сўз айтмоқ”дир. Қадимда бу сўз “ўт-ўланлардан дори-дармон тайёрлаб, беморларни даволайдиган табиб, ҳоким маъноларини ифодалаган”².

Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз учрамайди, аммо ҳозирги турк тилида отаки – отамак – дори – дармон билан беморни тузатадиган, ҳоким, табиб маъноларини англатувчи сўз шаклида ишлатилади. “Девону луғатит турк”да бу атама “отачи” шаклида учрайди ва “табиб” маъносини англатади. Бу атамани баъзи шева ва лаҳжаларда “бахши”, “табиб”, “шаман”, “қуш ваҳшийси”, “фолбин” шаклларида қўлланилишини қайд қилган.

В.В.Бартольднинг фикрича, бахши лексемаси Шарқий Туркистонда яшовчи уйғур котиблар ва уйғурлар ичида яшаган буддистлар орасида бахши сўзи ана шу маънода ишлатилган. Мўғуллар давлатида бахши сўзи “котиб”, “маъмур” маъноларини англатган. А.К.Боровковнинг ифодалашича, XII-XIII асрларда Шарқий Туркистонда уйғур котиб-бахшилар обрўли ўринда бўлишган. Улар расмий девонхоналарда хизмат қилишган. Алишер Навоий ўз асарларида “бахши” сўзини асосан “котиб”, “мирзо” маъноларида

² И. Йўлдошев, Ў. Шарипова. Тилшунослик асослари. 90-91 бетлар.

ишлатган. “Бобурнома”да ҳам “бахши” сўзи “котиб”, “мирзо”, “ёзувчи” маъноларида ишлатилган.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бахши сўзи ишлатилиб, у қуйидаги маъноларни англатади: 1. халқ дostonларини қуйловчи шоир, оқин. 2. Дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб даволовчи табиб. Кўриниб турибдики, ҳозирги ўзбек тилида бахши сўзининг қўлланиши кенгайган, айниқса, маъно англатиш чегарасида.

Тахрир сўзининг араб тилидаги маъноси “асар ёзиш” маъноси билан чегараланган бўлса, ҳозирги ўзбек тилида унинг маъно чегараси анча кенгайган ва асарга тузатишлар киритувчи ёки чоп қилишга, нашр қилишга тайёрлаш, бир ишни илмий нуқтаи назардан талаб даражасига олиб бориш каби маъноларни ҳам билдиради.

Мунший, мусаввир, хаттот, иншо каби сўзларининг қўлланиш маънолари торайган. Баъзи арабча сўз ва атамаларнинг маъноси анча кенгайган, масалан, хат сўзи дастлаб уч маънода қўлланилган бўлса, бугунги кунда тўққиз маънони англатишда қўлланилади. Қалам сўзи ҳам илгари икки маънода қўлланилган бўлса, ҳозир унинг олтига маъноси ишлатилади – бу ҳодиса маънонинг кенгайишидир.


СЎЗНИНГ СЕМАНТИК ТАРКИБИ

Сўзларнинг семантик таркибини ўрганишда асосан уч методдан фойдаланилади. Биринчи метод асосан сўзнинг семантик таркиби унинг морфологик ясалиши билан боғланади. Иккинчи метод сўзнинг семантик таркибини унинг синтактик ишлатилиши билан боғлиқ равишда тасниф қилинади. Учинчи метод сўзнинг семантик таркибини алоҳида, тилнинг шу сўзни ўз ичига олган лексик-семантик гуруҳи доирасида қарайди. Бу уч методни бирлаштирувчи умумий хусусият шундан иборатки, сўзнинг семантик таркибига тил лексик тизимининг бўлаги сифатида қаралади, аммо бу сўзнинг нутқда, аниқ шароитда ишлатилиши томонини акс эттирмайди.

Шунинг учун кейинги давр тилшунослигида сўзнинг семантик тизими тил белгисининг функционал вазифаси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинади. Бунга асос қилиб, “семантик учбурчак” сўз фонемаларининг ёки ёзувдаги графемаларнинг (ҳарфларнинг) йиғиндиси эканлиги билан унинг сигнификат (сўзда ифодаланган тушунча) ва денотат (сўзни ифодаловчи предмет) сўзнинг асл маъносини ифодалайдиган) таркибининг элементи сифатида қаралганда, сўзнинг фонетик жиҳати билан сигнификат алоқаси назарда тутилади. Сўз семантикасининг нутқда ишлатилиши ҳисобга олинса,

бир йўла денотат ва фонетик томони ўртасидаги алоқага асосланади. Ф.де Соссюр таълимотида сўзнинг акустик шакли ва маъно жихати кўрсатилиб, маъно денотати ўртасидаги алоқа очилмай қолган эди.

Ю.С.Степанов семантик учбурчак схемасини қуйидагича изоҳлайди. (бу ерда сўз – фонемалар бирикмасини ёки бир фонема сифатида олинган)³.



Тил белгиларининг асосларидан бўлган семантик йўналишда бирламчи (сўз ва сўз бирикмалари), яъни асосий, биринчи даражали ва иккиламчи, иккинчи даражали (фраза ва гаплар) белгилари фарқланади. Бирламчи белгилар – номинатив, яъни бирор бир ном билан аташ ва иккиламчи белгилар – предикатив, яъни фраза ва гапларнинг таркибида ишлатиладиган белгилар деб тушунилади. Номинатив белгилар гаптаги парадигматик алоқаларга асосланса, предикатив белгилар эса синтагматикага, яъни фраза ва гапларнинг нутқда ишлатилишига асосланади.⁴

Демак, тилнинг лексика ва семантикасини ўрганишда икки йўналиш асос қилиб олинладиган бўлса, уларнинг биринчиси лексик-семантик хусусиятлар билан ажралиб турса, иккинчи йўналиш белгилар йиғиндисига асосланади. Ижтимоий нуқтаи назардан тилнинг бошқа йўналишлари сингари, бу йўналишлар ҳам ўзаро узвий боғлиқдир. Бу йўналиш, қарашларнинг объекти ва вазифалари бир-бирига алоқадордир. Сўзнинг семантик таркиби, яъни ички тузилиши – маъноси сўзнинг таркиби сўзлашув вазиятида ёки контекстда кенгрок очилади.

Сўзларнинг фарқланиш белгиларига сема (инглизча – seme 1. семеманинг бир кўриниши (семема – сўзнинг маъноси, предметлик мазмуни) бўлиб, сўзнинг синтагматик қаторидаги кичик маъно элементи) деб аталади ва уларнинг семаларининг йиғиндисини семантема деб юритилади. Бу атама мазмун жихатдан лексемага тўғри келади. Агар семалар гапнинг формал (грамматик) томонини билдирса, семантема нарсаларнинг маъносини билдиради. Аммо семалар ўртасидаги муносабат маъно (лексика) билан боғлиқдир. Семантикада қайси маънолар семаларга тегишли ёки уларнинг бири тегишли эмаслиги аниқ эмас. Бу вазиятда уларнинг алоқасини

³ Ю.С.Степанов. Основы общего языкознания. М.изд. Просвещение, 1975, стр.9.

⁴ А.А.Уфимцева. Типы словесных языков. М., изд. Наука, 1974, стр. 34.

синонимик нуқтаи назардан аниқлаш мумкин. масалан, кетмоқ, уходить, инглизчи to go феъли ҳаракатнинг йўналиши маъносидаги семага эга. Бошқа феъллар – бормоқ, юрмоқ, жўнамоқ ҳам кетмоқ феълнинг маъносига яқин семаларга эга.

Бироқ улар шу ҳаракатнинг айрим белгиларини ифодалаш мумкин. бу маънолар (белгилар) нутқ вазиятида аниқроқ намоён бўлади. Одатда, уларнинг бир семантик таркибдан иккинчи семантик таркибга ўтиши семантик трансфикация сифатида қаралади. Бу шаклдаги трансформация грамматикага ўхшаш бўлса ҳам, бу ўринда сўз маъноларининг кенгайиши ва тораиши, қайта нормаланиши асосида тушунчалар ўртасидаги боғланиш ва тафаккурдаги формал-мантиқ қонуниятлар ётади.

Сўз тилнинг асосий бирлиги бўлиб, аънаналарга биноан ифодаланиши ва маъно бирлиги, тилшунос олимлар томонидан сўзнинг формал ва семантик маънолари, грамматик ва лексик маъноларининг қарама-қаршилик жиҳатлари аниқланган ва тасдиқланган. Бу қарама-қаршиликлар орасида сўзнинг икки томони, яъни унинг шакли (мулоқотда бўлиши, ифодаланиши, коммуникативлиги) ва мазмуни орқали кенг тушунтирилади. Сўзнинг семантик томонидан икки томонлама бирлик эканлиги ташқи (предмет) ва ички (тил қурилиши) томонини ифода этади. Шунинг учун сўз тилда икки қиёфада намоён бўлади: 1) номинация, яъни ифода бирлиги сифатида маълум лексик маънога эга бўлган луғатнинг элементи; 2) тил қурилиши таркибининг негизи сифатида маълум морфологик шаклланишга, яъни грамматик маънога эга бўлган бирлик.⁵

Тилнинг асосий бирликлари бўлиб, уларда “фонологик сўз, “морфологик сўз” ва “семантик сўз” каби тушунча ва атамалар фарқланиб, уларнинг ҳар бири тил ярусига, поғонасида (фонология, морфология ва семасиология) ўрганилади.⁶ Бошқача қилиб айтганда, тилнинг асосий бирликларидан бири бўлиб “семантик учбурчак” тушунчаси хизмат қилади. Чунки сўзларнинг фонологик, морфологик ва семантик компонентлари уларнинг йиғиндиси бирлиги бўлган “семантик учбурчак”да кўрсатилганидек, лексик маъно, белги ва денотат (сўзнинг асосий маъноси) ўртасидаги алоқаларни чуқур ўрганиш орқали аниқланади.⁷

Сўзларнинг нутқда ишлатилиши уларнинг бошқа сўзлар билан семантик алоқаси ва уларнинг маъно жиҳатдан бирикиш қобилиятига боғлиқдир.

⁵ Общее языкознание. Внутренняя структура языка. Код, изд. Член корр. АН СССР. Б.А.Серебренников. М., изд. Наука, 1972, стр. 395.

⁶ Общее языкознание. стр. 396.

⁷ Н.Г.Комлев. Компоненты содержательной структуры слова. Изд. МГУ. М., 1969.

Сўзлар аниқ нарсаларни акс эттирувчи сифатида бирлашиб, тематик гуруҳларга бирлашади (масалан: ҳайвонлар номлари гуруҳи, қушлар номлари гуруҳи, илмий атамалар, номлар гуруҳи, мевали дарахтлар номлари гуруҳи ва ҳоказо)⁸.

Кўпгина тилларда, хусусан ҳинд-европа ва туркий тилларда сўзларнинг семантик таркибидаги парадигматик алоқалар ўзининг фарқли ва ўхшаш хусусиятларига эга. Масалан: ўзбек, рус, инглиз тилларида ўрмон, лес, forest сўзлари мавжуд бўлиб, улар умумий лексик маънони англатади. Бироқ рус тилида яна роҳа (кичик қалин бўлмаган ўрмон) ва бор (қалин катта ўрмон) сўзлари мавжуд. Инглиз тилида эса ўрмон маъносида wood (s) сўзи ҳам ишлатилади. Бу сўзлар учала тилда ҳам фарқланиш аломатлари негизида парадигматик қаторни ташкил қилади.

Аmmo ўрмон, лес, forest / wood сўзлари парадигматик қаторнинг фарқланиш хусусиятларига эга бўлмаган, яъни умумлаштирувчи хусусиятларига эга бўлган аъзосидир. Синтагматик жиҳатдан ҳам бу сўзлар бошқа сўзлар билан бирикиши жиҳатидан фарқ қилади. Масалан: игна баргли ўрмон, хвойнўй лес, coniferous forest / wood каби.⁹

Бу сўзларнинг синтагматик хусусиятлари эса валентлик тамойили (бирикиш тартиби) асосида ўрганилади.¹⁰

Сўзлар ўртасидаги ички маъно фарқланиши билан алоқадор парадигматик ва синтагматик муносабатлар омонимия, синонимия, полисемия, антонимия ва бошқа ҳодисалар лексик-семантик қонун-қоидалар ёрдамида кенгроқ ва атрофлича тасниф қилинади.

ТИЛНИНГ ФРАЗЕОЛОГИК ТАРКИБИ

Тилнинг фразеологик таркибини фразеологизмлар ёки фразеологик бирликлар ташкил қилади. Фразеология кўпинча лексикологиянинг ажралмас бир қисми сифатида қаралади. Чунки фразеологизмлар тилдаги сўзларнинг эквиваленти (тенг маъноли) ҳисобланиб, лексикология эса тилнинг луғат таркибини ташкил қилувчи сўзлар ва уларнинг эквивалентларини ўрганувчи фан ҳисобланади. Кейинги пайтларда фразеология тилнинг алоҳида бўлими сифатида ва мустақил йўналиш сифатида ўрганилмоқда. Фразеологияни

⁸ Д.Н.Шмелев. Очерки по семасиологии русского языка. М., 1964. стр. 130.

⁹ Н.А.Баскаков, А.С.Содиқов, А.А.Абдуазизов. Умумий тилшунослик. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1979, 100-103 бетлар.

¹⁰ Г.Г.Почепцов. Синтагматика английского слова. Киев. 1970, стр. 10.

атрофлича ва кенг ўрганиш совет (ҳозирги Россия ва мустақил давлатлар) тилшунослигига хосдир.¹¹

Чет эл тилшунослигида фразеология баъзан тилшуносликнинг лексикаси ёки стилистика фанларига қўшилиб ўрганилади, айниқса Ғарбий Европа ва Америка тилшунослигида фразеология фан сифатида тан олинмайди.

Тилнинг фразеологик таркиби жуда кенг маънога ва ранг, тус, бўёққа эга. Шуни унутмаслик лозимки, фразеологизмлар билан сўзларни ҳеч қачон эквивалент сифатида қараш тўғри келмайди, чунки фразеологизмлар ҳар доим ҳам сўзларнинг ўрнини боса олмайди. Бундан ташқари, уларнинг морфологик ва синтактик тузилишлари ҳам турличадир. Таркибига кўра сўзлар яхлит ҳолда, фразеологизмлар эса гап ва сўз бирикмалари шаклида ҳосил бўлади. Фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишмалар каби семантик турлар ўз маънолари жиҳатидан уланиб кетиши фразеологизм таркибида лексик таркибнинг морфологик ва синтактик жиҳатдан уларнинг турғунлиги билан изоҳланади. Сўз бирикмалари ва гапларнинг компонентлари эса семантик жиҳатдан уланишида анча эркинликка эга. Шунинг учун фразеологизмлар турғун иборалар ва сўз бирикмалари ҳамда гаплар таркибига кўра эркин сўз бирикмалари дейилади. Фразеологизмларнинг маънолари контекстда ва нутқ вазиятида кенгрок очилади, яна шуниси эътиборлики, фразеологизмлар алоҳида ҳолда ҳам маълум номинатив маънони ифодалаши мумкин.

ТИЛЛАРНИНГ ЛЕКСИК ТАСНИФИ

а) лексик таркибдаги тасниф белгилари

Лексик тасниф тилшуносликдаги янги тадқиқот ҳисобланиб, XX асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошланган. Бу борада славянистикада бу тасниф методлари вужудга кела бошлаган ҳамда бу йўналишнинг асосчилари Н.И.Толстой, А.Е.Супрун сингари олимларнинг қўшган ҳиссалари катта. Бу йўналишнинг асосий мезонларидан бири – бу турли тиллардаги лексик таркибнинг ўхшаш ва ноўхшашлик аломатларидир. Лексик тасниф тилларнинг фонетик, фонологик ва грамматик даражаси таснифига нисбатан ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Турли тилларнинг лексик таснифи ҳар бир тилдаги грамматик, шу жумладан, фонетик хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун лексикадаги баъзи таснифий товушлар,

¹¹ В.В.Виноградов. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. ЛГУ., Л., 1976. А.В.Кунин. Английская фразеология. М. 1970. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1975. Н.А.Боровков ва бошқалар. Умумий тилшунослик. Тошкент. 1979, 112-114 бетлар.

ҳосила миқдорлари иккиламчи даражалидир, бу биринчидан, тиллар ўртасидаги сўзларнинг морфологик мураккаблик даражаси; сўз туркумлари лексик таърифлашдаги тафовутлар; ёрдамчи сўзлар тузилишидаги фарқлар.

Иккинчидан – фонология ва грамматикага нисбатан лексиканинг инертлиги, айниқса, унинг таркибидаги ноаниқлик. Шунинг учун фонетик – фонологик ва грамматик таснифга қараганда лексик типологияда тилларнинг таснифи мавжуд эмас.

Учинчидан – фонетик-фонологик ва грамматик хусусиятларга қараганда тилнинг лексик таснифи камроқ ўрганилган. Тилнинг лексик қатламининг мураккаблиги ва унинг аниқ тадқиқ қилинмаганлиги лексиканинг луғавий таснифи ва айниқса, турли тилларнинг қиёсий таърифи, лексик типология нуқтаи назардан яхши ўрганилмаганлиги, амалий жиҳатдан керакли даражада тадқиқ қилинмаганлиги сезилмоқда. Шу муносабат билан лексик типологияда тўлиқ универсалиянинг мумкин эмаслиги сезилиб турибди. Бундан ташқари, тилшуносликда қиёсий лексикология кенг тараққий этмоқда.

Лексик тартибнинг таснифи (типологияси) учун қуйидаги белгилар аҳамиятлидир: 1. луғат таркибининг ҳажми; 2. лексиканинг семантик-тематик таркиби; 3. луғат дифференциациясидаги (табақалашган) стилистик кенглик; 4. луғатнинг янги иборалар, мазмунлар ва уни турли воситалар билан тўлдириш маҳсулдорлиги (морфемалар деривацияси бу ерда – аффиксация, семантик деривация, сўз ўзлаштириш, турғун, сўз бирикмалари). Булар сўзларнинг типологик салмоқли, аҳамиятли белгилари, морфемалар таркибининг мураккаблигидир.

б) луғат захирасининг ҳажми

Ҳозирги замон шевашунос ва антрополог олимларнинг таъкидлашича, ёзуви бўлмаган диалектларда 10 мингдан ортиқ сўз мавжуд. Лексик минимумлар тўғрисида тилларнинг луғат – тезауруслари бўйича фикр юритиш мумкин.¹² Бу луғат узоқ ва бой ёзув анъаналари билан характерлидир. Масалан, немис тилининг 10 жилдлик тезаурусиди ва 7 жилдлик франсуз тили Grand Zarusse луғатида ярим миллиондан ортиқ сўз бор. Катта Оксфорд луғатининг 13 та жилдида 400 мингдан ортиқ сўз мавжуд.

в) лексиканинг семантик-тематик таркиби

¹² Тезаурус – грекча thesaurus – хазина, захира, мўлчилик.

Типологик тасниф учун лексик тартибнинг нафақат рақамли изоҳланиши, балки турли тиллардаги сифат таркиби ҳам аҳамиятлидир. Тилларнинг лексик хусусиятлари бир қатор ўзига хос белгилар асосида шаклланади – шахсий этник лексиканинг мавжудлиги, турли лексик-семантик гуруҳлар ва соҳаларнинг маълум бир лексик-семантик минтақаларнинг тартиб хусусиятлари ва ҳажми кабилар.

Шу муносабат билан бир далилий мисолни эслатиб ўтиш кифоя: эскимос тилида қорнинг кўп маънода ишлатилиши ёки араб тилида туя ва кумнинг кўп маънода ишлатилиши, тропик Африкада банан меваси ва дарахтининг бир неча ўнлаб номлари, денгиз қирғоқларида яшовчи жайдари халқларнинг шамол сўзининг бир неча маъноларини ишлатилиши, тибет медистинасида ишлатиладиган ҳар бир гиёҳнинг бир неча номининг ишлатилиши ва бошқалар.

г) луғатни стилистик табақалаштириш меъёри.

Лексикани стилистик табақалаштириш ҳар қандай тилда бугун ўрганилаётган эмас, шева ва ёзувсиз тиллар лексикасида стилистик бир хиллик, ўхшашлик учрайди ва бу жараён сўзлашувчиларнинг мулоқот пайтида муҳим шакллари, белгиларини (маркерларини) ўзлаштириб олгунча нутқдаги сўзлашув фарқини англамаганларига қадар давом этади.

Мулоқотнинг дастлабки функсионал стилистик оппозицион шаклини фарқлаш туфайли кундалик мулоқот вужудга келган бўлса, иккинчи томондан, илоҳий кучлар жанри, яъни сўзнинг фидеистик (сўз бириктириш, (суикасд), дуо, куф-суф, ваъда, онт, ибодат) жанрига қаратилган. Тил воситаларининг соҳавий фаолиятининг чуқурлашуви мулоқотнинг ижтимоий табақалашини доирасининг кенгайиши туфайли вужудга келади. Умуман, тил қанчалик узоқ фаолият кўрсатган бўлса, унинг ёзма-адабий анъаналари қанчалик ривожланган бўлса, тил воситаларининг синонимик ва параллел стилистик қарама-қаршилик спектрлари аниқроқ ва нозикроқ бўлади.

Ю.С.Степанов франстуз ва рус тилларининг стилистик таркибини қиёслаб, ҳар бир тил стилистик синонимларининг системалашини вариантларини белгилайди. Унинг ёзишча франстуз тили лексикасининг табақаланиши рус тилига қараганда анча мураккаб ва нозикдир. Франстуз тилида лексик табақаланиш 5 та бўлса, рус тилида бу рақам 4 тани ташкил қилади.

Луғат таркиби асосан тўртта манба орқали тўлдирилади, бойийди: 1) морфемик деривастия (ҳосила); 2) семантик деривастия; 3) эркин бўлмаган бирикмалар ҳосил қилиш; 4) ўзлаштириш.

Морфемик деривастия ва лексикализиастия. Узоқ Шарқ ва Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатларидаги изолястиялашган тилларда (хитой, вьетнам, кхмер ва бошқалар) морфемик деривастия кам миқдорда ишлатилади. Масалан, синтетик вьетнам тилида матндаги 100 та сўздан 6 таси аффиксал деривастия ҳисобланади. Аммо изолястиялашган тилларда сўзларнинг ўзаро қўшилиши жуда ривожланган. Чунки масалан, вьетнам тили матнларида аффиксал ясалган ва ясама сўзларнинг салмоғи 31%ни, ясама, бўлмаган сўзларнинг миқдори эса 69% ни ташкил қилади.¹³ Бу ерда шуни эътиборга олиш лозимки, изолястиялашган тилларда икки ўзакли қўшма сўзларни сўз библигидан, мустақил сўзларни эса ёрдамчи сўзлардан фарқлаш қийин.

Ажратувчи тилларда морфем деривастия кенг қўллашда ҳамда янги сўзларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Рус тилида XX асрнинг иккинчи ярми давомида ўзлаштирилган 3500 янги тушунчаларнинг 33% морфемалик деривастияни, инглиз тилининг лексикасида 67,5% морфемик деривастияни ташкил қилади, яъни ясама сўзлардан иборатдир. (ўзлаштирилган морфемалар).

В.Г.Гакнинг таъкидлашича, франсуз ва рус тили лексикасининг 2/3 қисми ясама сўзлардан иборатдир.¹⁴

Луғат таркибининг бойиши сўз ўзлаштиришнинг энг маҳсулдор қисми бўлиб, у уч асосий гуруҳ далиллари билан белгиланади: 1) тилларнинг алоқа хусусиятлари билан; 2) жамиятнинг лингвистик ғояси ва тил вазиятининг, тил ҳолатининг ўзига хослиги; 3) тилнинг ички таркиб хусусиятлари билан.

Ҳар бир тилдаги ўзлаштирилган сўзларнинг оз-кўплиги мазкур тилларнинг заифлигидан далолат бермайди, аксинча, бу миллатнинг иккинчи миллатга ёки халққа бўлган очиқ қўнгилиги, ҳар томонлама яхши муносиблиги, бир миллатнинг бошқа миллат маданиятига бўлган объектив, оқилона муносабатидир. Масалан, инглиз тилидаги сўзларнинг қарийб 50% франсуз ва лотин тилларидан ўзлаштирилган. Ўзбек тили луғат таркибининг қарийб 40%ни араб ва форс-тожик сўзлари ташкил қилади.

Инглиз тилидаги франсуз сўзларининг, рус тилидаги лотин, роман, герман тиллари сўзларининг ёки ўзбек тили луғат таркибидаги араб, форс-тожик сўзларининг кўп миқдорлиги номи тилга олинган халқлар тилларининг лексик томондан бир-бирига яқинлигини ва бундан ташқари, бу тиллардаги умум байналминал сўзларни қўллаш, ишлатиш шу халқларнинг

¹³ Солнцев Н.В. Проблемы типологии изолирующих языков. М., Наука. В книге Н.Б. Мечковской. Общее языкознание. М., Наука, 2008. стр. 97-102.

¹⁴ Г.В.Гак. Сравнительная типология французского и русского языков. Л., Просвещение. 1977. стр.104-133.

маданий, техник, технологик томонидан яқинлашувига олиб келади, мулоқот қилишни осонлаштиради.

Агар рус, инглиз, немис, испан, поляк тилларида XX асргача франсуз тилидан ўзлаштирилган сўзлар кўпчиликни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда бу тилларда инглиз тилидан ўзлаштирилган сўзлар салмоқлироқдир. Ё бўлмаса яқингача ўзбек тилининг таркибида араб, форс тилларидан ўзлаштирилган сўзларнинг миқдори салмоқли бўлган бўлса, бугунги кунда ўша тиллардан ўзлаштирилган сўзлар қаторидан инглиз тилидан кириб келаётган сўзлар тобора кўпайиб бормоқда.

Мавзу бўйича йўналтирувчи саволлар

1. Лексикология фани нимани ўргатади?
2. Семасиология нима?
3. Лексикография тилшуносликнинг қайси қисмида ўрганилади?
4. Ономастика қандай маънога эга?
5. Этимология тўғрисида нималарни билиш шарт?
6. Фразеология ва фразеологик бирикмалар.
7. Ономастика шахс номларидан ташқари яна қандай муаммолар билан шуғулланади?
8. Топонимика деганда қандай маънони тушунаси?
9. Этномика ва терминология нима?
10. Лексик маънонинг объектив ва субъектив томонлари.
11. Сўзнинг семантик таркибини ўрганиш методлари.
12. Парадигматика ва парадигматик қатор нима?
13. Тилнинг фразеологик таркиби нимадан иборат?

Таянч ибора ва тушунчалар (глоссарий)

Лексикология – тил луғат таркибини ўрганадиган фан ва сўзларнинг шакли маъноси ва пайдо бўлиши каби муаммоларни ўз ичига олади

Семасиология – тилнинг маъно ва мазмун томонини ўрганадиган соҳа.

Семиотика – белгилар назарияси ҳақидаги фан

Лексикография – луғат тузиш илми, ҳар бир тилга ёки таълим билимига тааллуқли луғатлар намунаси, тил таркибидаги сўзларни маълум тартиб асосида сўзларни ёзма равишда тўплаб, луғат тузиш масаласини ўрганади

Ономасиология (ономатиология) – семасиологиянинг бир қисми бўлиб, предмет ва ибораларни лексик ва фразеологик воситалари билан боғлиқ тамойил ва қонуниятларни ўрганади

Этимология – мустақил сўз ва морфемаларнинг келиб чиқишини ўрганади

Фразеология – сўзнинг лексик ва семантик бирлигини ўрганади

Ономастика – шахс, ҳайвон номларини ўрганади, у атоқли отларни ўрганади

Топонимика – маълум минтақанинг географик номлар мажмуасини, яъни жой номларини ўрганадиган лингвистик йўналиш

Этнонимика – элат, халқларнинг номини ўрганади

Терминология – атамашунослик

Фразеология – бирор бир тилга хос барқарор сўз бирикмалари ва ибораларни ўрганиш

Лексик тасниф – бу тадқиқот XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келиб, тилшуносликда учрайдиган ҳар бир маънонинг классификастиясидир.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 2008.
2. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1992.
3. А. Содиков, А. Абдуазизов, Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1981.
4. А.А. Реформатский. Введение в языковедение. Москва, 2008.
5. Б.Н. Головин. Введение в языковедение. М., 1979.
6. В.И. Кодухов. Введение в языковедение. М., 1979.
7. В.И. Кодухов. Общее языковедение. М., 2009.
8. Л.Н. Чурилина. Актуальные проблемы современной лингвистики. М., 2009.
9. Н.С. Шарафутдинова. Теория и история лингвистической науки. М., 2007.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-савол. Лексикология ва унинг бўлимлари

1-илова

Лексикология – лингвистикада тилнинг луғат бойлигини ўрганувчи бўлим. Лексикология сўз маъноси кенгайтиши ва торайиши, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари, уларнинг ҳудудий ва ижтимоий қатламлари, янги сўзларнинг пайдо бўлиши каби қатор масалаларни ўз ичига олади

Семасиология – тил бирликларини маъно жиҳатдан ўрганади. Тил ишоралари, сўзнинг маъноси тўғрисида сўз боради

Лексикография – тил таркибидаги сўзларни маълум тартиб асосида ёзма тўплаб, луғат тузиш масалаларини ўз ичига олади

Ономасиология – нарса ва ҳодисаларга ном беришни ўрганади

Этимология – сўзларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганади

Ономастика – атоқли отларни ўрганадиган фан бўлиб, антропонимика (географик номларни ўрганади), этнонимика (миллатларнинг номларини ўрганади)дан таркиб топган

Фразеология – тилнинг турғун бирикмаларини ўрганади

2-савол. Сўз, нарса ва тушунча


2-илова

Тиллардаги барча сўзлар 3 хил муносабатга киришади:


- сўзнинг ўзи англатган предмет ва ҳодисага;
- сўзнинг инсон фикрига, ҳиссиётига, ҳоҳиш-истагига;

3-савол. Тилнинг лексик қатламлари

3-илова



4-илова



4-савол: Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари

5-илова

Тил таркибидаги лексик маънолар ўзгарувчан бўлади. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари қуйидагилар:

Синоним – бир хил ёки бир-бирига яқин маъноли сўзлар (чиройли-гўзал)

Омоним – ёзилиши бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар (кул-кул)

4-МАЪРУЗА: ГРАММАТИКА. ТИЛЛАРНИНГ ГРАММАТИК УСУЛЛАРИ. ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР. СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ВА ЭТИМОЛОГИК ТАРКИБИ. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ.

Режа:

1. Грамматиканинг асосий вазифаси
2. Тилнинг грамматик усуллари
3. Грамматик категориялар
4. Сўзларнинг морфологик ва этимологик шаклланиши
5. Сўз туркумлари

Мақсад: Грамматиканинг асосий вазифаси ва мақсадини тушунтириш, грамматик категория ва сўз туркумларини, уларнинг турли тиллардаги ҳолати ҳақидаги маълумотни кенгайтириш

Илмий йўналишда “грамматика” термини турли хил талқин этилади. Кенг маънода тилга тааллуқли умумий қонун-қоидаларни “ўрганувчи” илмий соҳа деб тушунилади. Бу тушунчага амал қиладиган бўлсак, грамматика – лингвистика сўзига синоним бўлиб ҳисобланади. Аммо тарихдан, яъни Қадимги Греция олимлари томонидан бу терминга – “ўқиш ва ёзиш санъати”, - деб баҳо терилган. Ваҳоланки, замонавий тилшунослик бу терминга нисбатан камроқ вазифа юклаб, грамматика терминини куйидагича талқин этди:

Грамматика – тилнинг грамматик қурилиши бўлиб, морфологик категория ва формалар системасини, синтактик категория ва қурилишларни, гап ва сўзларнинг ҳсалиши ва шаклланиш қонун-қоидаларини ўрганади.

Инсон лексик хазинасини ўзи фикримизни аниқ етказиб бериш учун етарли эмас. Масалан (Мен, мақсад, дунё, бутун, саёҳат, бўйлаб, қилмоқ) каби сўзлар тўпламини гап шаклига келтириб, грамматик қурилиш ҳосил қилади: Менинг мақсадим бутун дунё бўйлаб саёҳат қилмоқ.

Демак, грамматика тилнинг товуш таркибини ҳам, лексик қатламини ҳам ўрганмайди. У тил қурилиши асоси ҳисобланиб, усиз сўз (барча кўринишларида) ҳам, сўз бирикмаси ҳам, гап ҳам, матн ҳам тузиб бўлмас экан.

Дунё тилларининг грамматик характеристикаси турлича, лекин уларни амалга ошириш ва амал қилиш умумий қоидаларга асосланган. Шунга биноан, грамматика умумий ва хусусий грамматикага бўлинади.

Грамматиканинг асосий 2 та бўлими бор.

Морфология, синтаксис.

Морфология – (грекча – morphē – форма ва “logos” - ўрганаман) сўзни грамматик йўналишлари бўйича ўрганади, яъни

Синтаксис (грекча) syntaxis – қурилиш, тартиб.

Грамматика

Биз биламизки, тилни хазинаси бўлмиш лексика, яъни луҳат таркиби – тилни тўлиқ акс эта олмайди, фақатгина хом ашё ёки қурилиш материали бўла олади.

2 та савол устида тўхтаймиз:

1-грамматик абстракция муаммоси.

2-тафаккурнинг грамматика тўфайли нутқ фаолияти учун зарур (реал) материаллашиши.

Абстракция билан лексикология бўлимида ҳам танишиб ўтганмиз. (лекин абстракцияда грамматик қонун-қоида аҳамиятга эга, лекин лексик белги орқали намоён бўлади. Грамматик абстракцияда лексик маънодан узоқлашиб, фақат грамматикага хос белги ва муносабатлар иштирок этади).

Грамматик абстракция “сўз ҳеч қачон ўзи алоҳида индивидуал ҳодиса бўла олмайди, у доим бутун бир предметлар синфи билан алоқада бўлади” деган хулосага келди.

Дарҳақиқат, масалан “уйлар” ҳар хил бўлиши мумкин – тошдан, ёғочдан, ғиштдан, бетондан, кўп қаватли, бир қаватли, ҳар хил рангли, ҳар хил шаклли ёки одам, инсон – умуман тури кўп бир-бирига ўхшаши йўқ – лекин уй сўзи ҳам, инсон сўзи ҳам умумий, ҳамма учун, ҳар қанақа уй учун – бу **лексик абстракция**.

Грамматик абстракция – ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан лексик абстракциядан тубдан фарқ қилади, лексикада аниқлик бор – грамматикада аниқлик йўқ. Грамматикани геометрия билан, лексикани алгебра билан таққосласа бўлади. Чунки геометрия ҳам грамматика каби аниқ конкрет нарсани эмас, балки унинг узунлиги, бўйи, кенглиги билан шуғулланади.

Лексикада шахсий аниқлик бор – масалан болта ва гул (бурун, уй, осмон) лексика учун ҳар хил предмет, бу лексика учун жуда зарур, грамматика учун фарқи йўқ – ҳаммаси – бош келишик, от, бирлик ва ҳ. Грамматика учун лексема аҳамиятли – масалан сўзнинг келишикда, сонда

турланиши, тусланиши – бу грамматикада лексемалар модели деб номланади.

Грамматик моддалар – сўз (шакл) ясовчи ва сўз ўзгартирувчи бўлади.

Грамматика

Грамматика – 1) биринчидан: тилнинг грамматик кўриниши ҳақидаги фан.

2) иккинчидан – сўзларнинг туркумларга бўлиниши, уларнинг формалари, нутқнинг грамматик структураси ҳақидаги фан.

Тил – фикр алмашиш – грамматика, яъни гап – сўзлар бўғлами – грамматик ва фонетик қоидалар – демак **грамматика – бу тилнинг қурилиши.**

Грамматика: (тарихий, фалсафий, умумий, қиёсий) яна 2 турга:

1) Қиёсий-тарихий: лингвистик эл. ўхшаш ва фарқи.

2) Типологик-қиёсий: тилларни классификация.

3) Тасвирий грамматика (дескриптив).

Тилнинг ҳозирги ҳолати: маъно эътиборга олинмайди.

Дескриптив тилшунослик асосий методи – дистрибутив метод. Турли тил бирликларининг дистрибуцияси (қўлланиши, ўрни, жойлашиши) турлича бўлади, деган назарияга асосланиб, тил элементларининг ўзаро бирикиш қонунларини ўрганади.

Грамматика тилшуносликнинг бир қисми бўлиб, сўзларнинг тузилиш ва уларни формасини, сўз бирикмалари (формуласини, ва гап турлари формуласини ўрганади).

Грамматика турлари: ташқи, ички, умумий, дескриптив, тарихий, кўргазмали (идиосинхрон), синтагматик, синхрон, қиёсий-тарихий, типологик, формал, академик, антик, илмий, норматив, мактаб, мантиқий, универсал, таксономик грамматика.

Сўзлар лексик маъноси - сигниф, дер, деривацион – болакай, реляцион грамматик маъно: қизча. Бу ширин болакай: лексик.

Демак, грамматик маъно грамматик воситалар билан ифодаланади. Булардан биз ификчасти, оҳанг, мелодика, редупликация, ички флекция, суплетивизм ҳақида гаплашдик.

Булардан ташқари ёрдамчи сўзлар ҳам грамматик маънони акс эттиради. Ёрдамчи сўзлар: кўмакчи, боғловчи, артиклар, предлоглар, ёрдамчи ва боғловчи феъллар, юкламалардир.

Ёрдамчи сўзлар 2 га бўлинади: 1) сўзларнинг аналитик формасини ясайдиган: артиклар (a, an, the) ва ёрдамчи феъллар (буду, бўла, будет, be, have, shall, will).

2) аналитик форма ясамайдиган: юклама, боғловчи, кўмакчи, предлоглар.

Сўз тартиби – грамматик маъно англатишнинг яна бир воситаси.

Грамматика тилшуносликнинг муҳим бир қисми бўлиб, бирор тилнинг грамматик кўринишини ўрганади. Грамматика асли юнонча бўлиб, “ёзиш саноати” маъносини англатади. Тилнинг грамматик қурилиши ўз бирликлари ва категорияларига эга. Грамматика 2 қисмдан иборат: *Морфология ва синтаксис*.

Грамматика қуйидаги турларга бўлинади:

1. Умумий грамматика.
2. Фалсафий грамматика.
3. Тарихий грамматика.
4. Қиёсий грамматика.
5. Тасвирий грамматика.
6. Чоғиштира грамматика.
7. Трансформацион грамматика

Дунёдаги барча тиллар мустақил маъноли сўзларнинг структураси жиҳатидан 2 катта гуруҳга бўлинади. Бу гуруҳдаги тилларда сўзларни ўзак, негизларга ажратишда маълум фарқлар бор. I гуруҳдаги тиллар Осиё ва Африкада яшовчи халқларнинг тиллари, туркий тиллар, угор-фин тилларида кўшимчалар ўзбек ёки негизга тоғридан-тўғри қошилади.

2-Гуруҳдаги тиллар Ҳинд -Европа тиллари хом-сом тиллари, инглиз-немис ва араб тилларида грамматика маънони ифодалаш жараёнида кўшимчалар ўзбек ёки негизга сингиб кетади.

Ўзак негиз билан кўшимчаларнинг бундай бирикиб кетиши флектив тилларга хосдир (Флекстия лот. эриб кетиш).

Сўз состави. Сўзнинг туб маъноси ўзбек ёки негиз орқали англашилади. Маълумки, сўзлар тузилишига кўра туб ва ясама бўлади. Сўзларнинг бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган қисми ўзак деб аталади.

Ўзак янги сўз ясалиши учун асос бўлади. Сўзнинг негизи эса ҳар бир тилга хос ясовчи аффиксларнинг қошилишидан ҳосил бўлади. Одатда,

сўзнинг таркиби состави маъноли қисмларга бўлинади. Сўзнинг маъноли қисми *морфема* дейилади. Морфемалар *ўзбек морфема*, *аффиксал морфема* каби 2 турга бўлинади.

Ўзакка нисбатан қўлланиши ўрнига қараб аффикслар *префикс*, *постфикс* ва *инфиксларга* бўлинади. Буларнинг умумий номи *аффикс* дейилади. Сўздан сўз қошилса, суффикс сўздан олдин қошилади, префикс, инфикс Ҳинд -Европа тилларига хос бўлиб, ўзбек ичида қошилади. Масалан, *visi - енгдим*, *vinco - енгаман* инфикс бўлиб, о.к. замонни ифодалайди.

Хуллас, ҳозирги вақтда тилшуносликда морфемика, сўз ясалиши морфологиядан ажратиб алоҳида ҳодиса деб қаралмоқда.

Сўз туркумлари. Ҳар бир тилдаги сўзлар ўзининг семантик белгиларига кўра турли гуруҳларга бўлинади. Сўзларни туркумларга ажратишда ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари эўтиборга олинади.

Инсон ҳамма вақт кўрган эшитган ва оис қилган нарсаларнинг ҳаммасини турларга, гуруҳларга ажратишга одатланган. Турларга, гуруҳларга ажратиш доим қиёслаш орқали амалга оширилган.

Маълум ки, тилда ранг-баранг, сон-саноксиз сўзлар бор. Булар сўзсиз маълум турларга ажратилади. Демак, нарса, предмет ва ҳодисаларни туркумларга ажратиш учун маълум олчовлар, шартлар, мезонларга асосланиш зарур.

Тилшунослик тарихида структурализм оқими пайдо бўлгунча, яъни биз яшаётган асрнинг ўттизинчи йилларигача сўзларни туркумларга ажратишда асосан 3 белгига асосланган.

1. Сўзларнинг луғавий маъноси.
2. Сўзларнинг морфологик белгилари.
3. Сўзларнинг гапдаги вазифаси.

Шундай қилиб, олимлар сўзларни туркумларга ажратишда лексик маъносини етакчи қилсалар, айримлар морфологик белгисини, яъни бошқалар синтактик вазифасини асос қилиб олдилар. Кейинги ишларда сўзларнинг туркумларга ажратишда юқоридаги белгилардан ташқари сўз ясалиш белгиси ҳам қошилди. Бундан ташқари, ҳар бир тилнинг хусусиятларига қараб сўзлар туркумланади.

Ана шу туркумларнинг бири етакчи қилиб олинади, бошқалар уни толдиради. Хитой тилида сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг синтактик белгиси, сўз тартиби асосий ролр ойнаса, ўзбек тилида морфологик етакчидир.

Ҳар бир тилдаги сўзларнинг туркумлари ва уларнинг миқдори бир хил эмас, ўзбек тилида 10 та, рус тилида ҳам 10 та, инглиз тилида ҳам 10 та, уйғур тилида 8 та, франсуз тилида 9 та сўз туркумлари мавжуд. Шуниси ҳам борки, ҳар бир тилда маълум сўзлар бор, улар бирорта туркумга киритилмайди. Масалан: Рус тилидан *возможна, вероятно* каби сўзларни бирорта туркумга киритиб бўлмайди. Булар модал сўзлардир. Кейинги ишларда модал ва тақлид сўзлар ҳам алоҳида сўз туркуми деб қаралмоқда.

Тилшуносликда сўнги йилларда сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қуйидаги муҳим белгилари асос қилиб олинмоқда:

1. Сўз туркумларининг семантик белгиси.
2. Сўз туркумларининг морфологик белгиси.
3. Сўз туркумларининг ситактик белгиси.
4. Сўз туркумларининг сўз ясалиш белгиси.

Сўз туркумларининг семантик белгиси деганда, уларнинг конкрет маъноси эмас, умумлашган маъноси кўзда тутилади. Масалан, *уй, қалам, олма, қуёш* каби сўзларнинг аниқ, конкрет маънолари бор. Лекин уларнинг конкрет маъноси эмас, умумлашган маъно-предметлик кўзда тутилади.

Шу асосда предметнинг тушунчасини ифода қилувчи сўзлар от сўз туркумига киритилади.

Оқимоқ, қочмоқ, турмоқ, яшамоқ, қурмоқ каби сўзларнинг конкрет маънолари ҳар хил, лекин уларнинг ҳаммасига хос бўлган маъно иш-харакатдир.

Сўз туркумларининг морфологик белгиси деганда, у ёки бу сўзга хос бўлган морфологик-грамматик категориялар, мазкур сўзларга хос форма ясовчилар, сўз ўзгартирувчи аффикслар тушунилади.

Сўз туркумларининг *синтактик белгиси* дейилганда, сўзларнинг гапдаги ўрни, гап бўлаклари нуктаи назаридан бажариладиган вазифаси кўзда тутилади. Сўзларнинг гапда бошқа сўзлар билан бирика олиш имконияти (дистрибуцияси) ҳам синтактик белги ҳисобланади.

Масалан, араб, инглиз, немис, франсуз тилларида артиклр билан бириккан сўзларни албатта от деймиз, чунки артиклар фақат отлар билан бирика олади. Ўзбек тилида ҳам шундай келишиклар от ёки олмошларга қошилади.

Сўз ясалиш белгиси дейилганда, у ёки бу сўз туркумига хос сўз ясовчи қўшимчалар назарда тутилади. Ҳар бир сўз туркумининг ўзига хос ясовчи формаси бор. Масалан: *-ли* сифат, *-лик* от ясовчи сифатида қаралади.

Сўзларни туркумлар бойича классификация қилиш принциплари. Сўз туркумлари назариясининг иккинчи принципи сўзларни туркумларга ажратиш принциpidир.

Сўз туркумлари, дастлаб, икки катта группага бўлинади.

1. Мустақил сўзлар.
2. Ёрдамчи сўзлар.

Мустақил тушунчаларни англатиб, бирор предмет, белги, ҳаракат номини англатади. Ёрдамчи сўзлар тушунча ифода этганда фақат грамматик маъно англатади. Ёрдамчиларга комакчи, предлог, юклама, боғловчи ва артиклар киради.

Синтаксисда гап бўлаклари, уларнинг ўзаро синтактик муносабатга кириш усуллари ва воситалари, сўз бирикмаси ва гаплар, уларнинг структураси типлари гапдан катта бирликлар ўрганилади.

Синтаксис грекча “тузилиш” деган маънони англатади. Синтаксисда сўзларнинг ўзаро боғланиш йўллари, бир-бири билан алоқаси, муносабати сўз бирикмаси; гап, гап бўлаклари ўрганилади.

Дунё тилларида синтактик категориялар бўлиб, ўзига хос белгилар билан характерланади.

Грамматик маъноларни ифода этувчи воситалар. Дунё тилларида грамматик маъноларни ифода этувчи воситалар турли йўллар турли усуллар билан ифода этилади. Уларнинг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилар.

1. Аффиксастия. Бу восита дунё тилларида энг кўп тарқалган восита бўлиб, дунёнинг кўп тилларида грамматик воситалар аффиксастия усули билан ифодаланади. Бу воситаларга сўз ўзгартирувчилар (эгалик, келишик, кўп лик), шахс-сон формалари киради. Ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик маъно ифодаловчи воситаларига эга. Масалан, ўзбек тилида қаратқич келишик ягона шаклда ифодаланса, рус тилида бир келишик маънони турли шаклларда ифодалайди: *-и, -а, -я* каби.

2. Ёрдамчилар. Грамматик маъно ифодалашда ёрдамчилар ёки функционал сўзлар ҳам хизмат қилади. Дунё тилларида ёрдамчи сўзлар турли-тумандир. Улар кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар, предлоглар, артиклар киради. Масалан,

*Шакар қовунларнинг майин оидлари
Сабо билан тарқалар секин. (У.)*

3. Супплетивизм. Супплетивизм дейилганда бир сўзнинг турли грамматик формалари ҳар хил ўзбеклардан ясалиши тушунилади. Бу ҳодиса Ҳинд - Европа тилларига хос бўлиб, туркий тилларда учрамайди. Грамматик формани шу йўл билан ифодалаш асосан, Баъзи келишик олмошларига, феъл ва сифатларга хосдир. Масалан, ўзбек тилида *мен* кишилик олмошига барча келишик қўшимчалари қошила олади, бундай ҳолда баъзи қандай ўзгариш бўлмайди. Аммо рус, инглиз, немис тилларида олмошлар турланганда ўзбек структурасида ўзгариш юз беради. Масалан, *Я, мне; человек, люди*.

Демак, бир сўзнинг келишик, кўп лик, эгалик билан турланиш жараёнида бошқа ўзбекка, бошқа сўзга айланиш ҳодисаси *супплетивизм* дейилади.

4. Такрор. Грамматик маъно ифодалашда бир сўзни икки марта такрорлаш орқали ҳам грамматик маъно ифодалаш мумкин. Буни редупликастия ҳам дейилади.

Дунё тилларида бир сўзни икки марта такрорлаш орқали турли маънолар англашилади. Масалан, малай тилида *аранг - одам, аранг-аранг - одамлар*, хитой тилида *синг - юлдуз, синг-синг - юлдузлар* маъносини англатади. Ўзбек тилида бир сўзни икки марта такрорлаш орқали кўп лик, жимлик, кучайтириш каби маънолар англашилади. Масалан, *ким-ким - кимлар, нима-нима - нималар*.

5. Ички флекстия. Грамматик маъно флекстия йўли билан ифодаланганда ўзбекда ўзгариш рой беради. Масалан, араб тилида *китоб* бирликда, кутуб *кўп ликда; тараф* бирликда, *атроф* кўп ликдадир. Рус тилида *друг - друзя, дружба* сўзлари флекстия йўли билан шаклланади.

Хуллас, грамматик маънолар турли тилларда турли усул ва йўллар билан ифодаланади.

Грамматик категория тушунчаси

Ҳар бир тилнинг грамматик маъноси ва ифодалаш усуллари ҳар хил бўлади. Улар маъно турларига кўра гуруҳларга бўлиниб, улар 2 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолат ***грамматик категория*** – умумлашган грамматик маъно бўлиб, тилнинг морфологик турланишига тенг. Грамматик категория сўзларнинг ўзгаришида ва боғланишида намоён бўлади.

Категория турлари: лингвистик, морфологик, иккинчи даражали, грамматик-семантик, сўз туркумлари категорияси, гап бўлаклари категорияси, бирлик категорияси, синтактик категория, фонологик юмшоқлик ва қаттиқлик категорияси, шахс категорияси, жуфтлик категорияси, тушунча категорияси, нутқ категорияси, семантик-лексик

категория, форма категорияси, субъектив-объектив категория, сон, даража, келишик, замон **категориялари**.

Грамматик сон категорияси

Грамматик сон категория 2 маънодан бирлик ва кўпликдан ташкил топади. Бирлик морфемаси орқали, кўплик лар морфемаси орқали ифодаланади.

Формула: два стола, пять столов – *сон турланиши*

Брюки, духи, ички, сливки – фақат кўпликда

Грамматик категориядан грамматик маънонинг грамматик шакл. Сон категориясида бу қуйидагича бўлади. Шаклдан ** нинг –лар.

Маънодан бирликнинг кўплик (инглиз тилида от ва олмош). Ўзбек тилида от, олмош, феъл, рус тилида от, сифат, олмош, феъл, тартиб сон.

Ифодаланиш усулига кўра грамматик категория 3 га бўлинади;

1) синтетик, 2) аналитик, №) аралаш;

- синтетик грамматик категория – афиксал морфема орқали ифода этилади. Бу: сон, келишик, эгалик, шахс сон, род категориялари.

- Аналитик грамматик категория: ёрдамчи сўзлар орқали, инглиз тилига хос – shall, will, more, most.

- Аралаш грамматик категория: афикслар ва ёрдамчи сўзлар орқали.

Масалан: инглиз тилида даража категорияси “be” ёрдамчи феъли ва “-ed” аффикси орқали ясалади.

Демак, ҳар бир тил кетегориялари бир-биридан фарқ қилади, **род** фақат рус тилида, **эгалик** фақат ўзбек тилида мавжуд.

Грамматик род категорияси

Род категорияси: 3 та: жен., муж., средний. Баъзи ҳолларда қўшимча, баъзан қўшимча тўғри келмайди.

Ўзбек тилида қуйидагича: ўғил-қиз, тоға-хола, Карим-Карима.

Моя – дочка, мой – сўн, моё пальто, моё – платье,
ручка сад моё богатство

лекин,

мая – лошадь, страсть, прелесть

мой – папа, мужчина

Келишик категорияси

Келишик категорияси отнинг бошўа Шз туркумига муносабатини ифодалайди. Келишик категориясини **морфологик-синтактик** категория дейишади.

Чунки отларнинг синтактик вазифасини кхрсатади ва афикслар орўали ясалади. Келишикни ифодалаш учун 2 та сўз бўлиши керак. Келишиклар ҳамма тилда ҳар хил: инглиз тили – 2 та, немис -4 та, ўзбек-рус – 6 та, эстон – 15 та, венгер – 20 та.

Ўзбек ва рус тилларида келишиклар 6 та лекин бир-бирига мос келмайди. Ўзбек тилида *от ва олмош*. Рус тилида *от, олмош, сон, сифат* турланади. Масалан:

Ўқитувчи менга бешта қийин топшириқ берди.

Учитель задал мне пять труднўх задач.

Ўзбек тилида бирлик ва кўплик бир хил:

уйнинг – менинг, гулни – гулларни, сўз – сўзга – сўзларга;

Рус тилида ҳар хид: стветок – стветў, стветами.

род.падеж. моего сада – моих садов, шкафа, шкафов.

дат.падеж. саду – садама, шкафу – шкафов.

Инглиз тилида от ва олмош турлича сўз билан ифода этилади.

I – Me

We – Us

2 та келишик: умумий ва қаратқич

boy boy's

Грамматик замон категорияси

Энг кўп тарқалган феъл категориясидир. Кўпчилик тилларда бу категория уч маънодан: ҳозирги, ўтган ва келаси замондан иборат.

Ҳозирги замон: 1) Мен футбол ўйнаяпман.

2) Доимий такрорланиш: Гўзаллик дунёни асрайди.

3) Келаси замон маъносини: 5 кундан кейин тўйим бўляпти.

4) Ўтган замон маъноси: Вчера захожу в институт и встречаю родителей.

Ўзбек тилида: ҳозирги келаси замон феъли: китобни ҳозироқ ўқийман. Улар бугун келишади.

Ҳозирги замон давом феъли: Рақсга тушаяпмиз (тушмоқдамиз, тушаётибмиз)

Ўтган замон – ўзбек тилида – яқин ўтган замон, узоқ ўтган замон, ўтган замон ҳикоя феъли, ўтган замон давом феъли, ўтган замон мақсад феъли.

яқин – мен ўқидим, узоқ – ўқиганман, ўқиган эдим, ҳикоя – ўқибман, ўқиб эдим, давом – ўқир эдим, ўқиётган эдим, мақсад – ўқимоқчи эдим, ўқийдиган эдим.

Келаси замон – инглиз тилида 3 хил ифодаланади, shall, will.

Келаси замон феъли 2 этапли ҳам бўлади:

Ўқитувчи кирганда, ҳамма тинчланиб бўлган эди.

Ўзбек тилида соф келаси замон кўшимчаси йўқ.

Келаси замон гумон феъли – Мен ишларман, Биз ишлармиз.

Келаси замон мақсад феъли – Мен ишламоқчиман, Мен ишлайдиганман.

Келаси замон бу тури бошқа тилларга мос келмайди.

Мустахкамлаш учун саволлар.

1. Сўзнинг материал структураси нима?
2. Сўзнинг морфемали таркиби нима?
3. Сўзнинг морфемали таркиби унинг товуш таркибидан нимаси билан фарқ қилади?
4. Морфема нима?
5. Ўзак морфема нима?
6. Аффикс морфема нима?
7. Сўзнинг морфемали таркиби қандай йўллар билан ўзгаради?
8. Соддалашув нима?
9. Қайта тузилиш нима?
10. Мураккаблашув нима?

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-савол. Грамматиканинг асосий вазифаси


1-илова

Грамматика (грекча – “ёзув санъати”) тарихий сўз бўлиб, ўқиш ва ёзиш деган кенг маънони англатади


Грамматика – тил функциясининг умумий қонунларини ўрганади ва лингвистика сўзига синоним термин ҳисобланади

Грамматика – тилнинг грамматик қурилиши, морфологик категория ва форма системаси, синтактик категория, синтактик қурилиш, сўз ясаш усуллари ва тилнинг грамматик таркибини ўрганади

2-илова




3-илова




2-савол. Тилнинг грамматик усуллари

4-илова




3-савол. Грамматик категориялар

5-илова



4-савол. Сўзларнинг морфологик ва этимологик шаклланиши


6-илова



5-савол. Сўз туркумлари

7-илова





5-МАЪРУЗА: СИНТАКСИС. ТИЛНИНГ СИНТАКТИК БИРЛИКЛАРИ. ГАП ВА УНИНГ АКТУАЛ БЎЛИНИШИ.

Режа:

1. Сўз – лексикологиянинг асосий бирлиги.
2. Лексикология ҳақида маълумот.
3. Сўз – лексик маъно ва унинг турлари.
4. Сўзларнинг лексик-семантик гуруҳланиши.
5. Лексикологиянинг бўлимлари.

Синтаксис – грамматиканинг икки (ярусли) сатҳли (гап ва сўз бирикмаси) бўлими (бўлиб) ҳисобланади.

- 1) Синтаксис – тил бирикмаларининг бир система асосида бириктирилган конструкцияси.
- 2) Синтаксис – сўз бирикмаси, гап турларини, уларнинг (қурилишини) тузилишини, (ишлатилиш) амалга ошириш шарт –шароитларини ва муносабатга киришиш турларини ўрганади.
- 3) Синтаксис – тилнинг лексик маъносини ҳисобга олмаган ҳолда (тилнинг) тил ва нутқ бирликларининг синтагматик ва парадигматик муносабатлар ёрдамида таъминлайди.
- 4) Синтаксиснинг тадқиқот аспекти мураккаб ва кўп тармоқли.

Синтаксис турлари....

Синтактик бирликларни ўрганиш уч йўналишда олиб борилади: 1) сўз бирикмаси синтаксиси; гап синтаксиси; 3) матн синтаксиси (ёки актуал синтаксис).

Синтаксиснинг асосий бирликлари-синтаксис форма ва категория

Тил синтаксиси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун. Синтактик бирликларнинг қайсилар асосий ҳисобланишини билишимиз керак. Бу синтактик назария дунёсида энг муаммоли ва тортишишларга ролиб келаётган савол.

Агар, грамматиканинг асосий бирлиги грамматик форма, морфологиянинг асосий бирлиги морфологик грамматик форма бўлса, синтаксиснинг асосий бирлиги еб синтактик грамматик формани олишимиз керак.

Синтактик форма – бу синтактик конструксиялар, яъни сўз бирикмаси ва гапларнинг лексик тўпламини чегараланган ҳолдаги, маълум бир схемаси ёки модели.

Синтактик формани синтактик маънога эга бўлган синтактик конструксия орқали аниқлаш мумкин. Синтактик маъно деганда абстракт маъно тушунилади. Чунки улар лексик маънодан қатъий назар, синтактик бирликларни ҳосил қилиш учун катта аҳамиятган эга. Баъзан бу терсин синтактик миқёсидаги грамматик маъно деб ҳам юритилади. Бу терминга “предикативлик маъноси” деб қараш ҳам мумкин. (Предикативлик маъноси - гапга хос маъно – хабар қилинаётган воқеани вақти, объективлиги ва модаллиги назарда тутилади).

Синтактик грамматик формалар ва уларнинг маъноларини тилда (бирликлари) ги имкониятлар ва бирликлар орқали ажратиб олинади. Буларга, сўзнинг грамматик формаси, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, ва интонация (оҳанг) киради.

Баъзи тилшунослик синтаксиснинг асосий бирлиги деб синтактик грамматик категорияни ҳисоблашади ва “синтаксис – бу синтактик грамматик категориялар йиғиндиси” деб таъриф беришади.

Синтактик категория – бу гап (нинг) семантик структурасининг бирлиги. Синтактик категорияга гап категорияси, сўз бирикмаси категорияси, гап бўлаклари категорияси, гап конструктсиясининг активлик ва пассивлик категорияси:

Масалан: профессор лекстия ўқияпти (актив). – Лекстия профессор томонидан ўқитади (пассив), ёки 200 та одам (актив), 200 тача одам (пассив).

Грамматик категория граммемалар йиғиндисидан такшил топади. Граммемалар бу – бир хил маъноли грамматик формаларнинг маълум бир катори. Граммемани синтаксиснинг элементи сифатида “синтаксема” – термини билан алмаштириш мумкин. Синтаксема – синтактик сатҳнинг “эмик” аспектидаги асосий бирлик. Эмик – бу умумийлашган, абстракт кўринишда деган тушунча.

Синтаксема (тил бирлиги) ва синтакс (нутқ бирлиги), бу фонема – фон, морфема, морф, лексема – лекс сингари.

Гапнинг турлари

Содда гап ва қўшма гап (бош гап, эргаш гап).

Гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари

Дарак, сўрок, буйруқ ва ундов.

Гапнинг ҳамма бўлаклари мавжудлиги нуқтаи назаридан турлари

Ҳамма бўлаклари бор-йўқлигига қараб гаплар (**оғзаки**) эллиптик (тўлиқсиз) ва (**ёзма**) ноэллиптик (тўлиқ гап)га ажратилади. Эллиптик: қаерда яшайсиз? – Тошкентда. Қаерда ўқийсиз? – Университетда.

Гап бўлаклари

Бош ва иккинчи даражали бўлак, эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол: воситали ва воситасиз. Гап бўлаклари ва сўз туркумлари бир-бирини ифодалаб келиши мумкин.

Сўз бирикмалари

Синтактик боғланган, 2 ёки ундан ортиқ мустақил сўз қўшилмаси.

Синтактик муносабат турлари

Сўзлар тенг, эргаш, предикатив боғланади.

Тенг: 2 ёки ундан ортиқ сўзлар боғланиши: китоб ва қалам, бу ё у;

Эргаш: етакчи ва тобе сўзлар боғланиши.

1) *Мослашув:* сонда, келишиқда, родда: ўзбек тилида йўқ

2) *Бошқарув:* тобе сўз бош сўз талаб қилган грамматик шаклда туради: менинг китобим, сен ишладинг.

3) *Битишув:* грамматик воситалар талаб қилмайди: кўп гапирмоқ, серҳосил ер, кам емоқ, тартиб сақламоқ.

Предикатив: эга ва кесим ёки баъзи тилларда бошқа қисмлар орасидаги муносабат: Биринчи даражали: тўғридан тўғри.

Иккинчи даражали: майл,замон, шахс маънолари ифодаланмайди.

Синтактик муносабат турлари

Грамматик, аффикслар, сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар, оҳанг.

Гапнинг актуал бўлиниши

Гапнинг актуал бўлиниши – бу гапнинг функционал истиқболи. Тил ва тафаккур бир-бирини доимо тўлдиради. Гаплар мантиқ бирлиги бўлиниш ҳукми акс эттиради. Ҳукм субъект ва предикатдан ташкил топади.

Гапдаги ҳукмнинг субъектини ифодаловчи сўз тема, гап ҳукмнинг предикатини ифодаловчи сўз рема. Ҳукмнинг бўлаклари серҳаракат, гап эса

котиб қолган, бир гап бир неча ҳукмга тенг. Ҳукмнинг бўлаклари чегарани билмайди.

Лексикология

Лексикология термини 2 та грекча сўз йиғиндисидан келиб чиққан бўлиб (“lexis”- лексик ва “logos” логос) ҳар иккаласи ҳам “сўз” деган маънони билдиради. Демак, лексикология “сўз ҳақида сўз” ёки “сўз ҳақида таълимот” деган маънони билдиради.

Лексикологиянинг марказида сўз ва лексика туради.

Лексикология сўз ва инсоннинг лексик хазинаси билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни, сўзнинг икич ва ташқи қурилишини, сўзларнинг лекски турланишини, сўзларнинг маъно муносабатига кўра турларини, сўзларнинг келиб чиқиш тарихини, янги сўзларнинг пайдо бўлиши, сўзларнинг ишлатилишдан чиқиб кетишини, луғат тузиш масалаларини, предметларга ва жойларга ном қўйиш масалаларини ўрганади.

Лексика ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи ўринда инсоннинг лексик хазинаси ҳақида гапириш керак. Ҳар бир олий маълумотли шахс лексикасида 8-9 мингга яқин сўз бўлиши керак. Статистик маълумотга кўра (А.Навоий лексикасида 26 сингга яқин, Толстойда 23 мингга яқин, Пушкинда 20 минга яқин сўз бўлган). Лексик хазинага фақат она тилидаги эмас, балки барча ўрганган сўзларингиз киради. Инсон лексикаси бир неча тоифа ва турларга бўлинади. Масалан: миллий лексика, касб-хунар лексикаси, илмий лексика, оила лексикаси, болалар лексикаси, аёллар лексикаси, эркаклар лексикаси, кўча лексикаси, маҳаллий лексика, диалектик лексика.

(мальчик, которўй забивал гвозди).

Талабалар лексикаси тажриба қилинган (Англияда) ўртача талаба лексикасида 3 мингга яқин сўз аниқланган.

Ҳар бир инсон лексик хазинасида 400 га яқин умуман ишлатилмайдиган, яъни ортиқча сўзлар борлиги аниқланган.

Энди сўз ҳақида гапирадиган бўлсак, тилнинг марказидаги бирлик сифатида – сўз жуда мураккаб қурилишга эга.

Сўз уч томонлама бирлик сифатида намоён бўлади.

1. Сўз – тил бирлиги (уй, китоб).
2. Сўз формаси – нутқ бирлиги (уйдан, уйга, уйни, уйнинг, уй ҳақида, уйлар, уйларни, уйлар билан ва ҳ.к.).
3. Сўз фаолияти – нутқ фаолияти бирлиги.

Битта сўз бир неча сўз формасига ва чегарасиз сўз фаолиятида иштирок этадиган бирикмаларга эга.

Схемадан кўриниб турибдики, сўзнинг ички қурилиши икки қисмдан иборат: сўз ва сўз формасидан иборат бўлиб, улар мураккаб ички тузилишга эга. Сўз қурилишида иштирок этадиган элементларга: фонема, морфема, лексема ва семема киради. Сўз формаси элементларига: аллофон, алломорф, аллолекс ва мазмун тушунчаси киради.

Тилнинг ташқи кўриниши йўл-йўл чизиқча билан белгиланган бўлиб, харф ва товушларнинг орқама-кетинлигини таъминлайди.

Талбистада кўрсатилган фонема, морфема, лексема ва семемани чиз-чиз бириктириш тушунчада йиғилиб бир бутун сўзни ташкил этади. Сўз формаси шаклланишида бу муносабат аллофон+алломорф+аллолекс+маъно кўринишида бўлади. Бу муносабат бир бутун сўз формасини ташкил этади. Бу икки муносабат тилшуносликда тил бирликларини муносабати дейилади.

Сўз ва сўз формаси ўртасидаги муносабат парадигматик муносабат дейилади. Бунда (таблистада) фон+аллофон, мор+алломорф, лексема+аллолекс, семема+маъно муносабати кузатилади. Бунга турланиш, тусланиш мисол бўлади.

Алломорф – морфларнинг синоним шакли (га, қа, ка), (и, ў, я, а).

Аллофон – ёзилиши ҳар хил талаффузи бир хил (тўн - тон).

Аллолекс – лексеманинг семантик хилма-хиллиги. Масалан: картофиль – картошка, рўмол – ўрўмол, аудитория (ўқув) – аудитория (ишхона), супурги – ишпирги.

Сўзнинг лексик маъноси учта асосий муносабатдан ташкил топади.

1) Сўз ташқи атроф муҳитга муносабати.

2) Ички дунёга муносабати. Масалан: одамни ўзининг уй-хаёли, ҳис-туйғуси, хоҳиши, ифодаси.

3) Бошқа сўзлар билан муносабати.

Биринчи иккита муносабат сўзнинг ядросини ташкил этади, яъни сўзнинг денотатив ва сингникатив муносабатини.

Тилшуносликда сўзнинг маъноси сигнификат, сўз англатаётган ҳодисани денотат деб юритилади.

Бу бирлик, яъни шакл, ҳодиса ва мазмун номинатив (муносабат) вазифасини бажаради.

ҚАТЛАМЛАРИ

Лексик маъно турлари 4 хил бўлади.

Аташ маъноси

Кўрсатиш маъноси

Тўғри маъно

Кўчма маъно: Полисемия (маънодошлик), метафора, метонимия, синекдоха, табу ва эвфемизмлар.

Лексикология бўлимлари

- 1) Этимология – сўз ва шеваларнинг келиб чиқиши.
- 2) Лексикография – луғат тузиш масалалари, янги сўзлар неологизмлар, архаизмлар, тарихий сўзлар.
- 3) Ономастика – атоқли отлар билан шуғулланади.

Бўлимлари:

- 1) Топонимика – геог. ном. Ичига;
 - а) гидронимлар – сув ҳавзалари;
 - б) ойнонимлар – шаҳар ва қишлоқ номлари;
 - в) оронимлар – тоғ ва чўллар (рельф жойлар);
 - г) астронимлар – осмон билан боғлиқ номлар (Марс, қуёш).
- 2) Антропонимика – инсон номлари, лақаблари, тахаллуси тарихи билан шуғулланади. фамилия, отчества.
- 3) Ономасиология – ва ҳодисаларга ном бериш билан шуғулланади.
- 4) Семасиология – тил бирликларини маъно жиҳатдан ўрганади. Сўз шакли ва маъноси ўртасидаги муносабатни таъминлайди. Ғишт, хамир.
- 5) Фразеология – мақол, матал, топишмоқ, тарихий сўзлар, архаизм, неологизмлар.
- 6) Сўз яшаш – аффиксал, инфиксал, 2 сўздан, конверсия орқали (сўз туркумлари алмашинуви) от - феълга, феъл – отга.
- 7) Кибертил – виртуал тил, кенг тарқалган, кенг ёшлар оммасига мансуб, смайликлар.

Сўзлар лексик ва семантик гуруҳланиши ёки шакл ва маъно муносабатига кўра турлари.

Антоним, омоним, синоним.

Мофемика ва сўзларнинг ясалиши

Мофемика – тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, морфемалар системасини ва уларнинг сўз таркибида ишлатилиш қонун-қоидаларини ўрганади. “Морфемика” термини билан тилнинг морфем қурилиш ҳоли белгиланади.

Морфемамика – морфологиянинг сосий бўлими бўлиб, тилнинг морфемик қурилишини, сўз таркибидаги морфемалар йиғиндисини ва уларнинг турларини морфемалар қурилишини, уларнинг бир-бири билан муносабатини ва сўз билан муносабатга киришиш қонун-қоидаларини ўрганади. Бу бўлимнинг асосий ўрганадиган объекти морфема ва сўзнинг морфологик (қурилиши) тузилиши ҳисобланади.

Морфема икки томонлама ифодаланувчи тил бирлиги ҳисобланади. Чунки унда фонетик ва график форма, (яъни “план вўражения”) билан бирга маъно, мазмун формаси (план содержания) акс этади.

Тил тўрт ярус – фонетика-фонология, морфология, лексика ва синтаксисдан ташкил топади. Морфология ва синтаксис грамматика деб юритилади.

Тилни ярусларга ажратишнинг асосий шартларидан бири, ҳар бир яруснинг ўз бирлигига эга бўлишидир.

Фонетик-фонологик яруснинг бирлиги *фон* ва *фонема* – маъно англатмайдиган бирлик.

Морфологиянинг бирлиги эса – нутқ фаолиятидаги энг кичик маъно англатувчи элементдир.

Нутқдаги кўриниши – морф.

Тилдаги кўриниши – морфема.

Иш + чи, тил + чи, пахта + зор – 2 та маънодор бўлак.

Морфологияни – фонетикадан фарқи морфология *маънодор* бирлик, фонетика *маъно англатмайдиган* бирлик.

Морф ва морфема *икки томонлама*, фон ва фонема *бир томонлама* бирлик. Чунки морф ва морфеманинг *ифодаловчи*, *ифодаланувчи* томонлари бор.

Ифодаловчи – товуш ва товушлар бирикмаси ва харфларни ҳар бирини тушунализ.

Ифодаланувчи эшитилган товуш ва кўрилатган харфнинг англатадиган маъноси тушунилади.

Морфология – термини грек тилидан олинган бўлиб “morphē” – “форма” ва “logos” – “сўз, тушунча, ўқиш” деган маънони бирдиради.

Лингвистлар бу терминни XIX асрда биологлардан олишган. Биологлар бу терминни “хайвон формасини ўрганиш” деб ишлатишган. Бу термин кўп маъноли – яъни 1) тилнинг формологик қурилиши; 2) тил системасининг бир қисми; 3) грамматика бўлими; 4) тилшуносликнинг бир қисми; 5) грамматик birlikлар системаси; 6) сўзнинг грамматик қурилиши; 7) сўз формасининг тузилиши ва ўзгариши; 8) морфологик маъно каби изоҳларга эга.

Морфология – морф ва морфема.

Алломорф – алло – сўз олди кўшимчаси – префиксал морфема – “эма”нинг нутқдаги шаклланиши – фъни морф”ема”, фонема, лексема, семема, семантема сўзларнинг қурилиш бирлиги сифатида.

“Эма” – англ. “eme” – постфиксал морфема (суфикс) – мор, лексема сўзларида келади, бирлиги маъноларини англатади, алло – сўзига қарама-қарши.

Алломорфа – вариант, альпориант, турли кўриниш, морфеманинг аниқ манифестацияси. Бир хил маъно англатадиган, бир морфемага кирадиган, лекин турли формага эга. (друг – дружба - друзья).

Морфология – тилдаги грамматик категория қарама-қаршиликларини ҳисобга олган ҳолда: аглютинатив морфология, аналитик морфология, флектив морфология. Морфология – сўз ўзгариши, сўз ясалиши, сўз бирикмаси ясалиши бўйича.

Интерфикс – мураккаб сўзларни боғлаш учун ишлатилади. зубр-о-бизон, лоб-о-тряс, обст-е-бўк, каш-е-вар, вин-о-черний, кров-о-пийста.

Конфикс – икки иффикс кўшилмаси (комбинацияси). Префикс ва постфикс (немис тилида бон-loben-хвалить-ge-lob-t-хвалённўй) префикс - ge, постфикс – t.

Трансфикс – (древнеевропейский вавилон аккад) ўзакни ёриб кириш (ундош ўртасига кўшилиш).

Древнеевропейское – (гнобворовать)

ГНБ – ўғирлик – воровство – ГНОБ воровать.

ГаНаБ – воровал, ГоНэБ – воруоҳий.

ГаНуБ – воруемое.

Морфеманинг вариантлари уйрайди баъзан тилда, улар алломорфлар деб, уларнинг нутўда реаллашиши морфлар деб номланади.

Морфемалар мустақил ва боғланган (қарам) бўлиши мумкин. Мустақил морфемалар автоном сўзлар ҳуқуқига эга бўлиб, ўз формасини ҳамма сўз таркибида сақлаб қолади.

Масалан: труд – трудовой, труднўй, трудится, трудно, трудологик, ... ўз формасини ўзак морфема йўқотмайди. Қарам морфема ўзи қайси сўз билан боғланишига қараб ўзгариб кетади. Масалан: обувь-обуть, разуть.

Морфемалар икки асосий турга бўлинади, тилдаги вазифасига қараб 1) ўзак, 2) аффикслар (қўшимчалар). Улар 1) маъно ифодалаш характериға ва 2) сўздаги ўрни ва функсиясига кўра қарама-қарши ҳисобланади.

Морф ва морфемани бўғинлар билан аралаштирмаслик керак.

Биринчидан морф ва морфемаларни тилнинг морфологик яруси ўрганади.

Иккинчидан морф ва морфема ҳамма вақт бўғинга тўғри келавермайди.

Бўғинга мос келиши: дарсликлар, гул-чи-лар.

Мос келмайлик: кў-лим – кўл-им; кў-зим. кўча 1 морфема 2 бўғин.

отам, онам – о-там, о-нам.

Алломорф – бир морфемаға кирувчи морфларни шу формеманинг вариантлари ёки алломорфлари деб атаймиз. Улар турли формаға эға бўлади, лекин бир хил маъно англатади. (га, ка, қа) кўплик (и, ў, я, а) друг-дружба-друзья.

Омофон – дастлабки шаклида фрак қилиб, грамматик маъно олганда ўхшаб қолиши. кўй-кўй (кўймок) три-три (тереть).

Морфема турлари

Ўзак морфема ва аффиксал морфема.

Ўзак морфема: а) лексик маъно англатувчи: тоғ, қоғоз, одам. б) грамматик маъно англатувчи: мустақил лексик маъно англатмайди: кўмакчи, боғловчи, предлог, артикл, ёрдамчи феъллар.

Аффиксал морфемалар: 1) сўз ясовчи; 2) форма ясовчи.

1) сўз ясовчи аффиксал морфемалар: янги сўз ясайди. 2 хил бўлади: 1) тобе лексик морфемалар: ўзакка қўшилиб янги сўз ясайди: пахтазор, синфдош, ипсиз, сувчи.

2) Грамматик аффиксал морфемалар: ўзакка кўшилиб, уларнинг лексик маъносини ўзгартирмайди. 2 хил бўлади. 1) сўз ўзгартирувчи аффиксал морфема (сўз бирикиши ва гап бирикиши учун хизмат қилади, келишик, эгалик, род); 2) форма фсовчи грамматик аффиксал морфема (кўплик, сифат, равиш даражалари).

Аффиксал морфема ўзакка нисбатан жойлашиш нуқтаи назаридан куйидаги турларга бўлинади:

Умумий ҳолатига қараб ўзакка нисбатан аффиксларни яъни, грамматик маънога эга морфема, улар ўзаксиз, сўзсиз (йўқ) нарса, лотин тилидан (кўшилган ёпиштирилган). Префикс (ўзак олди кўшимча) ва постфикс (ўзакдан кейин келадиган кўшимча)га бўламиз.

Туркий тиллар (постфиксал) ҳисобланади. кўлларимга – кол-дор-ум-го (қирғиз).

Баъзи тиллар баъзи икючүненияга қараганда асосан префиксал ҳисобланади. Масалан: суахили тилида, Африка Шарқий: wa-ta-si-ro-ku-ja [ватасипокуджа] (Если они не придут. Улар келмаса нима бўлади?). wa – кўплик, ta – замон, si – отристание, ro – условность, ku – феъл, ja – корень (приходить).

Ҳинд-европа: рус тили ҳам постфиксал, ҳам префиксал: пред-став-и-тель-нўй. 1-префикс, 4-постфокс.

Постфикс – суффикс ва флексияга бўлинади. Суффикс – сўз ясовчи кўшимча, флексия – сўз ўзгартувчи, префикс 2 та рольни ўйнаши мумкин.

Суффикс – деривастион маънони постфикс деривастион маъно – бу нарсани аниқ, мустақил маъносини кўрсатиш, ўзакни чегаралаш ва аниқлаштириш, уни предметлигини кўрсатиш: стол (катта, кичкина); стол-ча, стол-га. Кичик стол.

Флексия – релястион маънони постфикс.

Лексемани (масалани столик, столчаларни бошқа гап бўлаклари билан алоқаси: столиками я довани. Столгачалар мени қониктирди.)

Сўзларнинг ясалиш турлари

1) Морфологик-синтактик ёки конверсия усули. Бир сўз туркумидан иккинчи сўз туркумига ўтиб қолиш: ванна – ванная, учитель-учительская, мороженое, спиртное.

2) Лексик-семантик – маъно ўзгариш орқали янги сўз ясалиши.

- 3) Лексик-синтактик – икки ёки ундан ортик сўздан янги сўз ҳосил бўлиши: сего+дня – сегодня, три+ста – триста, с+ума+сшедний – сумасшедний, гул+тож+хўроз – гултожхўроз.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 2008.
2. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1992.
3. А. Содиқов, А.Абдуазизов, Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1981.
4. А.А. Реформатский. Введение в языковедение. Москва, 2008.
5. Б.Н.Головин. Введение в языкознание. М., 1979.
6. В.И. Кодухов. Введение в языкознание. М., 1979.
7. В.И. Кодухов. Общее языкознание. М., 2009.
8. Л.Н.Чурилина. Актуальные проблемы современной лингвистики. М., 2009.
9. Н.С.Шарафутдинова. Теория и история лингвистической науки. М., 2007.

Таянч ибора ва тушунчалар (глоссарий)

1. Синтаксис.
2. Синтактик муносабат турлари.
3. Гап ва унинг турлари.
4. Воситали ва воситасиз тўлдирувчи.
5. Матн.
6. Эга ва кесим.
7. Тўлдирувчи.
8. Аниқловчи.
9. Ҳол.
10. Предикативлик.
11. Хукм.
12. Актуал бўлиниш.
13. Тема ва рема.

Мавзу бўйича йўналтирувчи саволлар

1. Гап бўлаклари ва сўз туркумлари орасида қандай боғлиқлик бор?
2. Гаплар қандай нуктаи назардан турларга ажратилади?
3. Катта ва кичик синтаксис қачон пайдо бўлган?
4. Синтаксис қандай масалалар билан шуғулланади?

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

1. Тема ва рема тилларда қандай воситалар билан ифода этилади?
2. Гапнинг актуал бўлиниши қандай муаммони ўз ичига олади?
3. Сўз бирикмаларининг турларини гапириб беринг ва уларга мисоллар келтиринг.
4. Тенг боғланиш деб қандай синтактик муносабатга айтилади?


ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-савол. Синтаксис бўлимининг ўрганиш объекти

1-илова

Синтаксис – грамматиканинг бир қисми бўлиб, унда камида икки мустақил сўзларнинг синтактик боғланиши ҳамда матнлар ўрганилади


2-илова




2-савол. Гап ва унинг турлари

3-илова

Гап – бир ёки бир неча сўздан ташкил топган, предикативлик хусусиятига ва оҳанг бутунлигига эга бўлган ҳамда нисбий тугал фикр англатадиган тилнинг мулоқот бирлигидир



3-савол. Гап бўлаклари




4-савол. Сўз бирикмалари


Сўз бирикмаси – бир бири билан синтактик жиҳатдан боғланган, биринчи даражали предикативлик муносабатига эга бўлмаган, икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлар қўшилмасидир

5-савол. Синтактик муносабат воситалари

7-илова




8-илова



6-савол. Гапнинг актуал бўлиниши

9-илова



Бир гап ёрдамида бир нечта ҳукми ифо қилиш мумкин. Гапнинг ҳар бир бўлаги ҳукмнинг субъекти темаси ёки предикати бўлиб келиши мумкин

6-МАЪРУЗА: ЁЗУВ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ. ЁЗУВНИНГ МАХСУС ТУРЛАРИ.

Режа:

1. Ёзувнинг пайдо бўлиши. Унинг тарихий турлари.
2. Графика.
3. Орфография. Имло қоидалари.
4. Ёзувнинг махсус турлари.

Мавзу бўйича таянч тушунчалар:

Ёзув, ёзувнинг тилга муносабати, ёзувнинг пайдо бўлиши, никтографик ёзув, логографик ёзув, хитой иероглификаси, миср миҳли хатлари, фоногрифик ёзув ва унинг турлари, алифбо, лотин алифбоси, кирилл ёзуви.

Ёзув инсониятнинг тараққиёти маҳсули. У азалдан кишиларнинг алоқа қилишлари, фикр алмашишларида муҳим рол ўйнаган. Шубҳасиз, ёзув инсониятнинг улуг кашфиёти, муваффақияти ҳисобланади. У оғзаки нутқ ва тилга ёрдамчи восита сифатида юзага келади.

Ёзув – муайян бир тилда қабул этилган ва кишилар ўртасидаги мулоқотга хизмат қиладиган ёзма белгилар ёки тасвирлар тизими. Ёзув кишилиқ жамияти маданий тараққиётнинг том маънодаги, башариятнинг узоқ ва мураккаб тадрижий тақомили жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан биридир. Ёзув оғзаки тилга нисбатан иккиламчи, қўшимча алоқа воситаси бўлса-да, унга қараганда кўп авфзалликларга эга. Хусусан, тилнинг асосий вазифаси – кишилар ўртасидаги алоқани таъминлашдир. Тилнинг коммуникатив вазифаси ёзувсиз амалга ошиши мумкин эмас. Тилнинг эстетик, гносиологик (билиш) каби асосий вазифаларини ҳам ёзувсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, тилнинг инсоният қўлга киритган тажриба-билимларини сақлаш ва авлодларга етказишдан иборат вазифаси бевосита ёзув орқали бажарилади. Товуш тили учун ноқулайлик туғдирувчи масофа ва вақт омили ёзувнинг бу борада устунлигини далиллайди. Бир лотинча мақол бор: “*Verba volant – scripta manent*” – “Сўзлар учиб кетади, лотинчаси эса қолади”.

Ёзув тилдан анча кейин пайдо бўлган. Товуш тили 400-500 минг йиллар илгари юзага келган, ёзув эса 4-5 минг йил олдин пайдо бўлган. Оғзаки нутқнинг замон ва макон нуқтайи назаридан чекланганлиги ва уни бартараф этиш зарурияти ёзувнинг пайдо бўлишига олиб келган. Оғзаки тил талаффуз вақтидагина ва айни пайтда муайян масофадаги (товуш тўлқинлари

етиб бориши мумкин бўлган) киши учунгина мавжуддир. Бошқа шароитларда тилга эҳтиёж пайдо бўлиши билан инсон даҳоси бу эҳтиёжни кондира олувчи воситаларни қидира бошлаган, натижада белгилар тизимидан иборат ёзув дунёга келган. Аслида, белгилар тизими сифатидаги ёзув пайдо бўлишидан олдин инсоне рамзий воситалардан кенг фойдаланган. Масалан, славян қабилаларида нон-туз - дўстлик рамзи, трубка - тинчлик, атиргул - севги рамзи ва ҳ.к. белгилар “буюмли ёзув” характериға эға эди. Фанда турли хил ёзув кўринишлари аниқланган ва ёзувнинг тадрижий тарихи исботлангандир.

Пиктографик (лат. *pictus* - чизмоқ), расмли ёзув дастлабки ёзув туридир. Пиктографик ёзув ибтидоий тасвирий санъат намунаси бўлиб, тошларға суякларға, ғор деворлариға ўйиб ишланган. Пиктографияда ҳаётий вазиятлар (ов, саёҳат), нарсалар (қайиқ, уй, ой, қуёш, ер), мавжудотлар (инсон, сигир, қўй) кабилар акс эттирилган эди. Ёзувнинг расм билан алоқадор ҳодиса эканлигини туркий тиллардаги битик (ёзув) сўзи таркибидаги бити – хитойча *би*: *мўйқалам* билан алоқадорлиги, шунингдек, славян тилларидаги *писать* (*pisatъ*) феълнинг ўзаги лат. “*pingere*” – *расм солмоқ* тушунчаси билан боғлиқлиги, готча *melian* (ёзмоқ) феълнинг дастлабки маъноси ҳам *мўйқаламда расм солмоқ* бўлиб, ҳозирги немис тилида “*malen*” – *расм чизмоқ* маъносида қўлланилиши тасдиқлаб турибди.

Б. Н. Головин пиктография ҳодисини шундай тушунтиради: “Пиктографик мактублар билан мулоқот қилмоқчи бўлган икки ҳозирзамон дўстларини тасаввур қилайлик. Улардан бири қоронғу осмондаги яримой тасвирини, чиқаётган қуёш, қайиқдаги одам, балиқ ва қармоқ расмини чизди. Кейингиси жавоб тариқасида ботаётган қуёш, қоронғу осмондаги яримой, паравоз ва уч вагон ва улар олдида одам ҳамда Москва Кремлнинг тасвирини берган. Шунингдек, вагонни қуёш билан боғлайдиган чизик (линия)ни ҳам кўрсатган. Демак, булардан биринчисининг мазмуни: “*Мен эртаға балиқ овига бораман*”. Иккинчиси эса: *Бугун кечқурун (оқшомда) мен поездда Москваға кетаман*”, - деган маъноларни англатади.¹ Дарҳақиқат, олим жуда тўғри тасаввур мулоҳаза келтиради. Ибтидоий тафаккур ва ёзувнинг табиатини шу каби кўринишларда кузатиш мумкин. Шу боисдан ҳам, расмли (пиктографик) ёзув дунёдаги мавжуд барча ёзувларнинг келиб чиқиши учун асос бўлган, деган фикрга келиш тўғридир.

Расмлар ёрдамида муайян фикр-ахборотни ифодалаш, юбориш мумкин эканлигини одамлар жуда қадимий даврларда англаб етганлар. Шунинг учун

¹ Головин Б.Н. Введение в языкознание. М., 1977. стр.: 232.

хам расмли ёзувнинг оғзаки тил билан боғлиқ бўлмаганлиги унинг турли тил вакиллари томонидан ҳам тушунилаверишини таъмин этган, аммо унда ифодаланган мазмуннинг турлича, ихтиёрий талқин этилишига йўл қўйилган, абстракт тушунчаларни бундай ёзув орқали ифодалаш деярли мумкин бўлмаган. Давлат тузуми ривожланиб, турли ёзишмаларга ва бу ёзишмаларнинг айна бир хил талқин қилинишига бўлган эҳтиёж кучайиб борган сари никтографик ёзувнинг ожиз томонлари кўпроқ кўзга ташлана бошлаган. Бу ҳол расмли ёзувнинг тараққиётига идеографик ва иероглифик ёзувнинг шаклланишига олиб келган.

Идеографик ёзув (грекча **idea** - тушунча), шунингдек, логографик ёки иероглифик деб ҳам аталади. Қадимга яхудий, шумер, хитой, астик ва майя кабилаларининг ёзуви идеографик намуналардир.

Идеограммалар, асосан, конкрет тушунчаларни ифодаловчи расм (пиктограмма)лар асосида шаклланди. Чунончи, яхудий ва шумер михли хатларида **тоғ** тушунчаси-орасидан водий ва жарлик ўтувчи икки тоғ тасвири орқали, **сув**-тўлқинларни эслатовчи тўлқинсимон чизик билан билдирилди. ҚУёш – тушунчаси шумер ёзувида хитой идеограммаси каби ичида нуқтали доира (О) шаклида ифодаланган. Идеограммаларнинг пиктограммалардан келиб чиққанлигини қадимги хитой ёзуви яққол кўрсатиб туради. Энг қадимги логографик ёзув тизимлари (миср иероглификаси, хитой иероглификаси шумер ва б.) мил. ав. 4-минг йилликнинг охиридан 2-минг йилликларнинг бошларигача бўлган даврда ўакланган . Ҳозирги кунга қадар энг турғун ва кенг тарқалган иероглифик ёзув хитой ёзувидир, бунга Хитой тарихи ва хитойча сўзларнинг бўғинли табиати омил бўлиб хизмат қилган. XV асрдаёқ инъ кабилалари ривожланган ёзув тизимига эга эдилар. Бироқ, давлат бўлиб бирлашиш ва иероглифларнинг систематизастияси (тизимга солиниши) Хитойнинг Син ва асосан Хан сулоалари даврида сиёсий марказлашуви давомида содир бўлди. Сюй Шен I-II асрларда “Шовенн стзести” (“Элементлар ва мураккаб белгилар ҳақида”) деган хитойча иероглифлар жадвалини яратди: бунда 10,5 минг иероглиф кўрсатилган.

Ёзувнинг кейинги тарақиёт босқичи **бўғин** ёзуви бўлиб, у **фонографик** ёзув турига киради, (мил.ав. 2-минг йилликларнинг ўрталарида пайдо бўлган). Бу ёзувда бўғинлар иероглифлардир. У ёки бу сўзни ёзишга тўғри келса, ана шу бўғинларни бир-бирига қўшиш усулидан фойдаланилади. Тилдаги сўзлар сонига қараганда бўғинлар сони анча кам, шунинг учун ҳам бўғин ёзуви логографик ёзувига нисбатан сезиларли даражада оз белгилар

тизими билан иш кўради. Масалан, девангари (ҳинд) ёзуви бўғин ёзувидир: улардаги ҳар бир ишора ундош товушларнинг **а** унлиси билан қўшиб талаффуз қилинишини кўрсатади, яъни **на, га, ша** ва ҳ.з. Агар бишқа унлини талаффуз қилиш зарур бўлса, унла ҳарфларнинг ё устига, ё тагига маълум белгилар қўйилади. девангаридида 50 та белги бор: 13 таси унли ва сўз ёки бўғин бошида келувчи дифтонгни, 33 таси бўғинни кўрсатади. 4 та ёрдамчи белги. Бўғин белгилари силлабограмма бейилади. Бу ёзувдан Шимолий Ҳиндистон хундулари фойдаланадилар. Араб, Миср, Эфиопия, Япон (кана), корейсча (кунмун) ёзувлари ҳам бўғин- ёзув турига киради.

Фонографик ёзув тизимини кейинги тараққиёти ҳарф-товуш ёзуви бўлиб, фанда инқилобий ҳодиса сифатида эътироф этилади. Бу йўналишдаги илк ёзув **финикий** ёзувидир. Биринчи марта соф товуш ёзуви, санокли ҳарфлардан иборат мукамал алфавитнинг юзага келиши жамиятдаги ёзувни биладиган кишилар доирасини кенгайтириб юборган. Бу жараён мил.ав. 9-асрдан бошланган. Ҳозирги кунда бизга маълум бўлган ҳарф-товуш тизимидаги ёзувларнинг бешдан тўрт қисмидан кўпроғи финикий ёзувдан келиб чиққан. Ҳарф-товуш тизими, ҳозирги, асосан 4 хил ёзув тизимидан иборат: лотин ёзуви (жаҳондаги 30 % аҳоли), славян – кирилитса (10%), араб ёзуви (10%), ҳинд ёзуви (20%).

Ўрта Осиёдаги халқлар, жумладан, ўзбек халқи турли ёзувлардан фойдаланиб келган. Бу ёзувлар авесто, паҳлавий, ўрхун-энасой (руник), туркий (уйғур), суғд, араб, кирилл, лотин ёзувларидир.

Ёзувнинг, хусусан ҳарф-товуш тизимининг такомиллашуви – алифбони юзага келтирди. Алифбо (араб алфавитининг бошланғич икки ҳарфи *fi* – *alif* ва *bo* номидан олиган)– бирор тилнинг ёзувига қабул қилинган ва маълум анъанавий тартиб берилган ёзув белгилари ёки бўғин белгилари (девангари) мажмуи бўлиб, мил.ав. 2000-йиллар охирида қадимги Уюрит ва финикий ёзуви товуш тизимидан келиб чиқан. Туркий халқларнинг руник ва туркий (уйғур) ёзувлари бўлган. Аммо бу ўзига хос туркий ёзувлар алифбоси ҳақида маълумот учрамайди. Уларга оид ҳарфлар жадвали товуш белгилари ҳақидаги бошқа манбалардаги маълумотлар ҳамда шу ёзув ёдгорликлари асосида тузилган. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларига туркий рун (ўрхун-энасой), уйғур ва қисман моний (моновий), брахмон, суғд ва сўрөний ёзувларида ёзилган обидалар киради. Рун ва уйғур ёзувлари туркий халқларга хос ёзувдир. Тошга ўйиб ёзилган рун ёзуви XIX аср охирида Мўғулистоннинг Ўрхун дарёси бўйидан топилиб, бу ёзувни дастлаб даниялик тилшунос В.Томсон ва рус турколог В.Радлов аниқлади. Ҳозирги

пайтгача ўрхун ёзувида ёзилган кўплаб тош, идиш, асбоб, тангалар, китоб, китоб варақлари ва айрим қоғозлар ҳам маълум. Талас ва Енисей обидаларидаги ёзув Ўрхун обидаларига нисбатан ҳарфларнинг, шаклий вариантларининг кўплиги билан фарқ қилади.

Уйғур ёзувида ёзилган асарларнинг ҳаммаси ҳам қадимги турк даврига оид эмас, чунки бу ёзув XVIII асргача қўлланди. Уйғур ёзувини Маҳмуд Қошғарий “турк ёзуви” деб атайди ҳамда бу ёзувда 18 та ҳарф борлигини ва туркий тилларда мавжуд бўлган 7 та товуш (п, ж (портловчи), ж (сирғалувчи), ф, ғ, нг, г) учун махсус ҳарфлар йўқлигини, унлиларнинг эса араб тилидагидек ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар билан ифодаланишини айтиб ўтади. Маҳмуд Қошғарий турк (уйғур) ҳарфларининг алоҳида ва қўшиб ёзилгандаги кўринишларини берган.

Ёзув тараққиётида грек ёзуви, лотин ёзуви ва кирилл ёзуви муайян шароитларда юзага келди. Греklar дастлаб консонант ёзувидан фодаланишган. Эрамиздан олдинги VII-VI асрларда вокал-товуш намуналари учрайди. Эрамизгача 403-йилда Эвклид томонидан Афинада мумтоз грек алифбоси киритилди. +адимги грек ёзуви 24 та ҳарфга эга (17 та ундош ва 7 та унли).

Грек ёзуви асосида латин алифбоси шаклланди. Шарқий грек ёзуви асосида эса кирилл, грузин ва арман алифболари яратилди. Лотин ёзуви /арбий Европада кенг тарқалди. XIV асрда қоғознинг пайдо бўлиши, китоб нашр қилишнинг кашф этилиши бу ёзувнинг кенг тарқалишида муҳим омил бўлди. +адимги лотин ёзувида 23 та ҳарф бор эди (товушлар 35 та бўлган: 16 та унли, 19 та ундош).

Словян алифбоси эса IX аср охири – X аср бошларида пайдо бўлди, чунончи, икки кўринишда қўлланила бошланди: глагалитса ва кириллитса.

Кирилл ёзуви жанубий (болгар, серб, македон) ва шарқий славянларга тарқалди. Бу алифболарнинг яратилиши Кирилл ва Мефодий (ака-укалар) номлари билан боғлиқ. Кирилл алифбосида 43 та ҳарф бор эди, товушлар эса 44 та: 11 та унли ва 33 та ундош. Кирилл ёзуви асосидаги замонавий рус алфавитида 33 та ҳарф, 43 та товуш: 6 та унли ва 37 та ундош мавжуд.

Аслида, ёзув ва тилнинг тараққиёти бир хил, бир-бири билан тўла мос келадиган жараён эмас. Тилдаги у ёки бу ўзгариш тадрижий равишда, аста-секин юз беради. Ёзув ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Одамлар, аниқроғи халқлар тил хусусиятларига янада мослаштириш учун ёзувга турли ўзгаришлар киритадилар, ислохотлар қиладилар, бир ёзув тизимини бошқаси билан алмаштирадилар. Масалан, ўзбек халқи асрлар давомида араб

алифбосидан фойдаланиб келган. Ўзбекистонда 1929-йилда лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтилган, 1940-йилдан эса кирилл ёзуви жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993-йил 2-сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга ва уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995-йил 6-майда ўзгаришлар киритадиган қонун қабул қилди. Бу ҳужжатга кўра лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар қўшилмасидан иборат.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ёзувнинг афзалликлари нимада?
2. Ёзувнинг илк кўриниши расмли ёзув бўлганлиги қандай манбаларда ўз аксини топган?
3. Пиктография – идеография – фонография - ёзувнинг тадрижий босқичлари сифатидаги тараққиётини изоҳлаб беринг.
4. Хитой ва ҳинд ёзувлари нима билан фарқланади?
5. Алифбо нима? Унинг жаҳонда қандай турлари бор?
6. Ўзбек ёзувлари тарихини сўзлаб беринг.


Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Т., “Ўқитувчи”, 1982.
2. Головин Б.Н. Введение в языкознание. М., «Ву́сшая школа», 1977.
3. Кодухов В.Н. Введение в языкознание. М., «Просвещение», 1987.
4. Реформатский А.А. Введение в языкознание. М., 1955.
5. Содиқов А. ва б. Тилшуносликка кириш. Т., “Ўқитувчи”, 1981.
Ўзбекистон миллий энциклопедияси Т., 2002. I-II жилдлар.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-савол: Ёзувнинг пайдо бўлиши

1-илова



Алфавит – бу бирор фонографик ёзувнинг тарихий жиҳатдан маълум тартиб асосида жойлаштирилган ҳарф ва белгилари системаси


2-савол: Графика

2-илова


Графика атамаси грек тилидаги graphikos сўзидан олинган бўлиб, ёзилган, ифодаланган деган маъноларни англатади. Бу ҳарфларнинг ёзилиш шакллари ва ҳарф билан товуш орасидаги муносабатни ўрганадиган фандир

3-савол: Орфография

3-илова




4-илова



4-савол: Ёзувнинг махсус турлари

5-илова



7-МАЪРУЗА: ТИЛЛАР ТАСНИФИ. ТИЛШУНОСЛИКДА ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД. ТИЛЛАРНИНГ ГЕНЕОЛОГИК ВА ТИПОЛОГИК ТАСНИФИ.

Режа:

1. Тилларнинг типологик таснифи
2. Тилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг шаклланиши
3. Генеологик типология асосида тилларнинг гуруҳланиши
4. Морфологик типология
5. Ареал тасниф
6. Функционал тасниф

Типология

Типология бир томондан, тилларни тасниф қилишнинг умумий назариялари, қонун-қоидалари ва усулларини ўз ичига олса, иккинчи томондан у тил системаси бирликларини умумий белгиси, хусусияти асосида тасниф қилиш билан шуғулланади. (Тил системаси). Лингвистик типология тил системаси ва структураси қонун-қоидаларига таянган ҳолда тилнинг умумий ва ўзага хос категорияларини ўрганади. Тилшунослик тарихида типология қиёсланаётган тиллар таҳлили ва тадқиқида ўз вазифасини, фаолиятини диалектик фалсафанинг методологик асос бўлиб хизмат қилувчи муҳим категорияларининг бири умумийлик ва хусусийлик категориясига кўра иш олиб боради. Шу жараёнда тилларнинг систем-структур табиатига хос жиҳатлар, алоҳидаликлар, махсусликлар аниқланади.

Тил системаси бу лингвистик бирликлар ва уларнинг жамият талабига – коммуникатив жараёнга мос ҳолда ўзаро боғланиши, мантиқий муносабатга киришиши учун хизмат қиладиган муайян қоидалар хазинасидир, имкониятдир. Тил бирликлари орасидаги боғланиш парадигматик, синтактик иерархик муносабатлар асосида юз беради.

Типология – грек (typos – шакл, намуна, logos - таълимот). Типология тилшуносликнинг муайян соҳаси сифатида тилларни типологик классификация қилиш билан шуғулланади.

Типология қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар доирасида иш кўради, бу тилларни қиёсий ўрганади, қиёсланаётган тилларнинг тузилишидаги ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлайди.

Лингвистик типология тилларни қиёслаб, улардаги умумийликни аниқлайди. Дунёдаги барча тиллардаги умумий хусусиятлар универсалия деб юритилади.

Масалан: сўзлардаги бир-кўп маънолик, унли ва ундош товушлар, омоним, синонимлар, урғу, замон, сўз туркумлари,.

Лингвистик типология фақат 1 тилга хос шахсий жиҳатларни ҳам ўрганади. Масалан: ўзбек тилидаги ў, қ, ғ, ҳ каби товушлар, ўзбек тилида унлининг асосий охириги бўғинга тушиши, рус тилида ҳар хил келиши, рус тилида урғунинг сўз ясаши ва ҳоказо. Рус тилидаги род ва вид категориялари. Лингвистик типология қиёсланаётган тилларни умумийлик ва хусусийлик категорияларига кўра иш олиб боради.

Ҳозирги кунда 2,500 дан зиёд тил тури мавжуд. 100 одам гапирса ҳам, юз млн.ли халқ гапирса ҳам (тил) ҳисобланади.

Тил ўрганадиган шахс, тилларда 2 жиҳатдан: 1) моддий ўхшашлик (биродар, brother, bruder, брат). 2) сўзларнинг грамматик тузилиши, негиз ясалишида, гапларнинг бир-бири билан боғланишида ўхшашлик борлигини билади.

Типология қиёслашни тақозо қилади. “Тил системаларини қиёсий ўрганишда умумий типологик метод ва тарихий-қиёсий метод мавжуд” – дейди Ж.Бўронов.

Тилларни-генетик (генеологик), морфологик ва структурал таснифлашга аҳамият берилади.

Умумий типологик метод – лингвистик типологияга – асос бўлади. Бу метод – тилларни, қиёслаб, умумлаштириб ўрганувчи метод. Структурал типология – тил структурасидаги умумийликни ўрганади, яъни тил қонунларининг умумлаштирилиши. Масалан: тилда суффикс бўлса, послелог ҳам бўладилар префикс + предлог, род категорияси + сон категорияси.

Тилшуносликда махсус типологик назария – деган термин бор. Бу назария-конкрет тилда – дескриптив, қардош тилларда – генетик методдан фойдаланиб, умумий типологияни методни яратади, тиллардаги универсалликни ифодалайди, типология учун махсус терминлар, атамалар яратади.

Метатил (эталон тил) – турли тил системасини классификация қилиш учун 1 та умумий система яратиш. Бу умумий универсал тил бўлиб – бошқа тиллар унинг инварианти ҳисобланади. Эталон тил вазифасини – сунъий тил, аниқ тил, тил системаси, рамзий тил, бажариши мумкин.

Қиёсий типология – тилларни генетик ва морфологик классификациясини ўрганади. Генетик классификация тилларни қариндош ва қариндош бўлмаган тилларга ажратади. Тарқалиш манбасига қараб оилаларга бўлади. 20 дан ортиқ оила, энг каттаси ҳинд-европа тиллари оиласи, туркий тиллар оиласи, фин-угор тиллар оиласи, сом-хом тиллари оиласи, кавказ тиллари, хитой тибет тиллари.

Морфологик типология: тилларни грамматик тузилишига қараб ажратади: флектив, агглютинатив, ўзак тиллар, мужассамлаштирувчи (полисинтетик) рус тили – флектив, ўзбек – агглютинатив:

(қорақалпоқ-лик-лар-ни-ки-дан-ми-сиз-лар)

Генеологическая классификация языков.

Тилларнинг қариндошлиги ва тарихий-қиёсий метод.

Генеологик классификацияга асос қилиб ҳинд-европа тиллари қиёсий-тарихий метод асосида олинган, Генетик классификациянинг тасдиқланишида Бопп, Востоков, Август Шлейхер ва Дист катта роль ўйнашган. Улар “индоевропейстика”га асос солишган. Ҳинд-европа тиллари классификациядан кейин бошқа тил оилалари дунёга келган. Масалан: Сом-Хом тиллари – асосчилари (Г.Бенорей, Фр. Мюллер, М.Коэн), Фин-угор тиллари асосчилари: М.А.Кастрен, Й.Буденст) турк тиллари: Ф.Е.Корш, В.Радлов, Ф.Катанов, В.А.Богородисткий, кавказ тиллари – асосчилари А.С.Тагарели, П.К.Услар, А.Дирр).

Қариндош тиллари деб, битта манбадан ҳосил бўлган, фонетик ўхшашлик, умумий ўзак ва қўшимчалар топилган тилларга айтилади. Қариндош тиллар бу аниқ (қонун) мукамал тўлиқ қонун эмас, балки тил қонуниятларига нисбатан битта тилга асос қилиб исботланган.

Тилларнинг генетик тақсимланиши баъзи бир далилларга асосан тарихий-қиёсий методга таянади. Ҳозирги кунда қариндош тилларнинг бир-биридан қанчалик узоқлашиб ва ўзгариб кетганлиги учун уларни генетик қариндошлигини топиш учун, қадимий тил товушлари ва формаларни топишга тўғри келаяпти.

Қадимги адабиётлар ёрдамида олимлар шуни исботладикки, тиллар орасидаги қариндошлик яқин ва ўзоқ бўлиши мумкин.

Оила деб – қариндош бўлган барча тиллар тўпламига айтилади. Тил оилаларидан биз – ҳинд-европа, туркий, фин-угор, сом-хом, кавказ, хитой-тибет тиллари оиласи ўрганилади.

Лекин тилларни бу каби оилаларга тақсимланишидан ташқари, шу оилалар ичида ҳам баъзи бир ўхшашликлар учраб қолиши мумкин.

Масалан: ҳинд-европа ва сом-хом оилалари орасида бир хил ўзақли сўз топилган булар олимларни иккиланишга олиб келишган.

Масалан турк ва фин-угор тиллари оиласида ҳам (асосан урал-алтай тилларида) ўхшаш ўзақлар бор деб айтилади.

Оила ичидаги гуруҳларга янада яқинликка қараб ажратиш ёки тил гуруҳлари қариндош тилларнинг тил шохлари (новлари) деб аталади. Тиллардагибу гуруҳлар тилларни бирлаштиради, тиллар ўртасида катта моддий яқинликни тасдиқлайди.

Агар тил гуруҳлари 2 ёки ундан ортиқ бўлса, булар яна гуруҳчаларга бўлинади.

Тилларни типологик таснифи

Тилшуносликнинг асосий масаласи тилни системалаштириш, яъни уларни лингвистик типологиясини ишлаб чиқиш.

Тилшуносликда асосий 4 классификация бор: 1) ареал (географик; 2) генеалогик (генетик); 3) типологик; 4) функционал. Булардан генетик классификация энг кўп тармоқли, чунки у ўз ичига деярли ҳамма тилларни камраб олади.

Ареал классификация: дунё тиллари картасини ўрганади, ҳамма мамлакатларнинг тил характеристикасини ва тил гуруҳларини қаерда, қандай тарқалишини ўрганади. Масалан: Ўзбекистонда 100 дан ортиқ тил бор, қайсилар кўп, кам тарқаган, халқи кўп, кам. Кўп тарқаган: ҳинд-европа, турк, кавказ, болтиқ.

Функционал классификация – кўп тармоқли 3 жиҳатни ўз ичига олади: 1) тил ва халқ орасидаги аолқа. 2) тилни жамистда бажарадиган вазифалари. 3) ўзининг этик жойидан ташқарида, тилнинг тарқалиши.

Тил ва нутқ ўртасидаги боғлиқлик тилнинг учта ижтимоий шаклига ажралади: 1) маҳаллий, 2) халқ тили; 3) миллат тили. Масалан уй тасавури ўзбек, рус, қозоқ, чуқча. Студент нарисует.

Тилларнинг генеологик классификацияси

XIX асрнинг 50-60 йилларида Август Шлейхер тилшунос, В. фон Гумбольдтнинг шогирди тилларни классификацияси билан шуғуллана бошлади. Зоология билан ҳам шуғулланди. Дарвин теорияси тилшуносликка хос одам сингари яшайди, қариса ўлади. Ҳаёт учун курашудиган жойда хашоротлар сингари, курашганлари тирик қолади.

Генеологик классификация асоси қилиб ҳинд-европа тиллари олинган. Яъни – индоевропейстика. Ҳинд-европа тилларидан кейин, унга Ф.Бопп, А.Х.Востоков, Август Шлейхер, Ф.Дист асос солган. Кейин: сом-хом тиллари, фин-угор тиллари, турк тиллари оиласи, кавказ тиллари (иберийско-кавказские).

Олимлар қадимдан умумий ўзак, қўшимчалар, фонетик қурилишига қараб битта оқимдан (олимлар праязўк дейишади) ҳосил бўлган.

Генетик классификация фақат тарихий-қиёсий метод билан аниқлаш мумкин, ҳозир ўзгариб кетган. Чунки қариндошлик даражаси – яқин ва узоқ бўлади.

Яқин қариндош рус ва болгар тили узоқ қариндош: рус ва немис тили.

Тиллар оиласида типологик, ареал ва генетик классификация аралашиб кетади. Масалан: ҳинд-европа ва сом-хом тилларида умумий ўзак, негизлар топилган. Турк ва олтой тилларини – фин-угор тиллари билан урал-олтой тиллари деб юритишган.

Энг кўп тарқалган оила ҳинд-европа тиллари. Улар: славян, герман, роман, болтик, эрон, ҳинд. Улар Еврпанинг катта қисмида, Осиёда (Ҳиндистонда), Америкада, Австралияда, Африкада тарқалган. Ҳинд-Европа тилларини пайдо бўлиш тарихини “инд.яз. и. Инд-ст” катобида эрамиздан олдинги IV асрларда қабилалар бу тилда гаплашишган деб исботлаб беришган. Ҳинд-европа тиллари орасида тирик ва ўлик тиллар, ёзуви бор ва ёзуви йўқ тиллар бор.

Ўлик тиллар (ёзуви йўқ): полаб, скиф, галл, пруссия, акс, парфян тиллари.

Ўлик (ёзуви бор): санскрит, қадимги персид тили, поми, пехлеви, қадимги грек, лотин, визонтия (среднегреческий), қадимги славян (старославянский), гаттлар ёзуви.

XX асрда тохар ва хетт тиллари ёдгорликлари Шарқий Туркийтонда диний ва медистина китобларида ёзув топилган. VI-VII асрга тааллуқли деб аниқлашган.

Хет тили – энг қадимги письменнўй индоевропейский.

Замонавий ҳинд-европа тиллари ҳам письменнўй ва бесписьменнўй бўлиши мумкин. Улар 10 та гуруҳга бўлинади. (индийские, романские, германские, славянские, эрон, грек, кельт, болтик, армян, албон). Энг кўп тил ва одамлар ҳинд оиласида.

Ҳамма ҳинд-европа тилларини умумийлиги улар ҳаммаси флектив тиллар қаторига киради. Уларда умумий асос бор – умумий ўзак сўзлар, умумий аффикслар, товушларнинг ўзгаришларининг мослиги аниқланган.

Умумий ўзак сўзлар: мать, брат, овста, сердсте, писать, два, три и т.д.

Ўзбек тили XIV-XVI асрларда дунёга келди, қипчоқ ва ўғуз оиласи аниқлангандан кейин, эски ўзбек ёзувига асос солинди. А.Навоий асарлари ва Бобур мемуарлари мисол. 1927 йилгача ўзбеклар араб ал, 1928-1938 й. латин ёзуви, 1938 рус алфавити.

..... тилини адабий тил деб тан олинишига ва араб маданияти келиб чиқишига олиб келди. Бу тилда 7 асрнинг биринчи ярмида мусулмонларнинг илоҳий китоби Қуръон ёзилган. Християн динининг, яъни католик ва православ динига бўлиниши, стерковлар рим-католик ва грек-кравослав маданиятига ажралиб, 1) лотин, 2) славян.

Кейинчалик миллатлар пайдо бўлиши билан бу тиллар ўз мавқеини йўқотди. Лекин излари рус адабиётида (славянизмлар) чех адабиётида (латинизмлар) (Пушкин мактабида шу тиллар ўргатилган).

Мусулмонлар XIII-XIV асрларда Ҳиндистонни босиб олганда ҳинду ва урду тиллари пайдо бўлди. Бу тиллар эрон ва араб тилларини чатишувидан келиб чиққан, алфавит арабча (ҳиндуда девонагари алфавити ишлатилади).

Бу тилда қанча одам гаплашишига қараб тиллар кўчирмоқчи ва торирмоқчи тилларга бўлинади.

МОРФОЛОГИК ТИПОЛОГИЯ

Морфологик типология тилларни қариндошлик муносабатларидан қатъий назар грамматик тузилиши асосида турларга ажратади. Тилларнинг морфологик типологиясига бағишланган дастлабки илмий асар Германияда 1809 йилда Фридрих Шлегел томонидан яратилган. «Ҳиндларнинг тили ва донолиги ҳақида» деган асарида Ф. Шлегел тилларни флектив ва аффиксал тилларга ажратади. Унинг фикрича, тиллар пайдо бўлган кундан бошлаб, бу икки турдан бирига мансуб бўлади ва шундайлигича қолади. Шундай қилиб, тилдаги доимий содир бўлиб турувчи ўзгариш инкор этилади. Таснифга асос қилиб сўз ўзагидаги ўзгариш олинган. Ф. Шлегел гапда сўзлар муносабатга киришганда ўзакнинг ички тузилиши ўзгарадиган тилларни истикболли

ҳисоблаб, уларни флектив тиллар деб атаган, бу турга немис ва бошқа ҳинд – овропо тилларини киритган. Унинг фикрича, аффиксал тилларнинг ўзаклари ўзгармайди, грамматик форма эса аффиксларнинг тўғридан-тўғри қўшилиши туфайли ўзгаради. Бундай тилларни у «нуқсонли» тиллар деб атаб, уларга грамматик структураси туркий тилларникига ўхшаган тилларни киритган, қиёсланг:

Флектив тиллар	Аффиксал тиллар
шрайбе – шрийб	ёзаяпман – ёздим
лежу – лег	ётибман – ётдим

1818 йилда Ф. Шлегелнинг укаси Август Шлегел «Провансал тили ва адабиёти тўғрисида хотиралар» деган асарида тилларни флектив, аффиксал ва аморф тилларга ажратади.

У аморф тилларга хитой – тибет тилларини киритиб, уларнинг хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот берди, флектив тилларни эса синтетик флектив тиллар ва аналитик флектив тилларга ажратишни тавсия этди.

А. Шлегел ҳам тилларни мукамал ва мукамал бўлмаган тилларга ажратади. Кези келганда шуни қайд қилиш керакки, тилларнинг яхши – ёмони, мукамал ёки нуқсонлилиги бўлмайди. XIX ва ҳатто XX асрда яшаб ижод этган айрим немис ва америка олимлари миллат ва уларнинг тилларини камситувчи ана шундай фикрларни илгари суришган. Аслида барча миллат ва тиллар бир-бирига тенг, чунки тиллар ўз жамиятига тўла-тўқис хизмат қилади. Немис тили немис халқига қандай хизмат қилаётган бўлса, ўзбек, нанай тиллари ҳам ўз халқига айнан шундай хизмат қилмоқда. Барча тилларнинг вазифаси бир хил, яъни алоқа воситаси хизматини ўташдир.

Ака – ука Шлегеллардан кейин бу масала таниқли немис олими, тилшунослик фанининг асосчиларидан бири Вилгелм Фон Гумболдт томонидан ҳар томонлама кўриб чиқилди. «Тилдаги товуш ва ғоя формаларининг бир-бирига тўғри ва шиддат билан қовушиб кетиши, тиллардаги муносабатларнинг ифода этилиши, гапларнинг ясалиш услублари ва товуш формаларидан кўриниб туради», - дейди Гумболдт. Ана шуларни ҳисобга олиб, у тилларни флектив, агглютинатив, ажратувчи (аморф), мужассамлаштирувчи (полисинтетик) деб номланувчи тўрт турга ажратди.

Бу тасниф олдингиларидан бирмунча фарқ қилади. Гумболдт тилларнинг биринчи тури номини ўзгартирмай, «флектив» тарзида қолдириб, унга қўшимча тилларни киритди. Хусусан, бундай тилларга фақат ўзакда ўзгариш содир бўладиган тиллар эмас, балки баъзи аффиксал тиллар ҳам киришини

тушунтирди. Лекин бу аффикслар агглютинатив тиллардагилардан тубдан фарқ қилади.

Ака – ука Шлегеллар аффиксал деб атаган тиллар гуруҳини Гумболдт агглютинатив атамаси билан атади. Бу билан у аффиксал флектив тилларни аффиксал агглютинатив тиллардан фарқ қилишини назарда тутди.

Аморф тилларни у ажратувчи тиллар деб атади, чунки аморф сўзи формасиз деган маънони англатади. Хитой – тибет тиллари бошқа тиллар каби ўз формасига эга, лекин уларнинг грамматик формалари бошқа тиллардан фарқли ўлароқ сўз формаларини ўзгартириш йўли билан эмас, балки сўз тартиби ва оҳанг орқали ўзгаради.

В. Гумболдт мавжуд таснифга яна бир тиллар гуруҳини киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб, уни мужассамлантирувчи тиллар деб атайди.

Тиллардан нуқсон топишда В. Гумболдт ҳам четда қолгани йўқ. Унинг фикрича, тафаккурнинг ривожланишини таъминлай оладиган ва унинг ривожланишига «тўсиқ бўладиган» тиллар мавжуд. Биринчи турдаги тилларни у «қатъий тўғри формага эга бўлган тиллар» ва «иккинчисини қатъий тўғри формадан чекинувчи тиллар» деб атаб, биринчисига флектив тилларни, иккинчисига – агглютинатив, ажратувчи ва мужассамлаштирувчи тил турларини киритди. Аммо у ўз фикрини тасдиқлайдиган бирорта асосли далил топа олмади.

Юқорида келтирилган олимлардан ташқари тиллар таснифи билан Август Шлейхер, Ф. Мистели, Н.Финк, Ф. Ф. Фортунатов, Э. Сепир ва бошқа бир қанча тилшунослар ҳам шуғулланишган. Масалан, А. Шлейхер тилларни учга ажратиб (ўзак, агглютинатив ва флектив тиллар), ҳар бир тил ўз таракқиёт даврида ана шу уч босқични ўз бошидан ўтказади, деб тушунтиради.

Унинг фикрича, тиллар ўзак ҳолида туғилиб, вақт ўтиши билан баъзи ўзаклар ўз урғуларини йўқотади ва ёрдамчи сўзлар қаторидан ўрин олади; бу ёрдамчи сўзлар кейинчалик мустақил сўзларга боғланиб, аввал агглютинатив аффиксларга, кейинроқ эса флектив аффиксларга айланади. Умуман олганда тилларда мустақил сўзларни ёрдамчи сўзларга ва уларни ўз навбатида қўшимчаларга айланиш ҳодисаси учраб туради. Туркий тилларда бу ҳозир ҳам давом этмоқда, масалан, ўзбек тилидаги Мен студентман гапини олсак, ундаги шахс ва сон кўрсаткичининг бевосита мен олмошига алоқадорлиги, шу олмошдан келиб чиққанлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу гапимизга далил сифатида ҳозирги замон бошқирд ва тува тилларини келтириш мумкин: бу

тилларда кесимдаги шахс ва сон кўрсаткичини урғу олмаган кишилик олмошлари бажаради. Ўзбек тилида бу жараён бирмунча илгарилаб кетган, яъни -ман кўшимчага айланиб, кесимга кўшилиб ёзилади, лекин тува ва бошқирд тилларида бу кўрсаткич гарчи урғу олмаса ҳам, ўз мустақиллигини сақлаб, кесимга кўшилмай ёзилади. Келтирилган мисол туркий тиллар, Шлейхер айтганидек, уч босқични босиб ўтган, дейишга ҳеч қандай асос бўла олмайди. Туркий тилларнинг тарихида ўзак даври бўлганлигини исботлайдиган далил йўқ. Лекин айрим тилларда акс жараёни кузатиш мумкин. Масалан, бир вақтлар ички ва ташқи флексияга бой бўлган инглиз, франтсуз тиллари кейинчалик ўзларининг бу хусусиятларини йўқотиб, хитой, бирма тиллари каби гапда сўзларни бир-бирига боғлаш, синтактик муносабатларни ифодалашда қатъий сўз тартиби ва ёрдамчи сўзларни кенг ишлатадиган бўлди. Демак, Шлейхер яратган назария амалда тасдиқланмади. Таниқли рус олими Ф. Ф. Фортунатов тиллар типологияси мутлақ эмас, балки нисбий эканини таъкидлади. У мужассамлантирувчи тилларни типологик системадан четлатиб, тилларнинг тўртинчи тури сифатида флектив – агглютинатив тилларни кўшди ва унга семит тилларини киритди, чунки бу тилларда негиз флексиялари асосий грамматик восита ролини ўтайди. Бу тиллардаги ички флексияларнинг негизларга бўлган муносабати агглютинатив тиллардаги аффиксларнинг ўзак ва негизларга бўлган муносабати билан бир хилдир, дейди Ф. Ф. Фортунатов.

Америка тилшуноси Э. Сепир морфологик типологиянинг янги системасини яратишга уринди. У тилларни 15 дан ортиқ турга ажратди. Бу тасниф қатор камчиликлари туфайли кўпчиликка манзур бўлмади. Ҳозирги замон тилшунослигида В. Фон Гумболдт яратган морфологик типология кўпчилик томонидан эътироф этилиб, тилларни тўрт турга ажратиш анъанага айланган. Бу тасниф асосида Гумболдт системаси ётган бўлса ҳам, уни узоқ вақт сақланиб қолишига Гумболддан кейин яшаб ижод этган тилшунослар ўз ҳиссаларини кўшдилар. Энди тилларнинг ана шу тўрт асосий морфологик турини батафсил кўриб чиқамиз.

Флектив тиллар. Флектив тиллар типига Ҳинд-оврупа ва хом - сом тиллар оиласига мансуб бўлган тиллар киради. Бу тиллар синтетик флектив тиллар ва аналитик флектив тилларга ажратилади. Синтетик флектив тилларга немис, рус тилларга ўхшаган флексияларга бой тиллар киритилади. Нутқда сўзлар орасидаги синтактик муносабатлар асосан флексиялар асосида амалга оширилади. Аналитик флектив тилларда, гарчи флексиялар бўлса ҳам, уларнинг миқдори катта эмас, гапдаги сўзлар орасидаги синтактик муносабат

кўпроқ сўз тартиби ва ёрдамчи сўзлар воситасида амалга оширилади. Шунинг учун антик тилларда сўз тартиби катъий, ҳар бир гап бўлаги ўз ўрнида туриши шарт. Аналитик флектив тилларга инглиз, франсуз тиллари каби тиллар киритилади. Бу тилларда одатда гапнинг эгаси биринчи ўринда (кесимдан олдинги ўринда), кесим иккинчи ўринда (егадан кейинги ўринда), агар кесим ўтимли феъл билан ифодаланган бўлса, унда учинчи ўринда (кесимдан кейин) тўлдирувчи туради. Аниқловчининг ўрнини олдиндан белгилаб бўлмайди. У доимо от билан боғланган бўлади; аниқланмиш қаерда бўлса, аниқловчи ҳам шу ерда бўлади; у эга вазифасини бажараётган сўздан олдин ҳам, кўшма от кесимнинг от қисми вазифасида келган отдан олдин ҳам туриши мумкин. Ҳол эса маъносига кўра гапда турли ўринларни эгаллаб туриши мумкин. Шундай қилиб, сўз тартиби тўғрисида гап борганда эга, кесим ва тўлдирувчининг гапдаги ўрни назарда тутилади. Синтетик флектив тилларда сўз тартиби нисбатан эркин.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 2008.
2. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1992.
3. А. Содиқов, А.Абдуазизов, Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1981.
4. А.А. Реформатский. Введение в языковедение. Москва, 2008.
5. Б.Н.Головин. Введение в языкознание. М., 1979.
6. В.И. Кодухов. Введение в языкознание. М., 1979.
7. В.И. Кодухов. Общее языкознание. М., 2009.
8. Л.Н.Чурилина. Актуальные проблемы современной лингвистики. М., 2009.
9. Н.С.Шарафутдинова. Теория и история лингвистической науки. М., 2007.

Таянч ибора ва тушунчалар (глоссарий)

1. Типология универсалияси, структурал универсалия
2. Дедуктив метод, индуктив метод
3. Метатил, эталон тил
4. Генеологик, морфологик, ареал, функционал тасниф
5. Агглютинатив, флектив, ўзак ва полисинтетик тиллар
6. Қиёсий-тарихий метод
7. Тил оиласи, гуруҳи
8. Қариндош тиллар
9. Бобо тил

Мавзу бўйича йўналтирувчи саволлар

1. Дунёда нечта тил бор? Тилларнинг сонини узил-кесил айтиш мумкинми?
2. Тиллар типологиясининг қайси турларини биласиз?
3. Энг йирик тил оилалари қайсилар?
4. Ўзбек тилига қариндош бўлган тиллар қайсилар?

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

1. Дунёда нечта тил борлигини аниқлаш мумкинми? Нима учун?
2. Тилшунос олимларни тиллар типологияси ҳақидаги фикрларини тушунтириб беринг?
3. Тиллар типологиясини барча турларини мисоллар ёрдамида асослаб беринг?
4. Ҳозирги кунда мавжуд тил оилаларини ўлик ва тирик тилларни кўрсатган ҳолда айтиб беринг.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-савол. Тилларнинг типологик таснифи


1-илова

Тилларни генетик, морфологик ва структурал тасниф асосида турларга ажратиш тилшуносликда тиллар типологияси деб юритилади

Типологиянинг асосий масаласи – умумий типологик метод орқали тил тизимларини қиёсий ўрганиш

Лингвистик типологиянинг асоси бўлган структурал типология турли тилларнинг структурал белгиларини системага солади ва инвентарлаштиради

2-илова




3-илова

Структурал типология универсалияси – барча тиллар системаларига хос умумий лингвистик категориядир.

Махсус типологик назария – тиллар системаларини типологик тадқиқ қилиш усуллари ҳамда махсус қоида ва методларини яратиш.


2-савол. Қиёсий-тарихий метод

4-илова




3-савол. Генеологик типологиянинг асосида тилларнинг гуруҳланиши

5-илова



4-савол. Морфологик типологиянинг асосий вазифаси

6-илова



Ареал тасниф – тилларнинг ҳудудий бўлиниши, яъни дунёнинг лингвистик харитасини ўрганади

Функционал тасниф – тил билан унинг эгалари ўртасидаги муносабатга, тилнинг эгаллаган мавқеси ва бажараётган вазифасига асосланади.ини ўрганади

8-МАЪРУЗА: КОММУНИКАТИВ ТИЛШУНОСЛИК. **МАТН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ**

Режа:

1. Матн тилшунослиги тарихи
2. Матнни ташкил этувчи бирликлар
3. Матннинг таркиби
4. Матндаги синтактик боғланиш воситалари
5. Матн турлари

МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ

Қайд қилинганидек, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тилшунослик фанида бурилиш рўй берди. Тилшунослик бу вақтга келиб, тил бирликлари бўлмиш фонема, морфема, лексема (сўз), гапларни ўрганишни, гапдан каттароқ бирликларга боғлаб ўрганиш зарурлигини қайд этди. Уларни мазкур фанда синтактик бутунлик, хат боши, дискурс ва матн атамалари билан аташди. Синтактик бутунлик, хат боши, дискурс тушунчалари турли тилшунослар ишларида турлича таърифланса ҳам, биз уларни бирлаштириб, бир мавзу билан боғланган гап ёки гаплар йиғиндиси, деб умумлаштиришимиз мумкин.

Ҳозирги вақтда тилнинг энг катта бирлиги матн деб топилди. Шунини қайд этиш керакки, матнни бир бутун бирлик сифатида ўрганиш рус тилшунослари томонидан XX асрнинг 30-йилларида бошланган эди. Улар ўз асарларида матннинг ўзига хос хусусиятлари борлигини, тилнинг бошқа бирликларидан ўзининг майл хусусиятлари, шахс маъносини ифодалаши, матндаги шахс маъноси билан муаллиф шахси орасидаги боғлиқлик, узвийлик борлигини исботлашга кўп куч сарфлашди. Бошқа хорижий мамлакатлар олимлари бу масалага асосий эътиборни бирмунча кейинроқ қаратдилар.

МАТННИНГ ТАЪРИФИ ВА БИРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Матннинг таърифи масаласига келсак, ҳозирги кунда кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона қоида йўқ. Матннинг таърифи матн устида ишлаётган олимнинг тилшунослик соҳасининг қайси йўналишида (яъни фонетика-фонология, лексикология, синтаксис, семантика, генератив семантика ва ҳоказо) ишлашига боғлиқ. Масалан, А. Греймас матн (дискурс) гапларга бўлинадиган бутунлик бўлса-да, гапларни бир-бирига боғланиб келишининг натижаси эмас, деб таъкидлайди. Бундан матн бирламчи,

дастлаб матн яратилади, кейин эса таҳлилчилар уни ташкил этувчи бевосита иштирокчиларга ажратишади деган маъно келиб чиқади.

П. Гиро фикрича, матн ёпиқ ўзаро боғланган бирликлар бутунлиги, тузилиши бўлиб, бу бутунликни ташкил этувчи ишоралар стилистик таассуротни ифодалаш мақсадида бир-бири билан муносабатга киришиб, ягона тизимни ташкил қилади. Матн таърифи матнга хос хусусиятларни аниқлаш билан боғлиқ. Ҳозир матннинг ана шундай хусусиятларидан бир нечтаси аниқланган.

С. Тодоровнинг фикрича, ҳар қандай матн жараён бўлиб, синтактик ва семантик хусусиятларга эга. Матнларнинг аниқ гаплардан ташкил топиши – унинг жараён эканини тасдиқлайди. Матнни ташкил этувчи қисмлар орасидаги ўзаро боғланиш унинг синтактик хусусиятини ва, ниҳоят, матннинг мазмуни – унинг семантикасини белгилайди.

Н. Энквист ҳам матннинг уч лингвистик параметрини мавзу (Топис), фокус (Фосус) ва боғланиш (Линкаге)ни аниқлади. Мавзу – матннинг асосий мазмуни, фокус – матнни ташкил этувчи бирлик (сўз, сўз бирикмаси, гап ва ҳоказо), боғланиш эса матннинг ташкил этувчи қисмлари орасидаги боғланиш воситаларидир. Бу хусусиятлар фақат матнгагина эмас, балки бошқа тил бирликларига ҳам хосдир.

Нутқ фаолиятига кирувчи матнлар маълум система асосида тузилган, ўз мазмунига эга бўлган тугалланган маҳсулотдир. Уларнинг тузилиши, таркиби жамиятда учрайдиган матнларнинг бирортасининг мавҳум моделига асосланган бўлади. Матн тилшунослиги муносабати билан мазмун ва маъно атамаларини бир-биридан фарқлашга тўғри келади.

Матннинг мазмуни деганда мазкур матндан ўрин олган маълумот, ахборот тушунилади. Маъно деганда эса матн бирликлари (гап ва гапдан каттароқ, ягона синтактик бутунлик, хат боши)га хос ахборот тушунилади. Мазмун ифодаланаётган ахборотнинг узил-кесил яқунланганлигига боғлиқдир. Маъно эса тугал фикр англатса ҳам, фикрнинг давом этишини тақозо этади. Демак, гап ва матн ўртасидаги асосий фарқ ана шу масалада: яқунланганлик мутлақ, тугалланганлик эса нисбийдир.

Матн ўзига хос грамматик категорияларга эга: маълумот категорияси табиат, ҳодиса, иш-ҳаракат ва шу кабиларни ифода қилиш, улар юзасидан фикр юритишни англатади; интегратсия категорияси матн бирликлари орасидаги узвийлик, боғлиқлик, эргашиш каби муносабатларни кўрсатади; ретроспексия категорияси маълум қилинаётган воқеа ёки ҳодисани кетма-кет, изчил ҳикоя қилиш орқали амалга оширилади.

Матннинг бир бутун маҳсулотлигини таъминловчи категорияни интегратсия (лотинча интегратио – тўлатмоқ) деб аталди. Бу атама тизим (система) назариясида ҳам ишлатилиб, бир бутунликни ташкил этувчи айрим қисмлар орасидаги боғланишни билдиради. Интегратсия гап ва гапдан йирикроқ бўлган тил бирликлари англатган маъноларнинг нисбий мустақиллигини бартараф этиб, уларни матн мазмунининг бутунлигини таъминлашга жалб этади. Демак, интегратсия категорияси матннинг яқунланиши билан боғлиқ категория сифатида намоён бўлади.

И.Р.Галперин матннинг бирлиги масаласига тўхтаб, когезия ва интегратсия атамаларини бир-биридан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Когезия матн қисмлари орасидаги боғлиқликни грамматик, семантик ва лексик воситалар билан амалга оширишни англатади. Интегратсия эса матннинг бутунлигини таъминлаш мақсадида уларни бирлаштиришдир. Интегратсия когезия воситалари билан ёки ассотсиатив ва пресуппозитив муносабатлар билан амалга оширилиши мумкин. Демак когезия – мантикий категория, интегратсия эса психологик категориядир. Ана шу масалаларни кўриб чиқиб, матн нима деган саволга жавоб топиш мумкин.

Маълумки, матннинг асосий хусусиятларидан бири – унинг узил-кесил тугал фикр англатишидир. Матн баён қилингандан кейин тингловчида ким, қачон, қаерда, қандай каби кўшимча саволларга ўрин қолмайди. Ҳар қандай матн фикрлар йиғиндиси бўлиб, ўзаро узвий боғланган мулоҳазаларни ўз ичига олган бўлади. Матннинг чегарасини уни яратувчиси (яъни ёзувчи, баён қилувчи) белгилайди.

Матн ўз олдида кўйган амалий мақсадига кўра турларга бўлинади. Масалан, ёзма ва оғзаки матнлар. Улар ўз навбатида яна турларга ажратилади. Оғзаки матнларга диалог матнлар (суҳбатлар), фольклор, овозалар (миш-мишлар) киради. Матннинг турлари тўғрисида куйироқда батафсил тўхталамиз.

Матнларнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ўз таркиби ва мазмуни билан бошқалардан ажралиб туради. Фольклорнинг бир кўринишини ташкил қилувчи эртақ матнлари фикримизнинг далили бўлиши мумкин. Дунёдаги барча халқларнинг эртақлари ижобий кучларнинг салбий кучлар устидан ғалабаси билан яқунланади. Уларнинг таркибига келсак, бу ерда ҳам ўхшашлик бор. Масалан, ўзбек халқ эртақлари бор экан-у, йўқ экан деган гаплар билан бошланса, рус тилида жил-бўл, немис тилида в стародавние времена, жил-бўл на свете король, жил на опушке дремучего леса беднўй дровосек ... каби кириш сўз ва гаплар билан бошланади.

Ёзма матнлар туркумига кирувчи илмий матнлар мазкур масала тўғрисида аввал маълум бўлган фикрларни муҳокама қилиш билан бошланиб, камчиликлар очиб ташланади ва ниҳоят янги фикр баён қилиниб, унинг амалий қўлланилишига оид тавсиялар билан яқунланади.

МАТННИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ БИРЛИКЛАР

Матн тилшунослиги билан боғланган яна бир масала – унинг бирлиги, яъни матнни қандай бирликлар ташкил этиши муаммосидир. Бу масалага ўтишдан олдин тил бирлиги тушунчасининг ўзи нима, у қандай хусусиятларга эга бўлиши кераклигини аниқлаб олиш зарур.

Мавжуд фикрлар мажмуида тил бирликларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- қуйи ярус бирликлари юқори ярус бирликларининг ясалишида иштирок этиши керак;
- қуйи ярус бирлигида содир бўлган омонимик ҳодиса юқори ярусда ишлатилганда бартараф қилиниши лозим;
- нутқ ва тил кўринишларига эга бўлиши лозим;
- улар ҳамма тиллар учун бир хил – универсал бўлади.

Бу талабларнинг ҳаммасига жавоб бера оладиган тил бирлиги – гап-гапдир. Чунки, биринчидан, у ҳамма тиллар учун универсал бирлик, яъни ҳамма тилларда гап деб аталмиш тил бирлиги мавжуд; иккинчидан, нутқ жараёнида гап семантик нуқтаи назардан ўз дистрибутсиясига кўра кетма-кет, изчил содир бўлади; тузилиши ҳам кетма-кет намоён бўладиган қуйи ярус бирликларидан ташкил топган; учинчидан, бошқа тил бирликлари катори (фон-фонема, морф-морфема ва ҳоказо) нутқ ва тил кўринишларига эга бўлиши мумкин. Бу бир фикрни бир қанча йўллар билан ифода қилиш мумкин демакдир. Масалан: Бу ишни Алишер бажарди. Бу иш Алишер томонидан бажарилди.

Омонимия морфема ва сўзларда бўлганидек, гапларда ҳам учраб туради. Инглиз тилидаги Флйинг планес май бе дангероус гапи омоним гапдир, чунки унинг уч хил маъноси бор:

Учаётган самолётлар хавфли бўлиши мумкин. Самолётларнинг учиши хавфли бўлиши мумкин. Самолётларда учиш хавфли бўлиши мумкин.

Юқоридаги гап уч маънодан қайси бирида ишлатилган бўлиши аниқ вазият, матнга боғлиқ; узил-кесил маънони бу гап фақат матн таркибидагина кашф этиши мумкин. Ўзбек тилидаги Аминжонга тикилди деган гап ҳам юқоридаги гапга ўхшайди. Бу гап икки маънони англатади. Бу ўринда тикмоқ ва

тикилмоқ (қарамоқ) феълларининг шакллари нутқда бир-бирига тўғри келиб қолган. Гап қайси маънода ишлатилганлиги фақат вазиятда аниқланиши мумкин. Ва, ниҳоят, морфемалар фонемалардан, гаплар, сўз (лексема)лардан ташкил топганидек, матнлар гаплардан ташкил топади. Гапнинг матн бирлиги эканлигини шу тариқа тасдиқлаш мумкин.

МАТННИНГ ТАРКИБИ

Матн деб аталмиш тил бирлиги ифода қобиғи, мазмуни (семантикаси) ва грамматикасига ажратилади. Ифода қобиғи деганда, матнларнинг товушлардан ташкил топган бўлиши (ёзма матнда бу ҳарфлар ёрдамида ифода қилинади, оғзаки матнда эса бу эшитиш органлари орқали қабул қилинадиган товуш тўлқинларидир) ва маълум мелодик оҳанг тузилиши тушунилади.

Матннинг мазмуни деганда, ҳар қандай матн асосида ётган ахборот тушунилади. Матннинг назарда тутилган бу икки томони бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисини доимо тақозо қилади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Матн товушларнинг танланиши, товушларнинг миқдор кўрсаткичи, мусиқавий ифодаси, матннинг маъноси билан белгиланади.

Тилнинг энг йирик бирлиги бўлмиш матнда, табиий равишда унинг бошқа бирликлари маъно талабига кўра кетма-кетлик тамойили асосида намоён бўлади. Бу бирликлар фонетик, грамматик ва семантик дистрибутсия қоидаларига кўра бир-бири билан боғланади. Сўзлар, сўз бирикмалари ва гапларнинг тузилиши юқорида кўриб чиқилган. Бу ерда бизни матнни ташкил этувчи бирликларнинг, яъни гапларнинг бир-бири билан боғланадиган воситаларини аниқлаш, матннинг грамматикаси қизиқтиради. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, баъзи олимлар гап билан матн орасида яна бир поғона-хатбоши, синтактик бутунлик ёки дискурс деган бирликлар бор, деган фикрни ҳам илгари суришади. Биринчидан, бу масала узил-кесил ҳал этилмаганлиги ва, иккинчидан, матнни ташкил этувчи гапларни ўзаро боғланиш воситаларини аниқлашда улар (дискурс, хатбоши ва бошқалар)нинг аҳамияти йўқлиги сабабли, бу масалага тўхталиб ўтирмаймиз. Матннинг бутунлигини таъминлаб турган нарса унинг асосида ётган ғоядир. Буни биз макротема деб белгилашимиз мумкин. Макротемалар бир қанча микротемалардан ташкил топган бўлиб, бу микротемалар гаплар ёки уларнинг бирикмаси орқали ифода этилади. Микротемалар матннинг асосий ғояси орқали бир-бирига ўзаро боғланган бўлади. Мавзулар орасидаги

муносабат бир хил эмас. Олимларнинг фикрига қараганда, матнни ташкил этувчи бирликлар орасидаги боғланиш пресуппозитсия, имплицатсия каби муносабатлар орқали амалга оширилади. Бу тушунчалар ўзаро боғлиқдир. Бу ҳар бир янги гап олдинги гапни тўлдириб келади ва, ўз навбатида, янги гапнинг туғилишига замин тайёрлайди демакдир. Матндаги гаплар бир-бири билан шу залда занжирсимон боғланиб кетаверади. Мана шу ҳодиса пресуппозитсия ёки имплицатсия деб юритилади. Матндаги макротема иштирокчилари бўлмиш микротемалар фақат битта гап орқали ифодаланмай, балки гаплар бирикмаси, хатбошилар, бўлимлар орқали англашилиши мумкин. Демак микротемалар кичик, катта бўлиши мумкин, яъни макротема поғона- поғона бўлиб жойлашган турли катталиқдаги мавзулар йиғиндисидан ташкил топган бўлади. Матнни ташкил этувчилар орасидаги боғланиш тўғрисида гап борганда гапнинг актуал бўлинишини эсламай бўлмайди. Маълумки, бу назарияга биноан ҳар қандай гап икки қисм: биринчиси эски ахборот, иккинчиси эса янги ахборотдан ташкил топган бўлади. Тилшунослик фанида уларнинг биринчиси тема, иккинчиси рема деб юритилади. Янги гапнинг яратилишига сабаб бўлган нарса – ремани ифодалашдир. Одатда гап фақат ремадан ташкил топган бўлмайди, гапнинг таркибида тема ҳам ўз аксини топиши керак. Бунинг сабаби – мазкур гап ана шу тема орқали олдинги гап ёки гаплар билан боғланган бўлади, чунки тема аввал айтилган фикрнинг бир қисмини такрорлайди. Янги яратилган гапнинг ремаси кейинги гапда (ёки гапларда) тема бўлиб келади. Шундай қилиб, гаплардаги тема ва ремалар матннинг бутунлигини, боғланганлигини таъминлайди.

МАТНДАГИ СИНТАКТИК БОҒЛАНИШ ВОСИТАЛАРИ

Матндаги синтактик-семантик боғланиш асосида тема ва ремалар ётар экан, улар англатган маънолар қандай лексик-грамматик воситалар орқали ифода қилинишини ўргансак, матннинг синтактик боғланиш воситаларини аниқлаган бўламиз. Умумий тилшунослик нуқтаи назаридан рема қуйидаги воситалар ёрдамида ифодаланади:

- ноаниқ артикллар;
- сўз тартиби (инверсия);
- мантиқий урғу;
- юкламалар;
- баъзи синтактик конструкциялар.

Темани ифода қилувчи воситаларга:

- олмошлар (баъзи турлари);
- аниқ артикл;
- ўрин ва пайт маъноларини синсемантик равишда, яъни бир вақтнинг ўзида ифодаловчи сўзлар;
- баъзи кириш сўз ва иборалар;
- сўз ва гап тартиблари;
- матн ғояси билан узвий боғланган етакчи сўзларнинг қайта-қайта такрорланиши;
- синонимик қаторга кирувчи синонимлардан матннинг асосий ғоясига мос келадиганини танлаш;
- грамматик замонларнинг қўлланиши ва бошқалар киради.

Матннинг ғоявий бутунлигини таъминлаб турган турли лексик-грамматик воситаларнинг баъзиларини қуйидаги наср матни мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Ҳайвонлар бошқа муҳитга ўтказилса, ё ҳалок бўлишади, ё мослашиб кетишади. ... Одам ҳам не-не куйларга тушмайди. Лекин у мослашиб ҳам кетмайди, ўлмайди ҳам! У муҳитни ўзига мослайди (О.Матчон).

Келтирилган наср фалсафий мазмундаги асар бўлиб, матнга хос ҳамма хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. У тўрт гапдан ташкил топган бўлса ҳам, тугалланган фикрни, бир умумий ғояни ўзига қамраб олган. Биринчи гап - ҳайвонлар бошқа муҳитга ўтказилса, ё ҳалок бўлишади, ё мослашиб кетишади – матннинг кириш гапи бўлиб, гап нима тўғрисида боришини, дастлабки ахборотни ифодалайди. Бу гапдан кейин иккита бошқа гап кириш гапидан англашилган маънони кенгайтириб, очиб беради. Бу гаплар орасидаги маъно муносабатлари лексик ва грамматик воситалар орқали амалга оширилган. Иккинчи – Одам не-не куйларга тушмайди – гапи биринчи гап билан маъно томондан ҳамжиҳат, бирдамдир. Бу умумийлик муҳит тушунчаси билан боғланган (яъни одам ҳам турли муҳитга тушиб қолиши мумкин). Ана шу ҳамжиҳатлик, бирдамлик маъноси кўрилаётган гапда “ҳам” сўзи орқали ифодаланиб, у боғловчиларнинг бириктирувчи турига киради. Демак, бу вазиятда ҳам боғловчисининг танланиши тасодифий бўлмай, икки гап орасидаги маъно муносабатларининг талабига мос тушади.

Биринчи гап билан иккинчи гап орасида фарқ ҳам бор. Биринчи гап ҳайвонлар тўғрисида бўлса, иккинчиси – одамлар тўғрисида. Бу фарқ ёзувда (графикада) янги қатордан ёзиш - хат боши - билан ифодаланган. Демак, матнларда янги қаторга ўтиш сабабларидан бири субъектнинг ўзгаришидир.

Иккинчи гап кейинги икки гапга нисбатан сабаб маъноларини англаувчи гапдир. Ҳар қандай сабаб бирор оқибат билан боғланган. Учинчи ва тўртинчи гаплар оқибатни ифодалайди. Бу маънони англаувчи учинчи гап биринчи гапдан англашилган оқибатга зиддир, яъни у мослашиб ҳам кетмайди, ўлмайди ҳам. Бу зидлик мазкур гапда зидловчи боғловчи лекин ёрдамида ифодаланган. Шундай қилиб, учинчи гап иккинчи гапнинг оқибати сифатида иккинчи гап билан боғланган; ундан ташқари, учинчи гап биринчи гапнинг оқибатига зид бўлгани учун, унга қарама-қарши қилиб қўйилишининг сабаби биринчи гап билан ҳам боғлиқлигидир. Биринчи гап билан учинчи гапни бир-бирига боғлаб турган восита лекин боғловчисидир. Иккинчи билан учинчи гапларни ҳам боғлаб турган тил воситаси бор. Бу восита – у олмошидир. Бу олмош биринчи гапдаги одам сўзининг ўрнида туриб, иккала гапнинг субъекти бир эканлигини таъкидламоқда. Тўртинчи гап учинчи гап томонидан ниҳоясига етказилмаган оқибатнинг мантикий якунидир. Бу гапни олдинги гаплар билан боғлаб турган воситалардан бири яна субъектни ифодалаётган у олмошидир.

Таҳлил қилинаётган матннинг бутунлигини таъминловчи яна бир далил бор. Бу текст 27 сўздан ташкил топган. Лекин уларнинг тури 18; 9 сўз дастлабки 18 сўзнинг баъзиларини 2-3 марта қайтарилиши натижасидир. Бу ҳол кўрилаяётган масалага бевосита даҳлдор, чунки бир ғоя ифодаланаётганда бир хил сўзлар ёки маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган лексик бирликларнинг қўлланиши табиийдир.

Ҳар қандай матннинг яратилиши маълум амалий мақсадларни кўзда тутаяди. Ушбу матн инсон олий тафаккур эгаси эканлиги ва бунинг натижасида у шарт-шароитга кўникиши эмас, балки шарт-шароитни ўзига мослай олиши тўғрисидаги асардир.

Бу матнда юқорида қайд қилинган лексик-грамматик воситаларнинг кўпчилиги учрамайди. Шунинг учун уларнинг баъзиларини матнлардан ажратиб олинган бўлақларда кўрсатиш билан чегараланамиз.

One day a boy went down the road. He had two gold coins in his pocket. Soon the boy met a farmer with a basket in his hand. (Р.Стевенсон)

Бу инглиз тилида ёзилган матндан олинган парчадаги ажратиб кўрсатилган сўзларга аҳамият беринг. Биринчи, кириш гапда бой сўзи ноаниқ артикл билан киритилиши табиий. Чунки бу бола тўғрисида ҳали ҳеч нима маълум эмас. Кейинги гапда бу сўз ҳе кишилиқ олмоши билан алмаштирилди; бунинг сабабини биз ўзбек тилидан олинган мисолда ҳам кўрганмиз. Учинчи гапда бой сўзидан олдин тхе аниқ артикли турибди.

Бунинг сабаби бола сўзи олдинги гапларда икки марта тилга олинган, демак у ўқувчига таниш бўлганлигидир. Ана шу воситалар берилган уч гапни бир-бирига боғлаш учун бошқа воситалар билан биргаликда хизмат қилмоқда.

Матнларни ташкил этувчи гапларни бир-бирига боғлашда қуйидаги воситалар ҳам катта аҳамиятга эга: натижада, шундай қилиб, ниҳоят, айтилганидек, маълум бўлишича, шундан сўнг, эртасига, бир йил ўтгач ва бошқалар. Инглиз тилига ва унга ўхшаш баъзи тилларда грамматик замонлар мослашиб ишлатилади. Бу восита ҳам матндаги воқеаларнинг содир бўлиши тартибини ифодалайди ва натижада гапларни бир-бирига боғлашда грамматик восита бўлиб хизмат қилади. Масалан:

. . . Тхен Мр.Епперлй пуллед а оне-доллар билл фром ҳис поскет.

. . . И ҳад невер ет ҳад а оне-доллар билл оф мй оун.

(Р. Стевенсон)

Биринчи гапда иш-ҳаракат пуллед феъли билан, иккинчисида эса ҳад ҳад феъл шакли билан ифодаланган. Ҳад ҳад шакли англатаётган иш-ҳаракат биринчи гапдаги иш-ҳаракатдан олдин содир бўлганлигини билдиради.

Ҳозирги кунда умумий тилшунослик нуқтайи назаридан ҳамма воситалар аниқланганича йўқ. Бу масалада ҳали кўп илмий изланишлар олиб борилиши табиий.

МАТН ТУРЛАРИ

Матнлар яратилиши мақсадларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бу масала таниқли рус тилшуноси Ю.В.Рожественский томонидан атрофлича ёритилган. Матн тўртта катта гуруҳ: оғзаки, ёзма (қўлёзма), босма ва оммавий коммуникасияга ажратилади. Бу матнлар ўз навбатида бир қанча турларга ажралади.

Оғзаки матн монолог-диалог матн (суҳбат); овозалар (миш-мишлар); фолклор турларига бўлинади. Оғзаки матнларнинг биринчи тури бир марта нутқда содир бўлиб, одатда қайтарилмайди, натижада йўқ бўлиб кетади. Иккинчиси - қайтарилиши мумкин, лекин тингловчи одатда уни фақат бир марта қабул қилади; овоза матнларнинг умри қисқа бўлади. Учинчисига эртак, дostonлар киритилиб, улар доимо тилдан-тилга ўтиб юради, тингловчилар уларни қайта-қайта эшитишга тайёр, шунинг учун уларнинг умри боқийдир.

Ёзма (қўлёзма) матнлар тўрт хил бўлади: эпиграфик, сфрагистик, нумизматик, палеографик.

Эпиграфик матнларга турли-туман кўрсаткич-ёзма матнлар: Ўзбекистон Академик опера ва балет катта театри. Дам олиш уйи. Аэропорт кабилар киради.

Сфрагистик матнларга муҳрларга битилган матнлар киради. Маълумки, муҳр бир неча аср муқаддам пайдо бўлган, унинг ўзига хос тарихи мавжуд.

Нумизматик матнларга, пулларга битилган, пулларнинг қийматини кўрсатувчи сўзлар киради: Бир сўм, ўн тийин. Пять рублей. Оне диме ва бошқалар.

Палеографик матнлар кўлёзма матнларнинг асосий тури бўлиб, жамиятнинг маданий нормативларини белгилайди. Палеографик матнлар мактуб, хужжат ва ижодий асарларни камраб олади.

Мактуб одамлар ўртасидаги нутқ фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, асосан эркин фикр алмашишга асосланган; эркин фикр алмашиш ҳам мактуб битишининг ички тартибларига риоя қилишни тақозо этади.

Хужжатлар жамиятда одамларнинг юриш-туриш қоидаларини ўз ичига оладиган ёзма матндир. Агар мактубларни ёзиш ва ўқиш эркин бўлса, хужжатларнинг ўқилиши ва уларга амал қилиниши мажбурийдир. Бу матнларда яратувчи ва ижро этувчилар доимо таъкидланади. Мактубларни ёзувчи ва ўқувчи айрим-айрим шахслардир. Хужжатлар одатда жамоа томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, жамиятнинг барча аъзоларига ёки унинг бир қисмига тааллуқли бўлади.

Ижодий матнлар жамиятнинг яшаш нормаларини белгиламайди ва аниқ бажарувчиларни ҳам назарда тутмайди. Уларни ўқиш мажбурий эмас. Босма матн кўлёзма матнларнинг мукамал кўринишидир. Босма матнлар адабий ва илмий матнларга ажратилади.

Матнларнинг тўртинчи асосий тури – оммавий мулоқат воситасидир. Бу матнлар оммага етиб келишида махсус техник воситалар (радио, телевизор, кино жиҳозлари, компьютер) ёки алоқа бўлимлари бўлиши шарт. Бу матнларни эшитиш ёки ўқиш эркин бўлиб, у бошқа тур матнлардан содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни ифода қилиши билан фарқланади. Одатда бу матнлар бир марта эълон қилингандан кейин қайта тикланмайди, қайта тикланадиган бўлса, унга янги қўшимча ахборот қўшилиши зарур. Бу матнлар сўнгги янгиликларнигина оммага тақдим этади; унинг воситачилари (радио, телевизор, рўзнома, интернет, журнал ва бошқалар) маълум система асосида ишлайди. Бу система жамият аъзоларига маълум.

**Амалий дарсларда муҳокама қилиш ҳамда мустақил ишлаш
учун савол ва топшириқлар.**

1. Қандай тил бирлиги матн дейилади? Матн тилшунослиги қачон пайдо бўлган? Матн бошқа тил birlikларидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?
2. Матн тилшунослиги қандай масалаларни ўз ичига олади?
3. Матнни ташкил этувчи birlik нима? Тил birlikларига қандай талаблар қўйилади?
4. Матннинг уч таркибий қисми: ифода қобиғи; мазмуни ва грамматикасини тушунтириб беринг.
5. Матнни ташкил этувчи birlikларни бир-бири билан боғлаб турувчи воситаларга нималар киради? Гапнинг актуал бўлиниши деганда нимани тушунасиз ва бу масаланинг матн тилшунослигига қандай алоқаси бор? Тема ва рема атамаларини тушунтириб беринг. Келтирилган мисолларда матннинг бутунлигини таъминлайдиган воситалардан қайсилари учради? Матннинг бутунлигини таъминлаб турадиган воситалар ҳамма тилларда бир хил, универсал деса бўладими?
6. Матннинг қандай турларини биласиз? Уларнинг бир-биридан фарқи нимада ва уларнинг қайси тури ҳаётда кўпроқ учрайди?
7. Матнга оид қайси масала сизда қизиқиш уйғотди?
8. Импликация ёки пресуппозитсия нима?
9. Қуйидаги парчада гапларни бир-бирига боғлаб турган воситаларни топинг.
- Становится свежо, - сказала Ольга Ивановна и вздрогнула.
Рябовский окутал ее в свой плахь и сказал печально:
- Я чувствую себя в вашей власти. Я раб. Зачем вў сегодня так оборожительнў?
Он все время глядел на нее, не отрўваясь. И глаза его бўли страшнў, и она боялась взглянуть на нее. (А.П.Чехов).
10. Ўқинг. Ундаги макро ва микротемаларни аниқланг. Микротемаларни боғлаб турган воситаларни кўрсатинг. Бу матннинг қайси турига киради?

ДОРБОЗ

Булутларга ёндош, осмон остида,
Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.
Қиличнинг домидай арқон устида
Кўзларини юмиб, юрибди дорбоз.
Одамлар, одамлар, уни олқишланг.

Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам.

Биз-чи, э? ... баъзи бир кўзи очиклар

Еплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам.

А. Орипов

Гўрўғли олис сафарга кетаётган экан. Йўлда бир ғорга дуч келибди. Дам олмоқчи бўлиб кирган экан, бирдан унга девлар хужум қилиб қолишибди.

Гўрўғли девлар билан роса олишибди. Охири уларни енгиб, банди қилибди.

Девларга ҳавдак кўли атрофида ариқ қаздириб, чўлларга сув чиқарибди.

- Бува, девлар Гўрўғлини ҳечам енгаша олмабдими?

- Йўқ, ўғлим, енгаша олмаган. Гўрўғли ҳамиша одамларга яхшилик қилган.

Шунинг учун иши ўнгидан келаверган. Эл ёрлақанган одамдан ҳатто девлар ҳам кўрқашади.

- Бува, Нодир акам Гўрўғлига ўхшайдими?

- Ҳа, ўхшайди. Эл-юртига яхшилик қиладиган одамларнинг ҳаммаси Гўрўғлига ўхшайди.

- Катта бўлганимда мен ҳам одамларга кўп яхшилик қиламан-а, бува?

Е. Усмонов

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 2008.
2. М. Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1992.
3. А. Содиқов, А. Абдуазизов, Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1981.
4. А.А. Реформатский. Введение в языковедение. Москва, 2008.
5. Б.Н. Головин. Введение в языкознание. М., 1979.
6. В.И. Кодухов. Введение в языкознание. М., 1979.
7. В.И. Кодухов. Общее языкознание. М., 2009.
8. Л.Н. Чурилина. Актуальные проблемы современной лингвистики. М., 2009.
9. Н.С. Шарафутдинова. Теория и история лингвистической науки. М., 2007.

Таянч ибора ва тушунчалар (гlossарий)

1. Пресуппозиция ва импликация
2. Тема ва рема
3. Матн
4. Синтактик бутунлик
5. Эпиграфик
6. Сфрагистик
7. Нумизматик

8. Палеографик
9. Хат боши
10. Дискурс

Мавзу бўйича йўналтирувчи саволлар

1. Қандай тил бирлиги матн дейилади?
2. Матн тилшунослиги қачон пайдо бўлган?
3. Матн бошқа тил бирликларидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?
4. Матн тилшунослиги қандай масалаларни ўз ичига олади?
5. Импликация ёки прессуппозиция нима?

Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

1. Матннинг уч таркибий қисми: ифода қобиғи, мазмуни ва грамматикасини тушунтириб беринг.
2. Матннинг қандай турларига мисоллар келтиринг.
3. Матнни ташкил этувчи бирликларни бир-бири билан боғлаб турувчи воситаларга мисоллар келтиринг.
4. Турли тиллардаги матнларнинг синтактик боғланиш воситаларини солиштиринг.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР


1-савол. Матн тилшунослиги тарихи

1-илова

Ҳозирги вақтда тилнинг энг катта бирлиги матн деб топилди. Шунини қайд этиш керакки, матнни бир бутун бирлик сифатида ўрганиш рус тилшунослари томонидан XX аср 30-йилларида бошланган эди. Улар ўз асарларида матннинг ўзига хос хусусиятлари борлигини, тилнинг бошқа бирликларидан ўзининг майл хусусиятлари, шахс маъносини ифодалашини, матндаги шахс маъноси билан муаллиф шахси орасидаги боғлиқлик, узвийлик борлигини исботлашга кўп куч сарфлашди. Бошқа хорижий мамлакатлар олимлари бу масалага асосий эътиборини бирмунча кейинроқ қаратдилар


2-савол. Матнни ташкил этувчи бирликлар

2-илова



3-савол. Матннинг таркиби

3-илова



4-савол. Матндаги синтактик боғланиш воситалари

4-илова

Матндаги синтактик-семантик боғланиш асосида тема ва ремалар ётади.

Рема қуйидаги воситалар ёрдамида ифодаланади:


- ноаниқ артиклар;
- инверсия;
- мантиқий урғу;
- юкламалар;
- баъзи синтактик конструкциялар.

Тема ифода қилувчи воситаларга:

- олмошлар (баъзи турлари)
- аниқ артиклар;
- баъзи кириш сўз ва иборалар;
- сўз ва гап тартиблари

5-савол. Матн турлари

5-илова



9-МАЪРУЗА: ТИЛШУНОСЛИКНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ. ТИЛШУНОСЛИКДА ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР.

Режа:

1. Тилшуносликнинг физика, тарих, география, мантиқ, математика, маданиятшунослик фанлари билан боғлиқлиги
2. Состиолингвистика ва лингвопрагматика
3. Психолингвистик муаммолар
4. Констепт ва фрейм
5. Когнитив тилшунослик
6. Математик лингвистика

Тилшунослик тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тил ва тафаккур, тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар, тилнинг жамиятдаги ўрни, ички тузилиши – тилнинг таснифи, уни таҳлил қилиш усуллари ва шу каби масалаларни ўрганадиган фандир.

Тилни тилшуносликдан ташқари фалсафа, мантиқ каби бошқа фанлар ҳам ўрганади. Маълумки, тафаккурда дахлдор масалалар мантиқ илмининг мавзусидир. Шу туфайли мантиқчилар тафаккур қонуниятлари билан бирга, фикрнинг тилда акс этишини ўрганмасликлари мумкин эмас. Ундан ташқари, тил ва тафаккур бир-бири билан узвий боғланган, бири – иккинчисисиз яшай олмайдиган ҳодисадир, тафаккур тилда яшайди, ҳар қандай нутқ асосида эса тафаккур ётади. Мантиқ тилни ана шу йўналишда ўрганади.

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан боғлиқлиги туфайли тил сотсиологлар томонидан ҳам ўрганилади. Жамият тарихий тараққиёти жараёнида содир бўлган воқеа ва ҳодисалар тилда акс этмай қолмайди. Шунга кўра тарихчилар тил тарихига, тилшунослар эса ўз навбатида тарих фанига мурожаат қилмай иложлари йўқ. Демак, тилшунослар тилга оид масалаларни ҳал қилишда этнография, психология, антропология, математика, география, физика ва бошқа фанларга оид материаллар ва хулосалардан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, тил фақат тилшунослик эмас, балки бошқа фанлар учун ҳам ўрганиш соҳаси сифатида намоён бўлади. Бу соҳадан ҳар бир фан ўз мавзусини ажратиб олади. Ўрганиш соҳасини ажратиб олиш нуқтайи назаридан тилшуносликни икки турга: микролингвистика (кичик тилшунослик) ва макролингвистика (катта тилшунослик)ка ажратилади.

Микролингвистика тилнинг фақат ички, яъни фонетик, лексик ва грамматик тузилишини, макролингвистика эса тилни бошқа фанлар билан қўшиб ўрганади.

Макролингвистика тилнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёт қонунлари, тилнинг ижтимоий моҳиятини: унинг тафаккур билан муносабатини, тил ва бошқа сигнал системалари орасидаги ўхшашлик ва фарқларни, тилнинг тарқалиши - идиалект (шахсий шева), янги тил масалалари каби муаммоларни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда “тил нима ...?” деган саволга олимлар турлича жавоб берадилар. Хусусан, «Тил тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуидир» (Ф.де Соссюр).

«Тил – одам онгининг иштирокисиз, унинг ташқи дунёга нисбатан бўлган механик ҳаракатидир». «Тил фикрни ифода қилишга мўлжалланган, талаффуз қилинадиган, чегараланган товушлар мажмуидир» (Б.Гроссе). Бу фикрларнинг бирортаси, улар гарчи бир-бирини тўлдирса ҳам, тилнинг тўлиқ таърифи эмас, чунки улар тилнинг ижтимоий моҳиятини очиб беролмайди.

Олимлар тилнинг кишилик жамиятида тутган ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатиб, тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир деб таърифлайдилар. Тил якка-ю ягона алоқа воситаси эмас. Алоқа бошқа воситалар орқали ҳам ўрнатилиши мумкин.

Масалан: Морзе алфавити, имо-ишоралар, Африкада узок масофага ахборот бериш учун қўлланиладиган ноғора товушлари, Канар оролларида ишлатиладиган «Хуштак-тили» шулар жумласидандир.

Лекин бу воситалар тилга нисбатан ёрдамчи, иккинчи даражалидир. Тил ва бошқа алоқа воситалари орасида ўхшашлик ва фарқлар мавжуд. Бу воситаларни бир-бири билан бирлаштирадиган хусусиятлар қуйидагилар:

- фикр ва ҳиссиётларни ифодалайди;
- ижтимоий, чунки жамият томонидан яратилиб, унга хизмат қилади;
- моддий (товуш тўлқинлари, график чизмалар ва бошқа воситалар орқали амалга оширилади);
- обектив борлиқни акс эттиради.

Улар орасидаги фарқ эса қуйидагилар:

- тил фикр ва ҳиссиётларни ифода қилувчи восита. Инсон уни барча фаолиятида қўллайди. Бошқа алоқа воситаларининг ишлатилиш кўлами чекланган, масалан, кўча ҳаракати белгилари асосан ҳайдовчиларга хизмат қилади, бошқа ерда ишлатилмайди;

- тил куруқ ахборотнинг ўзинигина бир шахсдан иккинчи шахсга етказмасдан, балки гапирувчининг бу ахборотга муносабатини, унинг хоҳиш-истаги ва баҳоси, руҳий ҳолатини акс эттиради;
- тилдан бошқа барча сигнал системалари сунъийдир. Улар одамлар томонидан яратилади ва шароитга кўра ўзгартирилиши мумкин. Сунъий воситаларнинг яратилишида одамларнинг ҳаммаси эмас, балки мазкур соҳани яхши билувчи кичик бир гуруҳ иштирок этади. Тил эса одамларнинг истак-хоҳишларига боғлиқ бўлмайди, уни жамият а'золари ўз ихтиёрлари билан ўзгартира олмайди. Тил асрлар давомида жамиятга хизмат қилади, уларнинг эҳтиёжларини тўла-тўқис бажаради, гарчанд тил ўзгарувчан ҳодиса бўлса-да, у фақат ўзининг ички объектив қонунлари асосида ривожланади.

Шу билан бирга шуни ҳам қайд қилиш керакки, жамият бўлмаса, тил бўлмайди; жамият тилни кундалик ҳаётида қўлламаса, у (тил) ривожланмайди. Демак, тил ва жамият доимо бир-бирини тақозо этади. Бошқа сигнал тизимлари тилга нисбатан иккиламчи, унга қўшимча восита сифатида намоён бўлади, тилни тўлдиради.

Шундай қилиб, тил ўзига хос семиологик система (яъни ишоралар системаси) бўлиб, жамиятда асосий ва энг муҳим фикр алмашиш курали, жамият тафаккурининг ривожланишини таъминловчи, авлоддан авлодга маданий-тарихий мерос ва анъаналарни етказувчи восита хизматини ўтайди.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА

Социолингвистика ёки ижтимоий лингвистика тилшуносликнинг янги босқичи бўлиб, “тил ва жамият” мавзусининг ташкилий қисмидир. Социолингвистика фанлараро вужудга келган янги, мустақил йўналиш бўлиб, тилшунослик ва бир қатор фанлар: социология, ижтимоий психология, этнография каби ўзаро боғланган фанлар тутashi негизида вужудга келгандир. Ижтимоий тилшунослик бўйича бир қатор асарлар илмий тадқиқотлар яратилган. Социолингвистика муаммолари бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, тилшунослар ва социологларнинг халқаро анжуманларида, конференцияларида, симпозиумларида кенг муҳокама қилинмоқда. Бу йўналишга бўлган қизиқиш барчанинг диққатини ўзига тортмоқда. Бир томондан тил қурилиши ва тил сиёсати ўзига эътиборни жалб қилса, иккинчи томондан – тизимли лингвистиканинг ички қонун-қоидалари, ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлик жараёни тилшуносларнинг эътиборини ўзига тортмоқда.

Юқорида социолингвистиканинг бошқа соҳалар билан алоқаси тўғрисида сўз юритганимиздек, бу соҳа нафақат тилшуносларни, балки состиологлар, файласуфлар, психологлар, этнографлар ва шунга яқин мутахассисларда қизиқишни вужудга келтирмоқда.

Социолингвистикага бағишланган асарлар лингвистик ва ижтимоий фанлар ичида алоҳида ўрин эгаллайди ва салмоқлидир. Буларнинг бошида А.Д.Швейстер ва Л.Б.Никольскийларнинг “Социолингвистикага кириш” (М.Вўсшая школа, 1978), бу йўналишнинг илмий ва назарий нуқтаи назардан ишлаб чиққан олим Т.Белл ўзининг “Социолингвистика” (М.Международнѐе отношения, 1980) номли асарида батафсил таҳлил қилган. Социолингвистика соҳасида охирги пайтларда бир қатор йўналиш, тадқиқотлар, илмий асарлар ва ўқув қўлланмалари собиқ иттифоқ олимлари томонидан яратилган, булар: В.А.Аврориннинг “Проблемѐ изучения функциональной сторонѐ языка” (к вопросу о предмете состиолингвистики. Л. «Наука», 1975); А.Д.Швейстер “Современная социолингвистика”. Теория, проблемѐ, методѐ (М. Наука, 1976); Ю.Д.Дешериев. “Социальная лингвистика. К основам обхей теории” (М: Наука, 1977); «Социолингвистические исследования». Л.В.Крўсин, Д.Н.Шмелевлар тарҳири остида; В.Н. Ярстева ва М.М. Гухманлар таҳрири остидаги “Социальная и функциональная дифференстастия литературнѐх языков” (М, Наука, 1977) номли асар; М.И.Исаевнинг Социолингвистические проблемѐ языков народов СССР. (М., Вўсшая школа, 1982) ва бошқа асарлар чоп қилинди.

Ўзбек халқи азалдан бошқа миллат вакилларига ҳурмат ва эҳтиром билан қараган ва қараб келмоқда. Тарихда кўп ижтимоий ҳодисалар бўлиб ўтган. Ўзбек халқи II жаҳон уруши йилларида барча халқлар дўстлиги ва уларни умумватан бурчини, вазифасини бажаришга даъват этди.

Тилларнинг ўзаро алоқаси, таъсири ва бунинг натижасида кўп миллатли халқлар тилларининг тараққиѐти тўғрисида дунѐ олимлари кўп меҳнат қилганлар, булар: Г.Шухардт, А.Мейе, Л.В.Ҳчерба, Р.А.Будагов, Ю.Дешериев, М.И.Исаев, Е.Д.Поливанов, В.В.Решетов, Қ.Хоназаров ва бошқалар.

Тиллар ўртасидаги таъсир турли тарихий жараѐнларда турлича кечган. Тарихда миллатлар ва улар тилларининг бир-бирига таъсири турли минтакаларда турлича бўлган. Масалан, VII асрдан бошлаб Ўрта Осиѐнинг араблар томонидан босиб олиниши ва мусулмон динининг тарқалиши араб тилининг ўнлаб тилларга таъсири кучли бўлди. Араб тили бу минтакаларда мажбурий тил сифатида юритилган, чунки араб тили диний, илмий, таълим,

адабий тилга айланди. Шу пайтдан бошлаб турк ва форс тилларининг луғат таркиби қарийиб 30 % ни ташкил қилган. Ислон динини қабул қилган ўнлаб миллий халқлар араб ёзувини мажбурий қабул қилган. Бу жараён ҳозирги Ўзбекистон минтақасида жуда сезиларли ва чуқур из қолдирган. Араб тили лексикаси миллий тиллар лексикасини бойитди.

3. Тилшуносликнинг бу бўлимини барча тилларда «психоллингвистика» деб юритишади.

Ҳар бир фаннинг ўз предмети бўлганидек, психоллингвистиканинг ҳам ўзи ўрганадиган предмети бор. Психологик тилшунослик фанининг предметини 2 қисмга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳозиргача кўрилган тилга оид масалаларни психология нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш;

- соф психологик тилшунослик масалалари.

Ҳар қандай илмий ишда ўрганилаётган предметнинг мавҳум моделини яратмай кутилган натижаларга эришиш мумкин эмас. Тилшуносликда ҳам тил ва тил бирликларининг ўзига хос модели ишлаб чиқилган ва шу модел асосида иш юритилади. Тилшунослар яратган моделнинг психолог яратган тил моделига тўғри келиш-келмаслигини эътиборга олишмайди. Бу моделлар бир-биридан фарқ қилади. Чунки тилни психология нуқтайи назаридан ўрганаётган олимлар гапирувчининг нутқ фаолиятини ҳисобга олишлари лозим: нутқ фаолияти натижасида юзага келадиган матн маълум жараёни, системани ташкил қилади: яратилган матн жамиятнинг бошқа аъзоси (ёки аъзолари) томонидан қабул қилинади; қабул қилишнинг ўзи ҳам маълум жараёни, системани ташкил этади. Бу жараёнлар инсон психикаси, унинг онги билан узвий боғланган.

Тилшуносликни тайёр матн(лар) қизиқтиради. У бу маҳсулотни имкони борича тўлиқ, қар томонлама таҳлил қилиш йўлида унинг тахминий (фараз қилиш йўли билан) моделини чизади. Текшириш ниҳоясига этганда (нисбий ниҳоя назарда тутилади), тилшунос дастлабки моделга яна қайтиб, уни эришилган натижа билан қиёслайди; натижада уни (моделни) аввалги шаклида қолдириши мумкин ёки кўлидаги янги тадқиқий далиллар асосида дастлабки моделни тубдан ўзгартиши, ёхуд баъзи тузатишлар, ўзгартишлар киритиши мумкин.

Психолог тилшунослар модели ўзининг ўта мавҳумлиги билан тилшуносларникидан фарқ қилади. Чунки психолог тилшунослар инсон бош миёсида содир бўладиган нутқни яратиш жараёни ҳамда уни қабул қилиниш жараёнини ишлаб чиқишлари лозим. Демак, психолог тилшунослар

томонидан яратиладиган моделда ана шу бош миядаги матнни яратиш ва уни қабул қилиш тизими ўз аксини топиши керак. Бу моделларнинг тўғрилиги, ҳаётийлигининг бирдан-бир кўрсатгичи – улар ҳар жиҳатдан (фонетик, грамматик, лексик ва мантиқан) тўғри матнлар яратиши ва бу матнлар тингловчи томонидан тўғри, гапирувчи томонидан белгиланган, ифодаланган тарзда тушунилишидир. Тилшунослик билан психология чегарасидаги масаланинг тафсилотларига ўтишдан олдин энг мукамал моделлар ҳам гапирувчи ва тингловчининг онгида содир бўладиган жараёни ҳар томонлама ҳисобга олишдан ожизлигини айтиб ўтиш лозим. Инсоннинг бевосита назаридан яширинган бош миянинг бу фаолияти доимо илмий тахмин билан боғланган бўлиб, илму фан тараққиёти бу системани чуқурроқ ўрганилишига ёрдам беради, лекин уни тамомила билиб олиши имконини бермайди, чунки бош мия тизимининг изчил фаолиятини узил-кесил моделлаштиришнинг иложи йўқ. Агар, Л.Блумфилд айтганидек – тил инсоннинг ташқи муҳитга нисбатан бўлган механик реакцияси деб тушунилганда, нутқнинг содир бўлиш жараёнини моделга тушириш бирмунча энгиллашарди. Лекин бу «механик реакция» фақат нутқнинг туғилиши ва унинг зикр қилиниш занжирининг бир кичик ҳалқасидир. Мавҳум тафаккур эгаси бўлмиш инсонда яна хотира деган бир нарса борки, у нутқнинг пайдо бўлиши ва тушунилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Инсон туғилганидан то вояга этгунча кўрган, эшитган, хис қилган нарса-ҳодисаларни хотирасида сақлаш хусусиятига эга. Зарурият туғилганда у ўзининг бу битмас-туганмас манбаидан кенг фойдаланади. Қисқа қилиб айтганда, хотира – инсоннинг ҳаёт тажрибасидир, унинг ҳаёт тажрибаси тўғри нутқий матнларни барпо қилишда ва уни идрок этишда инсонга бебаҳо дурдона сифатида хизмат қилади. Хотира мавжудлиги туфайли инсонлар баъзи воқеа ва ҳодисаларнинг натижасидан, у қандай қилиб содир бўлганини тасаввур қилишлари мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш керак-ки, инсон ҳамма вақт ҳам бўлиб ўтган воқеаларнинг тафсилоти билан қизиқиб ўтирмайди; киши ҳаётида кўп воқеалар қайтарилиши табиийдир. Улар одам онгида, унинг хотирасида ўз инъикосини сақлаб қолади. Фанда бундай ҳодисани эвристика деб юритишади. Демак эвристика – бу инсон хотирасида сақланадиган ҳаёт тажрибалари асосида бизни ўраб турган муҳитда рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларга баҳо бериш ва уларга нисбатан хоҳ жисмоний, хоҳ ақлий (руҳий) жавобдир. Мантиқда эвристикага акс услуб сифатида алгоритмлар намоён бўлади. Алгоритмлар кунт билан амалга ошириладиган мантиқий жараён бўлиб, унинг ёрдамида одамлар воқеа ва

ходисаларни кетма-кет, изчиллик билан тадқиқотлар ёрдамида ўрганишади. Бу йўл одамдан кўп куч ва вақтни талаб қилади. Унинг натижаси сарфланган меҳнатни одатда оқлайди, у аниқ, ишончли бўлади. Эвристикага асосланган хулоса кўпинча юзаки тахминий, ноаниқ бўлади. Одам кундалик ҳаётида кучни ва вақтни тежаш принтсипига амал қилади. Шунинг натижаси бўлса керак, у кўпроқ эвристикага мурожаат қилади ва баъзи хатоликларга йўл қўяди.

Евристик ва алгоритмик услублар биз кўраётган масалага бевосита алоқадор. Тилшунослик томонидан ишлаб чиқилган моделлар ўз хусусиятлари билан алгоритмик моделлардир, чунки улар одамнинг гапириш, нутқий фаолиятини кўзда тутуди. Психолингвистик моделлар эса, ўз моҳияти билан эвристикдир, чунки психолингвистика инсоннинг нутқ фаолиятини унинг бошқа ақлий ва руҳий қобилиятлари билан бир қаторда ўрганади.

Психологик тилшунослик учта бир-бири билан узвий боғланган жараёнлар моделини, яъни «матн - тил тизими» «мазмун - матн» ва «матн - мазмун» жараёнларини тушунтириб бериши керак. Шулардан биринчиси тилни ўзлаштиришга бевосита алоқаси бор.

КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК

Тил тизими ва инсоний фаолиятни ҳар томонлама тадқиқ қилиш, уларга хос ходисаларнинг белги хусусиятларини батафсил ёритиш учун тилшуносликнинг турли соҳаларини бириктирадиган, уларнинг барчаси учун бир хилда таянч нуқтаси хизматини ўтайдиган умумлашган таҳлил тизимини топиш масалалари олимлар олдидаги долзарб муаммо бўлиб, XIX асрнинг охиридан бугунги кунгача ўзининг аниқ ечимини топа олмаган. Бу таҳлил тизими тўғрисида олим Бодуэн де Куртенэ кўп бор таъкидлаган эди.¹⁵

Кейинги йилларда тилшунос олимлар бундай долзарб муаммонинг “таянч” когнитология (cognitive discience - тафаккур ҳақидаги фан)дан топгандай бўлишмоқда. Сўзсиз, когнитив таҳлил – лингвистик таҳлилнинг бир тури, унинг маълум бир кўринишида намоён бўлишидир.

Ҳали XIX аср охирларидаёқ тилшуносликни психологик ва состиологик руҳда қайд қилган Бодуэн де Куртенэ “Тилда руҳий ва ижтимоий далиллар ҳаракатда бўлиши сабабли тилшунослик учун ёрдамчи фан сифатида дастлабки ўринда психологияни ва ундан кейин инсонларнинг

¹⁵ И.А Бодуэн де Куртенэ. Языкознание В кн. «Избранные труды по языкознанию». М Из-во АН СССР 1963.

жамиятдаги мулоқот мунособатлари ҳақидаги фан – состиологияни танлаймиз”, деган эди.¹⁶

Фанлар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида фикр юритилганда, уларнинг бирини иккинчисига “ёрдамчи” сифатида қараш унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Акс ҳолда, фанлар ҳамкорлиги асосида юзага келадиган йўналишларни алоҳида соҳа сифатида ажратиш мумкин бўлмас эди.¹⁷

Тилшуносликнинг психология, состиология, маданиятшунослик, лингвокультурология каби соҳалар билан ҳамкорлиги когнитив фаолият асосида воқеаланувчи ҳодисадир. Когнитив лингвистика ҳам инсоннинг билиш фаолияти билан шуғулланадиган фанлар таркибига киради.

Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни лотинча *cogniscere* - билишга оид” сўзи билан боғлиқ (Қиёсланг; *cognire* – билмоқ, англамоқ, тушунмоқ; *sonition* – билим). Дунёни, воқеликни билиш, уларни идрок этиш оддий ҳодиса эмас. Аммо айрим ҳолларда баъзи бир олимлар билишни тўғридан – тўғри фаҳмлаш, тушуниш ҳаракатлари билан боғлаб қўйишади, ваҳолангки, ҳайвонлар ҳам қисман (оддий шаклда бўлса ҳам) фаҳмлаш, таҳлил қилиш ва умумийлаштириш қобилиятига эгадир. Шу сабабли билиш фаолияти ҳақида гап кетганда, вақтинчалик *cognitation* (лотинча), яъни ақл тафаккур ҳодисасини тасаввур қилиш билан чегараланмасдан, балки *cognition* - тафаккур фаолияти шахсни ҳамда бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча турдаги номинал (ижтимоий, маданий, инсоний) ҳодисаларни ҳам инобатга олиши керак бўлади. Шунини унутмаслик керакки, тафаккурнинг ўзи инсоннинг фаолияти натижасида ҳосил бўлиб, инсонлар ўртасидаги мунособат жараёнида воқеликка нисбатан билдирилаётган фаол мунособатларнинг ифода топишидир.

Билим инсоннинг онгли фаолияти заминида шаклланади. Айнан инсоний билим лингвокогнитив таҳлил сифатида танланиши бежиз эмас. Билим – инсон хотирасида сақланган тизимлаштирилган маълумотлар тўпламидир. Аммо бу тўпламни қандай қилиб топиш, ундан фойдаланиш механизмини ўрганиш анча қийин вазифа.

Америка бейхвористлари инсон билимлари дунёсини қора қути (яъни ўқилиши мушкул бўлган манбалар деб таърифлаган, чунки билим жамланилган таъминловчи воситаларгина “иш тартибини” бевосита кузатишнинг имкони йўқ. Тўғри, инсон билиш қобилиятининг нейрофизиологик асослари, айниқса, мия ярим шарлари фаолияти билан

¹⁶ Бодуэн де Куртенэ. Ўша асар 217 бет.

¹⁷ Бу бобни ёзишда олим Шаҳриёр Сафаровнинг «Когнетив тилшунослик» номли рисоласи манба килиб олинди ва ундан атрофлича фойдаланилди

боғлиқ томонларини ўрганиш борасидаги изланишлар давом этмоқда. Психоллингвистлар ва нейролингвистлар нутқий фаолият ижроси ва унинг идрок қилинишини таъминловчи мия қисмлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги маълумотларни тўплашган бўлсада, ушбу нейрофизиологик тизимнинг ўзи ҳанузгача сирлигича қолмоқда.

Олимлар миянинг чап ярим шарлари нутқий ахборотни қабул қилувчи ва узатувчи ҳудуддир. Ҳамда улар доимо ўзаро мураккаб мунособатда эканлигини уқтиришган.¹⁸ Бу ҳудудлар нейрофизиологлар Брок ва Вернике номлари билан аталади. Бу мунособатларнинг қандай юзага келганлиги ва уларнинг заминиди нималар турганлигини аниқлаш учун дастлаб инсоний фаолиятнинг когнитив тизимини батафсил ўрганиш лозимдир ва бу эҳтимолнинг ҳақиқатга ўта яқинлигини когнитив тилшунослик тараққиёти жараёнида ўз исботини топмоқда.

Билим олиш ва уни хотирада сақлаш ҳамда амалда қўллаш, узатиш манбаи ва уни шакллантирадиган восита – тил тизими когнитив таҳлил объектидир.¹⁹

Генератив (урчиш учун хизмат қиладиган манба) тилшунослик ғоясининг тарғиботчиларидан бири Ж. Каст “тил ҳеч қандай онтологияга эга бўлмаган мавҳум ҳодиса эканлиги учун тилшунослик фани ҳам маълум предмет билан машғул” деган эди.²⁰ Унинг фикрича, тилшунослар “сўзловчиларнинг ўз тили ҳақидаги билими билан улар билладиган тиллар ўртасида катта фарқ борлигини аниқламоқ зарур” (Ж.Каст. Ўша асар). Тил билан когнитив билим ўртасидаги ижтимоий фарқни ҳеч ким инкор қила олмайди, аммо тилни, айниқса, нутқни, бутунлай мавҳум ҳодиса деб бўлмайди. Нутқий бирликларни кузатиш ва ҳис этиш мумкин ва шу сабабли улар ҳақидаги ҳар қандай билим онтологик хусусиятга эга бўлган предмет – ҳодиса ҳақидаги билимдир. Аслини олганда, билим тилга нисбатан анча мавҳум, чунки уни жисман кузатиб бўлмайди. Билимнинг мавжудлиги - тилнинг мавжудлиги. Тилнинг ўзи эса когнитив тизим фаолиятининг маҳсулидир ва инсоний таркиблар тафаккур фаолияти туфайли шаклланади.

Тафаккур қайси ҳолатда ва қандай кўринишда ҳаракатга келмасин, у ягона вазифани бажаради, у воқелик ҳақидаги ахборотни қабул қилиш ва тартибга солиш усулидир. Бу усул воситасида ҳосил бўладиган ғоя ёки фикр воқеликнинг онгда акс этиш шаклидир. Тил онгни шакллантирувчи воситалардан биридир, у онгдан энг оддий бирламчи (элементар) тафаккур

¹⁸ Вяч В. Иванов. Четные и нечетные ассцети мозга знаковых систем. М., 1998, стр.180.

¹⁹ Ш. Сафаров кўрсатилган асар, 10-16 бетлар.

²⁰ Ж. Каст. An autlire of plotopist. 1984.

категорияларининг пайдо бўлишни таъминлайди. Ушбу категорияларсиз “алоҳида нутқий тизилмалар гапларни тушуниш ва ғоя (фикр)нинг шаклланишини ҳамда шу йўсинда билимнинг фаоллигини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.²¹

Тил ва тафаккур муносабатлари масаласининг фалсафа, тилшунослик ва психология фанлари доирасида батафсил муҳокома қилиниши когнитив тилшунослик тараққиёти учун мустаҳкам замин яратди. Когнитив тилшунослик мажмуавий тадқиқот йўналиши бўлиб, у тилшунослик ва психологиядан ташқари сунъий интеллект назарияси психоллингвистика, нейролингвистика каби фанларга оид илмий ёндашувларни ҳам умумлаштиради.

Когнитив тилшунослик лисоний қобилиятнинг таркиб топишини тушунтирадиган фан ҳисобланади. Олим В.З. Демяньков бу соҳанинг асосий вазифасини инсон томонидан тилни ўзлаштириш механизмлари ҳамда бу механизмнинг таркибини “системавий тасвирлаш ва тушунтиришдан иборат”, деб таърифлаши бундан гувоҳлик беради.²² Ҳақиқатдан ҳам, когнитив таҳлилда одамни билиш жараёнида юзага келадиган мантиқий ментал структураларнинг лисоний ифода топишини таъминловчи механизмлар ҳамроҳидаги услуб ва воситалар тадқиқи асосий ўринга кўчади. Мантиқий ҳаракатлар когнитив структураларни, тафаккур фаолияти қисмларини ташкил қилиб, объект ҳақидаги тушунчанинг шаклланишини таъминлайди. Бу тушунчалар ментал тушунча бўлиб, у ақлий фаолиятнинг ўзига хос шаклидир.

Мантиқий фаолият ҳосиласи бўлган “тушунча ва когнитив тилшунослик кенг қўлланилаётган “констепт” атамаларини бир хил мазмунда қўллаш мумкин, чунки бу иккала ҳодиса ҳам тафаккур бирлиги сифатида вужудга келади. Буларнинг бошланғич нуқтаси воқеликдаги предмет – ҳодисанинг ҳис қилиниши ва образли тасаввур қилиниши билан боғлиқ. Пайдо бўлган ҳиссий образ дастлаб ҳар кишида алоҳида индивидуал кўринишда бўлади. Масалан, гул сўзи бир киши учун атиргул, бир киши учун чинни гул, бир киши учун лола гул, бир киши учун жанбил гулдир. Воқеликнинг бундай бир хилда ҳиссий тасаввур этилиши умумлашган ҳамда қисман мавҳумлашган образнинг юзага келиши барча учун бир хил код – рамзий белги пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундай мантиқий тузилмани

²¹ К.Кацнельсон. Категория языка и явления. М., 2001, с 480.

²² В.О. Демяньков Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода В.Я.1994 №4

Н.И.Жинкин “Универсал предмет коди – УПК” деб аташни таклиф қилади. Олим бу ҳодисанинг юзага келишини инсон миясининг ирсий ва наслий хусусиятлари қаторига киритади. Унинг фикрича, ақлий қобилият “тушунча” қисмни яратади, воқеликни тасвирлаш ва инсон фаолияти сабабини кўрсатиш учун турли хулоса мулоқотларга келади. Бу мантиқий ҳаракатларнинг бажарилиши шахснинг қайси тил эгаси эканлигига эмас. Шунинг учун ҳам интеллект (ақл) умумий бошўарув функсиясини (вазифасини) бажаради, бу универсал предмет коди кўринишидаги кодлаштиришдир.²³

Констепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча образ ва инсоний маъно умумлашмаси ётади. Констептнинг шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, инсоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугайди.

Констепт + ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир. Констептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади. Ҳамда улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Констептнинг гуруҳланишида уларнинг инсоний ифодаланиш услубларига таянилади. Тадқиқотлар инсон ва фразеологик констептлар билан бир қаторда грамматик (аниқроғи, синтактик констептлар гуруҳларини ажратишни²⁴ таклиф қилишмоқда. (Бабушкин, Телил, Попова, Стернин ва бошқалар).

Тил тизими эгаллаган билимнинг шаклланиши ва тизимлаштиришнинг асосий воситасидир. Тафаккур бирлиги ва ментал ҳодиса сифатида юзага келадиган констептнинг инсоний воқеликнинг ҳамда нутқий тафаккур фаолиятининг натижасидир.

Когнитология турли фан соҳаси чорраҳасида юзага келган фандир ва унинг тадқиқот соҳаси “билимни тўплаш ва қўллаш усулларини тадқиқ қилиш сифатида белгиланади.²⁵ Америкалик психолог Х.Гарднер когнитив фанлар чорраҳасида олти фан соҳаси туташини ва ягона бир миллий мақсад табиий ва сунъий тизимларда билимнинг жамланиши, қайта ишланиш ва қўлланиш муаммоларининг ечимини излаш билан банд бўлишини қайд қилган эди. Бу соҳалар, яъни фалсафа, психология, тилшунослик, сунъий интеллект, антропология ва неврологияларнинг ўзаро мунособатидир.²⁶

²³ Н.И.Жинкин. Речь как проводник информации. М., “Наука”, 1982, стр.88.

²⁴ Fodor J. The Language of Thought. Surrex. 1975, p.110.

²⁵ Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. Сангзор нашриёти, Жиззах. 2006й. 19-б.

²⁶ Gardner H. The mind is new science. A history of the cognitive revolution. USA. Basic books, 1987.

Ушбу соҳалар ўртасидаги алоқа бир хилда амалга ошмайди, чунки компьютер фанлари (сунъий интеллект) ва антропологиянинг фалсафа билан алоқаси кўпинча билвосита амалга ошади.

Тилшунослик ушбу фанлар чоррахасида мустақкам ўрин олган ва барча қавм соҳалар билан бевосита мунособатдадир. Шу сабабли когнитив тилшунослик инсоннинг билиш соҳаларидан бири сифатида эътироф қилинади. Тилшунослик когнитология фанининг шаклланишида асос ёки пойдевор бўлиб хизмат қилган уч соҳа: 1) инсонларга хос топшириқларни бажариш қобилиятига эга бўлган компьютер дастурларининг яратилиши; 2) когнитив психологияси доирасида билиш фаолиятининг руҳиятига оид томонларнинг чуқур ўрганилиши; 3) генератив грамматика назариясининг таракқий этиши ва ушбу назария билан боғлиқ лингвистик йўналишларнинг пайдо бўлиши.²⁷

Когнитив соҳаси 1956 йилнинг 11 сентябрида Массачусет технология институтида ўтказилган симпозиумда ташкил топган, унда учта масала кўриб чиқилган. Биринчи маъруза Шарль Миллер томонидан қилиниб, унда инсоннинг эслаб қолиш қобилияти бўйича 7+2 сеҳрли сон қабул қилинган (яъни инсоннинг эслаб қолиш қобилиятининг меъёридир), иккинчи маъруза тилнинг уч модели тилшунос Ноим Хомский томонидан тақдим этилди. Учинчи маъруза сунъий интеллектга боғланган бўлиб, унинг соҳиби психолог Ален Ньюэм ва иқтисодчи Хейберг Хаймонлар эдилар.

Худди шу маърузаларда когнитив тадқиқот мустақил фан сифатида когнитив тилшунослик ақлий тасаввур қоидаларига таянган ҳолда, табиий тил тизимини “қайта ишлаш” назарияси асосида вужудга келган. Демак, билиш фаолияти ахборот маълумотини қабул қилиш, тақдим этиш ва яратиш ижроси инсоният захираларидан озуқа олади, бевосита ёки билвосита инсон билан алоқада бўлади ва инсоннинг билиш қобилияти билан ҳамоҳангдир.

XX асрнинг бошларида олмон файласуфи (кейинчалик АҚШ да яшаб ижод қилган) Эрнест Кассирер инсоннинг билиш фаолиятига предметларнинг ички ёки ташқи моҳиятини акс эттирувчи ҳодиса сифатида қаралиш лозимлигини уқтирди. Бу фаолиятни у идрокни уйғотадиган ёруғлик манбаига ўхшатади. Ёруғлик қанчалик равшан бўлса, манба шу қадар аянчли бўлади ва биз предметни шунча аниқ кўрамыз, деган эди. Воқеликни акс эттириш тилнинг вазифасига кирмайди, бу вазифани дастлаб тафаккур бажаради. Лекин тафаккур юзага келган ментал тузилмалар тил

²⁷ Миллер Ж. Магическое число семь плюс и минус два. О некоторых пределах нашей способности перерабатывать информацию // Инженерная психология. М.Прогресс. 1964.

тизимида ўз ифодасини топади. Тил воқеликни билиш воситасидир. Тил бирликларининг воситасида ахборот йиғилади, сақланади ва авлоддан-авлодга ўтади.

Тил бирликларининг когнитив жараёни кечишидаги ўрини алоҳида эътиборга лойиқдир.

Билиш жараёнининг руҳиятда кечиши масаласи билан Ж.Брунер, Л.М.Веккер, Б.Ломов ва бошқа психолог олимлар махсус шуғулланганлар ва воқеликнинг онгда акс этиши турли хусусиятларга эга эканлигини қайд қилинган. Жумладан муҳимлик идрок этилаётган предметнинг доимий, муҳим бўлиши (предметлик объектининг доим мавжуд бўлиши), бутунлик предмет қисмлари ва бўлакларининг янги бир даражада бир киши умумийликдир предметнинг муҳим хусусиятларини фарқлаш булар қаторига киради. Ушбу хусусиятларнинг барчаси билиш жараёнида етакчи ўрин эгаллаб, уларнинг ҳар бири иккала босқичда, яъни, образ яратиш ва тушунча ҳосил қилишда ўзича намоён бўлади. Констепстиянинг ҳосил бўлиши ва унинг инсоний воқелигида эса умумийлик етакчилик қилади.

Мантиқшунослар билиш фаолиятининг асосий босқичи қилиб қиёслаш, умумийлаштириш ва идеаллаштириш (мавзулаштириш) хусусиятлари объектнинг умумийлашган образини ҳосил қилишини тушунади. Умумийлашган образ ўз навбатида мантиқий фаолият натижаси сифатида воқеликдаги предмет, ҳодисаларни инсоний номлаш учун мантиқий ва маънавий асос яратади.

Олимларнинг “тил-белгилар тизимидир” деган таълимоти бугунги кунда ўзининг янги таянчини талаб қилмоқда. Масалан, тилшунос Ю.Н. Карауловнинг фикрича семантика ва гносеология (маъно ва уни билиш) ўртасида билвосита алоқа, яъни улар ўртасида оралиқ босқич бор. Бу босқичда образ, гештальт (немисча Gesthalt шакл, образ, структура маъноларини англатади), фрейм, пропозиция, формула каби намунавий бирликлар юзага келади, энг асосийси – айнан шу босқичда “оралиқ тил” фаолият кўрсатади. Оралиқ тил Ю.Н. Карауловнинг фикрича, интеллектуал фаолият ва унинг инсоний воқеаланиш жараёнида юзага келади ва товушли, ташқи нутқ ва мия (онг)нинг ўзига хос тили оралиғидан ўрин олади. Оралиқ тилнинг вазифасини Ю.Н. Караулов унинг биологик, физик – кимёвий табиатида эга бўлган мия тили (яъни нейронлар муносабатлари тили) ва инсоннинг ҳақиқий тили – табиий тили ўртасидаги воситачиликда кўради. Соф маънода тафаккур тили сифатида эътироф этилаётган ушбу ҳодисанинг воситачилик вазифаси унинг тафаккурда ҳосил бўлган билимининг инсоний

мазмунига айланувчи воситаси ролида хизмат қилишида кўринади. Бундан ташқари, оралик тили, образлар воситасида мия ўнг ярим шарлари ёки ёрқин лисоний ифода кучига эга бўлган чап ярим шарлари фаолиятларини “ўзаро боғловчи қатлам вазифасини ўтайди. “Унинг фикрича, тафаккур фаолиятига нисбатан белгили воситалари тушунчасини қўллаш нотўғридир”. Белги фақатгина оралик тилдан ташқи, табиий тилга ўтгандан кейин ва фақатгина ижтимоий “либосга” киргандан сўнггина ўзининг шаклий зарбини олади, белгига айланади”²⁸

Бу масаланинг ечимини топиш когнитив тилшуносликнинг тараққиёти учун ҳам муҳимдир.

“Оралик тил” тафаккур ва лисонни боғловчи “кўприк” бўлиб, ўзининг таркиб қурилишига, қисмлар ва бўлақлар боғланишини таъминловчи муносабатлар тизимига эгадир.

Ю.Н.Караулов ўзининг тадқиқотида оралик тил бирликлари қаторига “образ”, “ташқилот”, “схема”, “фрейм”, “пропозиция”, “картина”, “символ”, “формула”, “диаграмма”, “сўз” кабиларни киритган.

Бошқа бир олимлар бошқа бирикмалар қаторига “скрипт”, “сценарий”, “когнитив модел” “ментал модел” кабиларни киритиб, когнитив тилшуносликни бойитишган. Буларнинг барчаси тафаккурда тўпланаётган ва сақланаётган “кутичадир” ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ. Хотирадаги билим доираси янгидан идрок қилинаётган воқеликнинг “қайта ишланиши” да муҳим рол уйнайди.

Воқеликни қисмларга ажратиш ва умумлаштириб идрок этиш фақатгина инсонга хос қобилиятдир. Фақатгина когнитив қобилият туфайли учраётган янги объектлар ҳодисаларни олдинги тажрибага таянган ҳолда қабул қилиш имкониятини беради.

Юқорида қайд қилинган когнитив хусусиятлардан баъзи бирлари тўғрисида ахборот беришни лозим деб ҳисоблаймиз, булар когнитологияга оид тушунчалардан ташқил топган:

а) Сценарий - бу бирор бир ҳодисага хос ўзаро боғлаб далилларнинг уларнинг узвийлигини акс эттирувчи намунавий шакл мисолида ёритилишидир. Ушбу намунавий структура маълум воқелик бўлагига оид ҳаракатлар, ҳолатлар узвий муносаботларидан иборат, масалан дарс жараёни, спорт мусобақалари, музейга ташриф ва бошқалар.

Сценарий тушунчасини когнитологияга оид тадқиқотлар доирасига биринчилардан бўлиб сунъий интеллект мутахассислари Р.Шенк ва

²⁸ Ш.Сафаров. Ўша асар. 28-29 бетлар.

Р.Абельсонлар киритишган. Уларнинг фикрича ушбу тушунча воқеаларнинг кетма-кетлигини, уларнинг ўзаро боғланишини кўрсатиш учун зарур. Ҳар бир сценарий таркибида кичик мазмунидаги қисмлар – сценалар ажратилади ва бу ҳисобларда воқеа иштирокчиларининг роли, мақсади каби хусусиятлар ўз аксини топади. Бунда олдинги ҳаракат кейинги ҳаракат учун шарт- шароит яратади. Масалан, озиқ – овқат дўкони сценарийсини олайлик, уни дўкон, миждоз, сотувчи, хазиначи каби соҳаларга ажратайлик. Бунда 1-саҳна дўконга кириш: маҳсулотларни кўздан кечириш, маҳсулотларнинг нархи билан танишиш, сотувчи билан маслаҳатлашиш, маҳсулотларни танлаш.

2-саҳна, танланган маҳсулотларни аравачага солиш, хазиначи томон юриш.

3-саҳна: хазиначидан ҳисоб – китоб сўраш, пластик карточка орқали ёки пулни нақд тўлаш, чекни олиш, дўкондан чиқиб кетиш. Одатда компьютер тилшунослигида сценарийлар ажратиш услуби асосан матн қурилиши таҳлилида қўлланилади. Сценарий таркибидаги “саҳна” атроф муҳит, воқеликнинг бир қисмидир, унда бир вақтнинг ўзида қабул қилинаётган ахборотнинг миқдори чегараланган бўлиши керак. Бу эса ҳиссиёт ва идрок органларининг имконияти ва талабидир. Акс ҳолда, инсон ўз диққатини алоҳида бир объектга йўналтира олмайди, бу ҳолда паришонхотирлик юзага келади. Алоҳида диққат-эътибор пайтида юзага келаётган образ эса содир бўлаётган воқеликнинг бир соҳаси учун асос бўлади. Назарда тутилаётган ҳар бир саҳна (дўконга кириш, маҳсулот танлаш, ҳисоб – китоб) кабилар умумлашган иструктуралар (сценарий, скрипт, констепт кабилар) учун ўзига хос “қурилиш материали” вазифасини бажаради. Айни пайтда ҳаракатдаги воқелик бўлагини ифодоловчи саҳна констепт шаклланишида иштирок этиши билан биргаликда, ўзи ҳам ушбу иштирок жараёнида умумлашаверади ва когнитив бирлик даражасига кўтарилади.

б) Скрипт. Бу атама латинча бўлиб (scribere) унинг туб маъноси “қўлёзма”, ёзув деганидир у (скрипт) намунавий констептуал тузилмаларнинг бир тури сифатида қаралиб, инсон тафаккурида акс этаётган борликдаги меъёрий кетма-кетлиги намунасида. Скрипт таркибий тузилиши жиҳатидан сценарийга жуда яқин туради ва айрим ҳолларда тўлиқ такрорланади. Скрипт таркибига кирувчи ва воқеаларнинг сабаб-оқибатлари мунособатлари асосида тизимий боғланиш, кетма – кетлиги ҳақида ушбу воқеаларнинг стереотип (нусха, шакл) такрорланувчанлик хусусиятлари унинг асосий тасвирий белгиси сифатида қаралади.

Психологлар скрипт тушунчасини хотира атамалари қаторига киритадилар ва бу ҳолда ушбу тушунча узоқ муддат хотирада сақланаётган билим ва олдиндан жамланган билим ёрдамида сақланаётган бирор ҳосилани тушуниш, англашни таъминловчи билим қуролини англатади. Скриптларнинг катта қисми болалик давриданок ўзгалар ҳатти – ҳаракати, воқеликни кузатиш натижасида пайдо бўладиган тажриба ва кечинмалар заминида шаклланади. Инсоний билим даражаси қанчалик юқори бўлса у шунчалик тез ва аниқ, алоҳида ҳаракат ва таасуротлар билан боғлай олади. Демак, инсон воқеликдаги предмет – ҳодисаларни идрок этиш жараёнида ўз шахсий констептуал тузилмаларини идрок этилаётган предмет ва муносабатларга кўчиришга ҳаракат қилади.²⁹

Скриптлар оддий ва мураккаб таркибларда бўлади: микро ва макроскриптлар.

“Макроскрипт” бир неча оддий “микро”скриптларнинг воқеалар кетма – кетлигини тартибига мос равишда бирикишидан таркиб топади. Масалан “Тўй” макроскрипти “Совчи юбориш”, “нон ушатиш”, “тўй маслаҳати”, “тўй тайёргарлиги”, “никоҳ ўқилиши”, “туй дастурхонини тайёрлаш”, “меҳмонларнинг келиши”, “никоҳ гувоҳномасини топшириш”, “келин салом”, “куёв оши”, “қуда чақирди” каби қатор скриптларни қамраб олади. Аммо макроскриптнинг шаклланиши учун ҳодисаларнинг хронологик кетма – кетлиги доимо талаб қилиниши шарт эмас. Масалан, “уруш” макроскриптда “армия”, “хужум”, “ғалаба”, “мағлубият”, “разведка”, “рота”, “генерал”, каби микрокриптлар бирикишидан иборат.

Скрипт бевосита, маълум лексик бирлик воситасида инсон онгида “уйғотиладиган” семантик ахборот тўпламидан ҳосил бўлади. Ҳар бир шахснинг инсоний заҳираси турли алоқалар воситасида боғланган скриптлар тўпламидан иборат. Бу тўпламнинг тил соҳибларининг ҳаётий билимларини акс эттирувчи “семантик тўр” сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Скрипт ва сценарий тушунчалари ўзаро боғлиқ ва бир – бирига яқин, улар биргаликда ментал ва лисоний ҳамоҳангликда юзага келади ва бу луғавий бирликлар инсон онгида турли мавзудаги ментал тузилмалар сценарий, скрипт схема, фрейм кабиларни пайдо қилишда хизмат қилади.

в) Фрейм. Бу тушунчани тилшуносликка биринчилардан бўлиб Ч.Филлмор тадбиқ қилган.³⁰ Аммо тажрибанинг янги ахборотини қабул қилиш ва идрок этишдаги ролини махсус ўрганган психолог Ф.Бартлетт

²⁹ Қаранг: Ш.Сафаров. Ўша асар. 34-40 бетлар.

³⁰ Filmore G.J. Frames and the Semantic of understanding. 1985. p.222-254.

ушбу фаолият “билишнинг стереотип нормалар замирида кечишини таъкидлаган. Унинг фикрича, инсон ҳар қандай ахборотни қабул қилишда олдиндан тайёрланган структуралардан фойдаланади ва ушбу андозавий тузилмалар ахборотини эслаб қолиш, хотирада сақлаш вазифасини осонлаштиради. Бундан ташқари, фреймга монанд бўлган схема назариясига асос солиниши хотирада из қолдирган олдинги тажрибанинг янги ахборотни қандай йўл билан идрок этилишига таъсир кўрсатган масаласини ойдинлаштиришга имкон беради.

Тилшунослик Ч. Филлмор талқинида “Фрейм” тушунчаси тажрибали андозага солувчи когнитив тузилма бўлиб, ушбу тушунча лисоний бирликлар воситасида шаклланади ҳамда констептнинг негизини ташкил қилади.

Тафаккур фаолияти жараёнида шаклланган барча турдаги ментал бирликлар, яъни сценарий, скрипт, фрейм, пропозиция, гештальт каби тузилмалар онг қарамоғида бўлади ҳамда хотирада сақланади.

Н.Хомский ва унинг издошлари томонидан тарғиб қилиниб келинаётган “Ички” (ботиний) ва “ташқи” (зохирий) структураларнинг қарама- қарши ҳаракати шу пайтгача аниқ самара бермаган.

Фрейм ва бошқа турдаги ментал тузилмаларнинг шаклланишидаги лисоний таъсир ҳукмронлиги табиий ҳолатдир. Бу дегани, тафаккур фаолиятининг рамзлар, белгиларсиз кечиши мумкин эмас. Баъзида тафаккурнинг белгили воситаси ҳар хил кўринишларда бўлиши мумкин “масалан, санъат ходимлари, техника бўйича мутахасислар ҳар доим лисоний белгилардан фойдаланишлари шарт эмас. Аммо тафаккурни “ялонғочлаб” бўлмайди бу муқаддас ҳодиса, у доимо “либосда” бўлиши керак. Шу сабабли биз ментал тузилмалар таркибини ва ҳатто уларнинг мазмун – мундаражасини ҳам тасаввур қилишда беихтиёр инсонга, унинг белгили воситаларига мурожаат қиламиз. Бу билан тил ва тафаккурни бир нарса деб бўлмайди, бу икки воқеликни чалкаштириш, уларнинг талабларига хос хусусиятларини инкор қилишдан бошқа нарса эмас. Тил тафаккур ҳодисалари бир-бирини такрорламайди.. Улар олдинма – кетин, бири иккинчисини давом эттирадиган ҳодиса эмас. Тушунча ва констептнинг шаклланиши, уларнинг лисоний воқеланиши ҳамоҳанг кечади ва лисоний моддийлашув “либоси”га эга бўлиши билан тугайди. Инсон онгида лисоний ном олиш ҳуқуқидан маҳрум ментал тузилмалар бўлмаганидек, бирор бир тушунча ёки констептни ифодалаш қудратига эга бўлмаган тушунчанинг ўзи йўқ. Шунинг билан биргаликда лисоний номлаш тизими ва ментал тузилмалар тизими бўлиш изоморфлик (бир – бирини такрорлаш, бир

хиллик) хусусиятдан холи. Аммо тафаккур ва тил қанчалик мустақиллик, бир бирини тўлдириш хусусиятига эга бўлмасин, бир-бирини тақозо этувчи ходисалардир. Уларнинг инсонга оллоҳ томонидан инъом этилиши ҳам бир вақтда кечган бўлса керак ва оллоҳ бу инояти билан бир мақсадни кўзлаган. Бу мақсад – homo sapiens билан чегараланиб қолмасдан ҳақиқий homo, яъни homo loquens ни яратиш эди.³¹

Ч.Филлморнинг фрейм ходисасига илк бор берган тарифига амал қилиб, бу тушунча оддий йўсиндаги лисоний белгилар танлови тизими сифатида тақдим қилинса, юқорида келтирилган BUV «ҳарид» фрейми предикатив бирликнинг синтактик манзарасидан бошқа нарса бўлмай қолади.

“Фрейм” тушунчасининг тор маънодаги талқини қатор қулайликлар туғдираётганини сезган Г.Филлмор кейинчалик фрейм когнитив тузилмалар тикланиш воситасида шартли ифодаланган констепт мундарижасида назарда тутишни қайд қилди.

Тилшунослар томонидан “Фрейм” тушунчасининг кенг маънода талқин қилинишида икки йўналиш пайдо бўлаётгани сезилмоқда. Булардан биринчисида тадқиқотчилар “Фрейм” фақатгина мажбурий компонентлардан иборат бўлмасдан, унинг таркибига ихтиёрий, иккинчи даражали бўлақлар ҳам киритилиши таклиф қилинмоқда. Иккинчи йўналиш вакиллари, “Фрейм”нинг истаётган воқеа ходиса асоси эканлигини унутмасдан “Фрейм” – биргаликда ҳаракатга тушадиган ва бир – бирини “кўзгатадиган” мантикий идрок элементларининг ўзаро муносабати асосида юзага келадиган тузилма эканлигини эътироф этишади. Натижада, “Фрейм” кўп қисм ва табақали воқеа – тузилма кўринишини олади. Олим Леонид Талми воқеа – “Фрейм”нинг мантикий структураси ҳеч бўлмаганда олтига когнитив бўлақдан иборатлигини қайд қилган, булар: макон йўналиши, фигура – манзара, ҳаракат, метод – услуб ва мотив (бу ерда мавзу, оҳанг, куй маъносида) кабилар.

Ш.Сафаровнинг фикрича, “Фрейм”нинг мураккаб қурилма эканлигини тушуниш учун яна ўша интеллект яратиш ҳаракатидаги олимлар тарғиботига қайтишга тўғри келади.

М.Минскийнинг эътирофича, “Фрейм” мундарижаси мажбурий ва номажбурий хусусиятлар умумлашмасидан ташкил топади. Булар “Фрейм” тузилмасининг тугунлари охириги нуқталарининг (терминаллари) ўрнини эгаллашади. Мажбурий хусусиятлар лисоний воқеалар жараёнида тил бирлигининг семантик тузилишидаги узвий қисмлар сифатида намоён

³¹ Қаранг: Ш.Сафаров. Кўрсатилган асар. 43-45 бетлар.

бўладилар. Ихтиёрий хусусиятларга эса “Фрейм” таркибида аниқлаштириш вазифасини бажаради. Иккала турдаги хусусиятлар “Фрейм” таркибида маълум катакчаларни (слотларни) ҳосил қилишади ва воқеликдаги объектни идрок этиш жараёнида ушбу “катакка” мос келадиган мисоллар ва маълумотлар билан тўлдирилиши лозим бўлади.³² Масалан, маълум даврда хабар етказиш мазмунидаги ҳодиса негизида бирор нарса воситасида хабар етказиш фрейми туради. Кейинчалик эса кейинги ахборот олдинги ахборотга мослашади ҳамда ушбу мослашув жараёнида “ноғора урмоқ” ахборотнинг иккиламчи констепти ва лисоний бирликлари юзага келади.

Фреймнинг мураккаб таркибий тузилма эканлигининг исботи И.Минскийнинг асосий структура таркибида субфреймларнинг ажралиши ҳақидаги таърифидан сезиш мумкин. Масалан, самолёт “Фрейм” учувчи хавфсизлик камари”, “стюардесса”, “ўриндик”- (кресло) каби бир қатор атамалар тўпламидан иборат. Бундан ташқари, самолётда учиш муҳити билан боғлиқлик бир қатор субфреймлар билан ҳам боғлиқ масалан: овқатланиш, кино томошаси, ҳожатга бориш кабилар. Кундалик турмуш тарзи мураккаб ва турли туман воқеалар билан боғлиқ ва шунинг учун воқелик ҳақидаги билимимиз ҳам мураккаб фрейм тизими асосида шаклланади.

Гештальдт XX асрнинг биринчи чорагида олмон психологлари В.Коллер, И.Вертхаймер, К.Дункер ва улар издошларининг лабораторияларда олиб борган амалий тажрибалари асосида предметларнинг хусусиятларини уларнинг мантиқийлиги мунособатида, алоқаларда бўлишини тасаввур қилиш воситасида аниқлаш мумкин, деган хулосага келишган. Бу оқим психологияда янги оқим гештальдт психологиясининг шаклланишига тўртки бўлди. Янги йўналишнинг асосий тушунчаси “гештальдт тушунчаси” gestalt олмонча, образ, структура, яхлит шакл) сўзидан олинганлигини эътиборга олсак, ушбу тушунча руҳий тузилмалар образларини ўзига хос яхлитликни таъминловчи белги ва хусусиятларининг умумлашмасини англатади. Гештальдт назариясининг асосчиларидан бири Макс Вертхаймер (1880-1943) ушбу муаммони куйидагича баён қилган эди: мавжуд боғлиқлар асосида юзага келадиган яхлитлик (умумийлик) аввал алоҳида бўлақлар кўринишидаги элементларнинг кейинги жамланишидан иборат бўлмасдан, балки ушбу яхлитликнинг ички структуравий қонунлари билан белгиланади.

Демак, воқеликни идрок этиш ва руҳан ҳис этиш яхлитликни “Кўриш”дан бошланади. Айрим тадқиқотлар предмет ҳодисалар ҳақидаги

³² М.Минский. Фреймы для представления знаний. М.Радио, 1979. стр.7.

тушунча, констептнинг ҳосил бўлиши ҳамда кейинги босқичда ушбу констептнинг лисоний воқелигини предметнинг алоҳида (ёрқин сўзга ташланадиган) белги, хусусиятларини пайқаш ва алоҳида ажратиб олишдан бошланади, деган фикрдалар. Ф.Беконнинг фикрича, алоҳида нарсалар (предметлар)нинг моҳиятини билиш билан боғлиқ. Билишнинг бу тури предметларни мантиқан қисмларга, шаклларга ажратиш жараёнидан иборат бўлар эмиш. Билиш методларини танлашда индукстияни дедукстияга қарама - қарши қўйиш нотўғри, индукстия ва дедукстия тафаккур жараёнининг мустақил шаклда бўлишига қарамасдан, улар доимо жонли алоқада, ягона бир ментел фаолият доирасида юзага келадилар ва бундай ягоналик умумийлик бўлмаган тақдирда билиш жараёнининг умумий мақсади рўёбга чиқмас эди.

Балки яхлитлик ва ягоналикни (бирликни) билиш бир пайтнинг ўзида амалга ошади, дейиш тўғрироқдир. Аммо биз яхлитликни қанчалик даражада бўлақларга ажратиб тадқиқ қилмайлик, бундан тадқиқот натижаларининг илмий билим тизимига кириши фақатгина ушбу натижалар яхлитликни моҳият ҳақида янгича билим бера олиши билан боғлиқдир.³³

Ш.Сафаровнинг фикрича, билиш натижасида яхши яхлит ва унинг бўлақлари ўртасида жонли алоқани эътироф этиш гештальдт назарияси тамойиллари ва таҳлил усулларини инкор қилмайди. Гештальдт психологияси ҳам яхлитликнинг бўлақларни идрок этишдаги таъсир ролини алоҳида таъкидлайди ҳамда бўлақларнинг яхлитлик таркибида бириктирувчи далилларни топиш вазифасини қўяди.

Худди нарсани борликни идрок этишнинг “гештальдт қонуниятлари”, ёки “гештальдт тамойилларида кўриш мумкинлигини Ф.Унгерер ҳам қайд қилган. Воқеликлардаги объектларни яхлитликда холис идрок этилиши шу тамойилларига асосланган.

Гештальдт тушунчасини тилшуносликда биринчилардан Ж.Лакофф муомалага киритган бўлиб, у ҳам гештальтни лисоний маънавий перстептуал (идрокий) ва бошқа турдаги жараёнларни акс эттитувчи структура сифатида таърифлайди. Ҳақиқатдан ҳам Гештальдт бир пайтнинг ўзида икки томонни – тафаккур ва лисонга интилувчи мантиқий структурани ифодалайди. Бу структура яхлит тузилма сифатида матнни мазмуний қисмларга бўлиш ҳамда уни ушбу мазмун доирасида матн ва қисмларни кенгайтириш имконини беради. Гештальдтнинг когнитив тилшуносликдаги аҳамияти, айниқса матн тузилишини ўрганишда муҳимдир.

³³ Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. Жиззах. 2006, 47-48 бетлар.

Категориялаштириш фаолияти эса прототипларни ажратиш ва қиёслаш, ҳаракатларни ажратиш ва қиёслаш ҳаракатлари негизида амалга оширилади.³⁴

Маълумки, категория тушунчаси ўта кенг маънода талқин қилинади ва унда воқелик предмет – ҳодисаларнинг энг умумий ва муҳим саҳифалари, хусусиятлари, алоқалари ва мунособатлари ўз аксини топади. Предмет – ҳодисаларни категорияларга ажратиш ва уларни гуруҳларга ажратиш ҳамда уларни гуруҳлар бўйича таснифлаш амалиёти қадимдан мавжуд жараён, у оддийгина кўринишда бўлган. Когнитив психология ва тилшунослик фанининг ривожини категориялаштириш фаолиятининг ички қонунлари ва асосий тамойилларини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади.

Категориялаштириш – мураккаб ақлий ментал ва лисоний жараёндир. Ушбу жараён маълум турдаги ҳаракат босқичларини ўз ичига қамраб олади:

а) стимул (кузатувчи сабаб) танлови. Бунда сезги тизимида тааллуқли (кўриш, эшитиш, ҳид билиш каби) стимуллардан фақатгина диққатни жалб қилинадиганлари танланади;

б) ажратиш ва таснифлаш. Бу босқич танланган стимулни хотирадаги билан қиёслаш, мослаштириш йўли билан бажарилади:

в) номлаш. Бунда ҳосил бўлган когнитив (констепт) ном олади.

Категорияга ажратиш психологик асосларни ўрганиш соҳасида 1970 йилларда Элеонора Рош лабораториясида олиб борилган тадқиқотлар алоҳида эътиборга моликдир. Айниқса, ҳайвонлар, ўсимлик, жихозлар кабиларнинг босқичи таснифий гуруҳланишга оид тадқиқотларга ажратишнинг психоллингвистик ва когнитив асослари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Демак, категориялар бир хил бирикмалардан ташкил топади, улар сон жихатидан чегараланган барча бирликларнинг хусусиятларга мос келади кабилидаги анъанавий таърифлар тажриба тадқиқотлирида ўз тасдиғини топади. Аксинча, категориялар прототип намуна асосида яратилдилар, улар таркибида “яхши” ва “ёмон” бирликлар бўлади, бу бирликлар барча хусусиятларининг мос келиши шарт эмас, лекин улар “оила ўхшашлиги”га эга бўладилар, деган маъқулдир.

Прототип тафаккур жараёнида ҳосил бўладиган ментал тузилмалардан бири сифатида лисоний фаолият ва ижодга оид ҳодисаларнинг туб моҳиятини англаш имконини беради. Бинобарин, гап қурилишининг когнитив – семантик асосларини ўрганишга ҳаракат қилган Ш.Лакофф гап

³⁴ Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. Жиззах. 2006. 52-бетлар.

таркибида юзага келадиган прототип мунособатларни аниқлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шундай қилиб Фрейм, Сстенарий, Скрипт, Гештальдт, Прототип, Категория каби тушунчалар когнитологияда инсоннинг ташқи оламни идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс эттирувчи билим тузилмаларни англатадилар. Бу наъмунавий тузилмалар, биринчидан, ташқи олам объектлари ҳақидаги билимни категориялаштириш учун хизмат қилишса, иккинчидан, ушбу билимни лисоний воқеалаштириш жараёнида “таянч нуқта” вазифасини ўтайдилар. Юқорида санаб ўтилган тузилмалар воситасида инсоннинг ижтимоий ва шахсий тажрибаси тартибга солинади ҳамда улар ёрдамида инсон воқелик ҳодисаларнинг қандай таркиб топиши ва қай йўсинда фаолият кўрсатишини англаш мумкин. Ушбу ёндашувлар воқелик ва лисоннинг инсон онгида категориялашувини когнитив – қолиплар ва ментал майдон назариялари доирасида ёритишга қаратилган.

Когнитив фаолият бевосита лисоний мулоқот жараёни билан боғлиқ, зеро бу жараёнда иштирокчилар ўзаро ахборот алмашадилар ва ўз билимини бойитиш имконига эга бўладилар. Аммо ҳосил бўлган билимнинг миқдори ва сифати масаласини кўтарган Л.Витгенштейн мулоқот учун ахборотнинг бутунлай янги ёки эски бўлиши бир хилда халақит беришини қайд қилган эди. Бунинг сабаби икки хил: а) бутунлай янги маълумот ортиқча, у тингловчини қизиқтирмайди ва мулоқотга ундамайди. б) бутунлай янги маълумот тингловчининг онги, билими билан тезда бирикиб кета олмайди ва натижада уни ҳазм қилиш қийинлашади. Энг қулайи – алмашинаётган ахборот ва олинаятган билим – бу икки кутбнинг ўртасида бўлишидир.

Бундан ташқари, когнитив жараён ва билим фаолиятининг ҳар қандай турдаги ҳаракатлари, сўзсиз, ижтимоий ва маданий факторлар билан боғлиқ ҳолда кечишини унутмаслик лозим. Когнитив модел ва тузилмаларнинг шакл топиши ва лисоний моддийлашувига состио маданий ҳодисаларнинг таъсири тилшунослар эътиборини тортиб келмоқда.

9) Лисоний когнитив фаолиятларнинг миллий маданий хусусиятлари.

Инсон фаолияти маълум миллий маданият муҳит доирасида кечади. Шу сабабли ҳар қандай билиш жараёнларига оид структуралар, тузилмаларда миллий колорит мавжуд бўлиши ҳам табиийдир. Сўзсиз, инсоннинг инсон сифатида шаклланишининг ўзи ҳам маданият билан боғлиқдир. Инсоннинг нафақат интеллектуал фаолияти, балки оддий ҳаётий ҳатти ҳаракатларининг барчаси ҳам миллий маданият кўзгусида акс топади ва ушбу маданият қонун қоидаларининг “назорати”да бўлади, ҳар қандай маданият атроф муҳит

таъсирида тараққий қилиб ўзгариб боради. Турли миллатлар маданияти бир – биридан дастлабки ўринда воқеликни моддий ва маънавий ўзгартиришдаги фарқи жиҳатидан ажралиб туради.

Олимлар ва бу соҳа мутахассислари объектив, ички ва ташқи ўзгаришларни шахс маданияти ва миллий маданият каби турларга ажратишадилар. Маданият ҳеч қачон қотиб қолган ҳодиса сифатида таҳлил қилинмаслиги лозим, у тараққий қилиб боради, бир ҳолатдан иккинчисига ўтади, бошқа маданиятлар билан қоришиб боради ва шу сабабли ҳеч бир инсон маданиятли бўлиб туғилмайди ва бунга ижтимоий фаолият натижасида, мулоқот жараёнида эришилади. Ахир бекорга антропологлар (К.Леви – Строса, К.Гирк ва бошқалар) маданиятли инсонлар ўзаро муносабатларининг маҳсули сифатида таърифлашмаса керак. Маданият шаклланишида инсонлар ўртасидаги мулоқотдан ташқари, воқеликдаги объектлар билан бўлган мулоқотнинг роли ҳам муҳимдир. Маълумки, инсон ва воқелик муносабатида инсон ўзига хос боғловчи, воситачилик вазифасини бажаради. Инсон ўзида воқеликни акс этдиради, маданият эса ушбу воқеликнинг ажралмас қисмидир. Воқеликнинг ўзини ҳам миллий деб аташ мумкин ва миллийлик инсонда дунёни ўзига хос “кўриш”, уни идрок этиш натижасида ўз аксини топади.

Инсон ва маданият муносабати масаласи мураккаб жараён бўлиб, кўп томонлама муҳокомани талаб қиладиган масаладир. Шунинг билан бирга, бу икки турдаги семантик тизимнинг ўзаро ўхшаш, умумийлик томонлари мавжуддир. Бу ўхшашлик ва яқинликни В.Н.Телия қуйидагича таърифлаган:

- 1) Маданият, худди инсон каби, инсон дунёқарашини акс эттирувчи онг шаклидир;
- 2) Тил ва маданият ўзаро муносабатда, мулоқотдадир.
- 3) Тил ва маданиятнинг субъекти – бу индивид ёки ижтимоий гуруҳ – жамоавий шахс ёки жамиятдир;
- 4) Меъёрлик (норма) тил ва маданият учун умумий хусусиятдир;
- 5) Тарихийлик – тил ва маданиятнинг муҳим хусусиятидир;
- 6) Тил ва маданиятга, динамика ва статика қарама – қаршилиги бир хилда хосдир³⁵.

Дарҳақиқат, тил ва маданиятнинг яқинлиги умумий хусусият бўлиб тил маданиятининг ажралмас қисми, аммо унинг бир бўлаги дейиш нотўғридир ва шунинг билан биргаликда бу икки ҳодисани бир-бирига

³⁵ Телия В.Н. Русская Фразеология М. 1996 с 225-226.
Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. Жиззах 206, 63-64б.

бутунлай қориштириб бўлмайди ҳам. Тил ва маданият ўртасидаги умумий ўхшашлик ва яқинлик борлигига қарамасдан, уларни фарқловчи хусусиятлар ҳам бор. Бу фарқ, биринчи навбатда, икки ходисанинг тизимийлик кўрсаткичларида намоён бўлади: маданият ҳам белгилар системасидир. Умуман, тил ва маданият тизимлари таркибидаги белгиларнинг структуравий тузилиши ва бажарадиган вазифаларига кўра кескин фарқ қилишларига кўра кескин қилади, яъни мутлақ бошқа системалар сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, тил барча учун бир хил вазифа бажарувчи “адресатли” ходиса, бўлса, маданиятда эса кўпроқ “элитарлик” (саралик) намоён бўлади.

Демак, тил ва маданият ўртасидаги муносабат изоморфликдан кўра, кўпроқ хомоморфлик, яъни структуравий ўхшашликдан иборат деган хулоса ҳақиқатдан узоқ эмас.

Ҳомоморфлик бу икки тизимнинг таркибий тузилишида намоён бўлиб қолмасдан, уларнинг вазифа жиҳатидан ҳамоханглигида ўз аксини топса ажаб эмас. Тилнинг маданиятдаги моҳияти маданий – маънавий бойлик, ахборот манбаларини сақлаш, уларни авлоддан – авлодга етказиш ҳамда маданий тушунчалар, стереотип ва эталон намуналарини шакллантиришда бевосита иштирок этишини ҳеч қачон инкор этиб бўлмайди.

Тил ва маданият ўртасидаги бир – бирини тақазо қилиш (детерминизм), яъни бир – бири билан яқин алоқадорлиги табиий ходисадир. Шу сабабли турли мамлакатлар олимлари томонидан тил ва маданият муносабати масаласи турли йўналишларда ўрганилаётганлиги табиийдир. Бу муаммо тилшунослар (Ю.Сорокин, В.Ольфорд, В.Телия, Е.Верещагин, В.Костомаров, Д.Хаймс кабилар), файласуфлар (Г.Брутян, Э.Маркарян ва бошқалар), психологлар (Л.Вўготский, А.Леонтьев, В.Петренко, П.Гулваста)нинг эътиборини тортиб келмоқда. Бу масала нутқ маданиятига оид тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллайди. (Ю.Скворцов, Э.Бегматов, А.Маматов, Б.Ўринбоев ва бошқалар). Кейинги пайтларда тилшуносликда лингвокультурологиянинг алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида ташкил топиши (В.Краснўх, В.Маслова, Д.Гудков, С.Тер-Минасова, Д.Ашурова) бу масаланинг долзарбланишига сабаб бўлмоқда.

Когнитив стереотиплар, моделлар (фрейм, скрипт, сценарий, гештальдт ва ҳақозо) инсон тарбия топган маданий муҳит билан боғлиқ, зеро когнитив бирликлар маданиятда мавжуд бўлган воқелик идроки асосида шаклланади. Масалан, Ўзбекистондаги от ўйини “кўпкари” Ғарб мамлакатлари халқлари учун ёд тушунча (худди “крекет” ўйини ўзбеклар учун нотаниш бўлганидек). Когнитив моделларнинг этномаданий

хусусиятлар ўзагида сўз юритиб, маданий моделларнинг вақт давомида ўзгариб туриши, бир маданиятдан иккинчисига кўчиши, ўзгача мазмун олиши мумкинлигини ҳам Ш.Сафаров ўз тадқиқотларида қайд қилган. Олимнинг мисолида “Томда ётмоқ” ухламоқ) тушунчаси ҳозирги ёшлар учун нотаниш бўлиб қолди ва архаик констептга айланган. Замоनावий когнитив тилшуносликнинг таниқли вакилларида бири Анна Вежбисткая когнитив моделлар миллийлигининг изчил тарғиботчисидир. Бу олима файласуф ва психологларнинг инсондаги барча туғма хусусиятлари, масалан, кўркүв, ғазаб, қайғу, хурсандчилик бирламчи ҳис туйғулар ва улар ҳеч қандай истисносиз барча маданиятлар учун бир хилда хосдир деган фикрларига қарши чиқади ва бирламчи барча маданият ва тилларда бир хилда мавжуд бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Олима ҳис – туйғу категориясини ўзгача тавсирлаш тарафдоридир. Инсон ҳис этадиган туйғу тасвирини ушбу туйғу юзага келадиган когнитив сценарий таҳлили асосида берган мақулдир.

А.Вежбисткая Олмон тилидаги “Страх” тушунчаларини шунингдек русча “грусть” гнев сўзларини инглизча “sadness” anger билан солиштириб улар воситасида номланаётган эмоционал ҳолатлар барча инсонларда бир хил вазият ифодасини бермаслигига ишонч ҳосил қилди.³⁶ Бу эса когнитив сценарийлар миллий – маданий кўрсаткичларга эга эмаслигидан гувоҳлик беради. Бундай фарқларнинг мавжудлиги турли маданиятларда турлича анъаналар, қадриятларнинг фаоллиги билан боғлиқ. Қадриятлар ҳеч қандай гумонсиз тафаккур жараёнида ўз аксини топади ва шунинг натижасида “маданий сценарийлар” юзага келади, уларнинг оламда кечаётган ходисаларни фикран ва лисоний воқелаштиришда у тутган ўрин алоҳида.

Мутахассислар таъкидлаганидек, маданиятнинг барча соҳалари, барча маданий ва маънавий бирликлари инсон онгида ўз аксини топади, Шунинг учун ҳам маданиятда “бирор нарса йўқки, инсон тафаккурида ўз аксини топмаса ва идрок қилинмаса”³⁷.

Маданиятнинг инсон онгида акс топишида белги тизимларининг роли катта ва бунинг энг асосий воситаси тил тизимидир. Аммо маданиятда мавжуд бўлган когнитив “бирликларнинг баъзилари лисоний воқеланиш жараёнида четда қолиши, яъни лисоний ном (шакл) олмасдан қолиши ҳам мумкин. Масалан, ёлғон сўзловчи шахс ўзбек тилида “ёлғончи”, рус тилида “лгун”, инглиз тилида “Liar” номларини олади, аммо тўғри сўзловчи шахс

³⁶ А.Вежбицкая. Сопостовление культур через посредство лексики и прагматики. М.: Языки славянской культуры, 2009.

³⁷ А.А.Пелепенко. И.Г.Яковенко. Культура как система. М., “Наука” 1998, с 12

фақатгина ўзбек тилида луғавий маънога эга (ростгуй, тўғрисўз), бошқа қиёсланаётган тилларда эса ушбу констептни ифодаловчи алоҳида сўз йўқ. Лекин бундай “камчилик” русий ва инглиз забонлар онгида ушбу констепт мавжуд эмаслигидан дарак бермайди, улар ёлғон сўзловчилар билан бир қаторда тўғрисўз ҳам борлигини биладилар ҳамда ушбу констептуал тушунчани лозим бўлган бошқа тил сатҳлари бирликлари воситасида (жумла, гап, матн) ифодалаб оладилар.

Инсоннинг тафаккур фаолияти ва инсоний воқелик ўртасидаги фарк инсоний онгни когнитив онгнинг айнан такрори эмаслигидан, улар ўз таркибий тузилиши вазифаларининг миқёси билан маълум даражада фарк қилишидан дарак беради.

Когнитив онг билан лисоний онг чамбарчас боғлиқ, чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам воқеликни билиш жараёнидир ва бу икки турдаги онг шахс фаолияти жараёнида шаклланади. Лекин ҳар қандай шахс маълум этник гуруҳ, миллат ва маданият вакили. Аммо тадқиқотлар жараёнида биз аввало алоҳида шахслар онгида кечаётган лисоний ва когнитив жараёнларни кузатсак ҳам, пировард натижада уларнинг умумийлик хусусиятларини тасвирлашга ҳаракат қиламиз. Когнитив жараёнларни миллий маданият билан боғловчи энг асосий восита тилдир.

ж) Лисоний ҳодисаларнинг когнитив таҳлили.

Когнитив – билиш назариясининг асоси, инсоннинг билиш фаолияти ҳақидаги фан эканлиги ушбу мавзунинг бошида қайд қилинади. Шундай экан, когнитив тилшуносликнинг асосий мақсади ҳам тил тизимининг билиш жараёнидаги иштироқи ҳамда лисоний фаолиятининг ахборотни шакллантириш ва “қайта ишлаш”даги ролини аниқлаш когнитив таҳлилнинг кўринишларидан биридир.

Когнитив лисоний фаолият билан бевосита боғлиқ ва унинг ажралмас бир қисми. Аммо когнитив тилшунослик когнитологиянинг бошқа соҳаларидан фарқли ҳолда инсон томонидан тил тизими ва ушбу тизимни ҳаракатга келтирувчи омилларнинг ўзлаштирилиши ва улардан фойдаланиш қоидаларини қандай қилиб тартибга солиниши каби масалалар билан шуғулланишади. Когнитив тилшунослик лисоний ҳодисаларнинг тафаккур фаолиятидаги ўрнини, бажарадиган вазифалари билан қизиқади. Лекин бу қизиқиш оддий эмас. Когнитив тилшунослик лисоний ва тафаккур фаолиятлари муносабатларини юзага келтирувчи сабабларни қидиради ва бу сабаблар оқибати бўлган мулоқот матнлари лисоний тузилмаларнинг таркибини мазмунан англашга, таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Демак,

когнитив тилшунослик асосан инсон лисоний фаолиятини сабаб ва оқибат бирлигида тадқиқ этувчи, “тушунтирувчи” фан соҳасидир. Бундай тадқиқ икки йўналишда бажарилади; ф) нутқий фаолият ижроси ва унинг маҳсулотининг пайдо бўлиши: б) ушбу фаолият маҳсулотларининг ижро этилиши.

Кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан танланган йўналиш ва услубнинг бевосита тил материалига тадбиқ этилиши билан боғлиқдир.

Когнитив тилшуносликнинг тараққий этган соҳаларидан бири когнитив фаолиятдир. Ушбу йўналишда фонологик (фонетик) ҳодисаларнинг когнитив фаолият андозалари билан мос ҳолда юзага келиш масаласи муҳокома қилинади.

Лисоний ҳодисаларнинг когнитив таҳлили лисоний бирликнинг реал воқелик билан муносабатларнинг қай йўсинда шаклланишини аниқлаш билан боғлиқдир. Бу таҳлил когнитив ёки тўғридан – тўғри муқобиллик тамойилига асосланади. Ушбу тамойилга биноан тил бирлигининг мазмуни воқеликни тўғри акс эттиради ва мазмун шаклланишида ҳаққонийлик ва қониқлиқ шартларига жавоб берадиган бўлиши шарт. Машҳур олим Фодорнинг фикрича, “Сўзларнинг маънога эга бўлиши тил соҳибининг фақатгина бирор бир лингвистик ғоянинг тарафдори бўлиши ёки онгда туғиладиган ҳақиқий мантиқий ҳодисани шакллантирувчи ментал фаолият таъсири эмас. Масалан “Жбон” Жоннинг исми бўлиши учун ушбу ном ва унинг соҳиби ўртасида маълум бир боғлиқлик бўлиши шарт, яъни воқелик дунёсида шундай бир ҳодиса мавжуд бўлмоғи даркор.”³⁸

Демак, констепт шакли билан воқелик ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ деган фикр ҳақиқатга унча тўғри келмайди. Аксинча, масалан. Рей Жакен Дорфнинг фикрича, “тил констептуал тузилмалар билан боғлиқлиги сабабли маъно ифодалаш қудратига эга”, лекин “тил соҳиби воқеликни ўзи истагадек тартиблаштиради” - бу объективизмнинг бир кўринишидир.

Шуни эътиборга олиш керакки, воқелик ва унинг ўртасидаги масофа манзил теп – текис йўлни босиб ўтмасдан ўта машаққатли ва мураккаб йўлни босиб ўтади. Инсон воқеликни идрок этиши учун дастлаб уни кўриши ва ҳис этиши лозим. Тасаввур қилинаётган ҳодиса, воқеа бўлса кўриш ва сезиш органлари моҳиятининг йўқолишидир. Бунда инсоннинг фақат тасаввур

³⁸ Fodor d Tne longue of Thonght, Sussex. 1990, 98- 99

қобилияти, хаёл дунёси фаоллашади, аммо оллоҳ тасаввур ва хаёл қилиш қобилиятини ҳаммага ҳам бир хил бермаган. Бу қобилиятнинг шаклланиши инсоннинг амалий ва интеллектуал тажрибасининг қўлами билан боғлиқ. Шунинг учун воқеликни идрок этиш ва констептуаллаштириш турли ҳолатларда турлича кечади. Демак идрок физиологик жараёнлардан ташқари, англаш, фаҳмлаш, тушуниш каби ақлий жараёнларни ҳам қамраб оладиган когнитив фаолиятдир.

Инсоннинг билиш қобилияти қудратли куч бўлиб, Фақат инсон идрок эта оладиган объект билан чегараланиб қолмайди. Идрокий тизимлар бизда ташқаридаги предметлар ҳақидаги сезгини, ҳисни ва туйғуни уйғотади, биз эса борлиқдаги предметларни тажрибадан ўтказамиз, аммо онгдаги идрокни эмас.

Шуни эътиборга олиш лозимки, билиш ҳеч қачон абсалютликка интилмайди, воқелик ранг – баранг ва унинг заҳираси тинмасдан бойиб боради ҳамда инсон бу бойликни ўз тажрибасида ўзлаштиришга, билишга доим интилади. Воқелик Оллоҳ томонидан яратилади ва инсон фаолияти натижасида тараққий этади, ривож топади. Воқеликнинг маълум бир қисми инсоннинг (айниқса, ёш болаларнинг) идрокий ва инсоний имкониятидан баъзан четда қолиши табиий, лекин бу билан воқелик мавжудлигини йўқотмайди. Воқеликнинг мавжудлигини фақат онг билан боғлаб қўйиш субъектив идеализм хавфини туғдириш эҳтимолидан холи эмас.

Воқеликнинг инсоний билиш қонун қоидаларидан келиб чиққан ҳолда хулосавий фикр юритиш мумкин: грамматика, умуман тил бирликларнинг мазмуний асоси қандайдир ташқи ҳодисалар хусусиятларидан ташкил топмасдан, балки инсоннинг ташқи дунё билан муносабатлари заминидан юзага келадиган когнитив жараён бўлиб, ҳодиса воқеаларнинг акс топишидан иборатдир.

Грамматик белгининг моҳиятини когнитив жараёнлар ифодалайди ва бу жараёнларнинг онгдаги акси (констепт) ва грамматик бирликнинг моддий шакли (ифодаловчи) ўртасидаги асосий муносабатлар сифатида тасаввур этишнинг назарий ва амалий аҳамиятини алоҳида қайд этиш зарур. Биринчидан, бу ёндашув грамматик шаклни инсон билиш фаолияти маълум босқичларининг маҳсули сифатида талқин қилиш имконини беради.

Иккинчидан нутқий фаолиятда грамматик шаклларнинг ўзаро ўрин алмашиш ҳодисасини (вариантлик) денотатив хусусиятларнинг фаоллашуви сифатида эмас, балки когнитив жараённинг у ёки бу мазмун бўлагига

таксимланиши, “ихтисослашуви” сифатида талқин қилинишни талаб қилинади.

Учинчидан, грамматикалашув ҳодисасини (луғат бирликларининг грамматик маъно сифатида ифодалашга ихтисослашуви) объект ҳақидаги “билим” (грамматик маъно)нинг кўчиш жараёни сифатида тасаввур қилиш имконини яратади.

Шундай қилиб, инсон белгиларнинг грамматик моҳиятини тадқиқ қилишининг бу йўсиндаги когнитив намунаси грамматик тизимни воқеликнинг мавҳум тасвири – схема ҳақидаги анъанавий фарқдан йироқлашишга ундайди. Бу тизим инсоннинг билиш фаолияти натижасида ҳосил бўладиган мазмуний тузилмадир.

Асосий тушунчалар

Состиолингвистика – ижтимоий лингвистика

Интерлингвистика – халқаро байналминал тил

Ўзбек тили лексикасида интерлингвистиканинг ўрни

Интернационал лексик қатлам

Умумий лексик фонд – тилда ишлатиладиган, ўзлаштирилган лексик қатлам

Билингвизм – икки тиллилик

Полилингвизм – кўп тиллилик

Когнитив – билиш, билишга оид

Когнитология – билиш, билиш тўғрисидаги фан

Гентальт – немисча шакл, образ

Скрипт – қўлёзма, ёзув

Муҳокама учун савол ва топшириқлар:

1. Социолингвистика фани нимани ўрганади?
2. Социолингвистика қайси фанлар билан алоқадор?
3. Социолингвистиканинг асосчилари кимлар?
4. Социолингвистиканинг Ўзбекистонда тараққиёти.
5. Миллий тилларда интернационал лексиканинг ўрни.
6. Ўзбек тили луғатидаги интернационал лексика.
7. Тилларнинг ўзаро алоқаси тўғрисида нимани биласиз?
8. Билингвизм ва полилингвизм ҳақида гапириб беринг.
9. А.Навоий билингми ёки полилингми?
10. Ўзбекистоннинг қайси минтақаларида билингвизм ва қаерда полилингвизм ҳодисаларини учратиш мумкин?

11. Когнитология нима? У қайси фанлар билан ўзаро боғлиқ?
12. Когнитология қандай турлардан иборат?
13. Когнитив лингвистика асосчилари кимлар?


Адабиётлар:

1. Аврорин В.А. Проблемў изучения функциональной сторонў язўка (к вопросу о предмете состиолингвистики). Л., «Наука», 1975.
2. Швейстер А.Д. Современная состиолингвистика. Теория, методў, проблемў. М., 1976.
3. Дешериев Ю.Д. Состиальная лингвистика. К основе обхей теории. М., «Наука», 1977.
4. Исаев М.И. Состиолингвистические проблемў язўков народов СССР. М., Вўсшая школа. 1982.
5. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, 2006.
6. Демьянков В.О. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретуюхего подхода. В.Я. 1994, №4.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР


1-савол. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

1-илова



2-савол. Социолингвистика ва лингвопрагматика

2-илова



3-илова

Социолингвистика фақат тилшунослик ва жамиятшунослик фанлари орасидаги муносабатларни эмас, балки фалсафани, ижтимоий психология ва этнографияга оид масалаларни ҳам


Прагматика – инсон ўз мақсадларига табиий тил (нутқ фаолияти) орқали эришиши (тил бирликларининг фойдалилик даражаси)ни ўрганади

3-савол. Психоллингвистик муаммолар

Психологик тилшунослик фанининг предметини 2 қисмга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳозиргача кўрилган тилга оид масалаларни психология нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш;
- соф психологик тилшунослик масалалари

4-илова



4-савол. Концепт ва фрейм


5-илова

Концепт – ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир (Кубрякова ва бошқалар. 1996, 90). Концептлар инсон онгида шаклландиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади, улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Одатда, концептнинг умумий хусусиятлари сифатида унинг ички тузилиш жиҳатидан аниқ кўринишга эга эмаслиги қайд қилинади, бироқ бу қайд

Лисоний фаолият когнитив таҳлил назариясининг таянч тушунчалари бўлган ахборотни жамлаш ва қайта ишлаш, билим заҳираси, когнитив қолип, концептуал тизим кабилар эканлиги айтиб ўтилди. Ушбу тушунчалар ўзаро муносабатда, зеро, улардан бири амалга ошиши учун иккинчиси шаклланган бўлиши керак. Дарҳақиқат, билимни жамлаш ва сақлаш учун ўзлаштирилган билим когнитив қолипга биноан ихчамлаштирилиши зарур. Когнитив қолиплар (концепт, образ) бўйича билимни ихчамлаштириш учун шу концептуал тизим бирликлари (фрейм,

5-савол. Когнитив тилшунослик

6-илова



Когнитив тилшуносликнинг асосий вазифаси ва мақсади тил системасининг инсонларнинг ўраб турган муҳитни, инсоният тарихи ва маданиятини, урф-одатларини ўрганишда, англаб олишдаги иштирокини аниқлаш, инсон онгидаги мавжуд тажрибага суяниб, тўпланган билимни маълум тартибга тушириш, уни бошқаларга узатишда воситачилик қилаётган тилнинг ролини тадқиқ этишдир

6-савол. Математик лингвистика

7-илова

Ҳар қандай фан математика билан чамбарчас боғлиқ бўлгандагина юксак мақсадларга эриша олади. Тилшунослик ҳам ундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам 4-асрнинг ўрталарига келиб, тилшуносликда бир қатор лингвистик тушунчаларни аниқлаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида математик лингвистика номи билан юритилувчи алоҳида йўналиш майдонга келди.

Муайян математик аппаратлардан фойдаланадиган лингвистик тадқиқот усули математик лингвистика деб юритилади

